

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ



УМАРОВ ШАҲБОЗ УСМОНОВИЧ

**ПОРАХЎРЛИК ЖИНОЯТЛАРИ УЧУН
ЖАВОБГАРЛИКНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР
АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**
мавзусида ёзилган

5A24123-Коррупцияша қарши курашиш

**Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ**

Илмий раҳбар: Академия бошлиғи Е.В.Коленко

ТОШКЕНТ-2021

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I БОБ. ПОРАХЎРЛИК ЖИНОЯТЛАРИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ БЕЛГИЛАШНИНГ НАЗАРИЙ-ХУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ	
1.1. Порахўрлик жиноятлари тавсифи ва тарихий ривожланиши.....	9
1.2. Ўзбекистон Республикасида порахўрлик жиноятлари учун жавобгарликнинг юридик таҳлили.....	21
II БОБ. ПОРАХЎРЛИК ЖИНОЯТЛАРИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИККА ОИД ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ	
2.1. Порахўрликка оид жиноятлар учун жавобгарликнинг халқаро стандартлари.....	37
2.2. Порахўрлик жиноятлари учун жавобгарлик бўйича илғор хорижий тажрибалар қиёсий-хуқуқий таҳлили.....	47
III БОБ. ПОРАХЎРЛИК ЖИНОЯТЛАРИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИККА ОИД МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ	
3.1. Порахўрлик жиноятлари учун жавобгарликни белгилашдаги муаммоларни бартараф этиш ва бу борадаги миллий қонунчиликни такомиллаштириш.....	62
ХУЛОСА.....	81
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	86
ИЛОВА. Ўзбекистон Республикасининг порахўрлик жиноятлари учун жавобгарлик чоралари кучайтирилиши муносабати билан ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонуни (Лойиха).....	93

КИРИШ

Мавзунинг асосланиши ва долзарбилиги. Порахўрлик жиноятлари Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигига алоҳида аҳамият касб этишини аҳолининг давлат хизматчиларига нисбатан ишончини сусайтириб юборадиган, жамиятнинг иқтисодий негизларига заар етказадиган ва энг асосийси инсон ҳуқуқларининг поймол бўлишига олиб келадиган ижтимоий хавфли қилмиш эканлиги билан баҳолашимиз мумкин. Зоро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “коррупциянинг олдини олмасак, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиб бўлмайди, умуман, жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланмайди”¹.

Ҳақиқатдан ҳам, коррупциявий жиноятлар давлатнинг ривожланишига тўсқинлик қилиб, халқнинг давлат органларига нисбатан ишончини сусайтиради².

Республикада **2019-2020** йиллар давомида коррупцияга оид ҳолатлар юзасидан **6.015** та жиноят иши қўзғатилган. Ушбу жиноят ишларининг **5.618** таси **8.150** нафар шахсларга нисбатан айблов хулосалари билан судларга юборилган бўлиб, уларнинг **12** нафари пора беришда воситачилик қилиш, **253** нафари пора бериш ва **536** нафари пора олиш жиноятлари субъекти сифатида жавобгарлика тортилган.³

Шунингдек, мазкур даврда Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ўрни муайян даражада яхшиланишига эришилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси “Transparency International” коррупцияга қарши ташкилотининг Коррупцияни қабул қилиш индекси (Corruption Perception Index)да 2016 йилда 21 балл билан 176 давлат ичидаги 151-ўринни, 2019 йилда 25 балл билан 180 мамлакат ичидаги 153-ўринга лойик кўрилган бўлса, 2020

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 25.01.2020 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // [Электрон манба]. <https://aza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkatmirziyeevning-oliy-25-01-2020>.

² Авдеев В.А., Авдеева О.А. Стратегические направления противодействия коррупции в РФ // Российская юстиция. 2016. № 7. С. 19–21

³ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси маълумотномаси.

йил натижаларига кўра, 26 балл билан 180 давлат орасидан 146 ўринга лойик кўрилди⁴.

Амалдаги қонунчилиқда порахўрлик жиноятларига оид бир қатор тушунчаларга нисбатан норматив-хуқуқий таърифларнинг мавжуд эмаслиги, порахўрлликка оид қилмишларнинг жиноят қонунчилиги билан лозим даражада қамраб олинмаганлиги ёки улар учун жавобгарликнинг самарали ўрнатилмаганлиги кабилар бу борада Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги ўрнини янада яхшилашга тўсиқ бўлмоқда.

Миллий жиноят қонунчилигимиздаги порахўрлик жиноятларига оид нормаларни танқидий жиҳатдан қайта кўриб чиқиш, мазкур жиноятлар элементларининг комплекслилиги ва мақсадга мувофиқлигини, соҳага оид халқаро стандартлар ҳамда илғор хорижий тажрибанинг миллий қонунчиликка етарли даражада жорий этилганлиги каби масалаларни илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Тадқиқотнинг обьекти ва предмети. Тадқиқот обьекти порахўрлик жиноятлари учун жавобгарликни назарда тутувчи жиноий-хуқуқий муносабатлардир. Тадқиқот предмети эса, порахўрлик жиноятлари таснифи, турлари, тадрижий ривожланиши, порахўрлик жиноятлари учун жавобгарликни назарда тутувчи халқаро стандартлар таснифи ҳамда илғор хорижий тажриба, шунингдек бу соҳадаги мавжуд муаммолар ва миллий қонунчиликни такомиллаштиришнинг назарий-хуқуқий муаммоларини ўз ичига олади.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади порахўрлик жиноятлари учун жавобгарликка оид миллий қонунчилик ва амалиётни илмий нуқтаи назардан таҳлил қилиш ҳамда жиноят қонунчилигига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар беришдан иборат.

⁴ Corruption perceptions index 2020 // [Electronic resource] URL: https://images.transparencycdn.org/images/2016_CPIReport_EN.pdf

Юқорида белгиланган мақсаддан келиб чиқиб, тадқиқот олдига қуйидаги вазифалар қўйилди:

- порахўрлик жиноятлари ва пора предмети тушунчасини тадқиқ қилиш ва уларнинг юридик таърифини ишлаб чиқиш;
- порахўрлик жиноятларини содир этганлик учун жавобгарликка тортиш субъектлари доирасини аниқлаштириш;
- порахўрлик жиноятларнинг объектив ва субъектив белгиларини ҳамда мазкур турдаги жиноятларнинг элементларини таҳлил қилиш;
- соҳага оид халқаро стандартлар, халқаро ташкилотларнинг тавсиялари ва хорижий давлатлар жиноят қонунчилигини таҳлил қилиш ҳамда миллий қонунчилик билан ўртадаги фарқларини аниқлаш асосида назарий ва амалий хulosалар чиқариш;
- порахўрлик жиноятлари учун жавобгарликни миллий доирада жиноят ва жиноят процессуал қонунчилиги билан қамраб олиниш даражасини ўрганиш;
- порахўрлик жиноятлари учун жавобгарликнинг янги шаклларини имплементация қилиш истиқболларини чуқур таҳлил қилиш;
- порахўрлик жиноятлари учун жавобгарликка оид миллий қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган норматив хужжат лойиҳасини тайёрлаш.

Диссертациянинг илмий янгилиги шундан иборатки, мазкур тадқиқот иши порахўрлик жиноятлари, содир этганлик учун жавобгарлик доирасини тўлиқ қамраб олган ҳолда жиноий-хукуқий жиҳатдан таҳлил қилувчи, шунингдек ушбу соҳага оид миллий қонунчиликни халқаро стандартларга мувофиқлиги масалаларига бағишлиланган дастлабки тадқиқотлардан ҳисобланади. Зоро, бунгача бўлган илмий тадқиқотларнинг бир гурухи мансабдорлик билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган жиноятлар, уларни криминологик жиҳатдан ўрганишга қаратилган бўлса, бошқа бир гурухи коррупциявий жиноятларни миллий қонунчилик доирасида жиноий хукуқий таҳлил қилишга қаратилган.

Тадқиқот ишида илк бор порахўрлик жиноятлари учун жавобгарликка оид халқаро стандартлар ва хорижий давлатлар тажрибасини қиёсий-ҳукуқий жиҳатдан таҳлил қилган ҳолда миллий қонунчиликка татбиқ қилиш масалалари таҳлил қилинганд. Шунингдек, порахўрлик жиноятларини жавобгарликка тортиш доираси, таркибий элементларини ўраниш орқали мазкур жиноятларни тўғри квалификация қилиш муаммолари батафсил ўрганилган. Энг асосийси, мазкур тадқиқот ишида биринчи маротаба пора тушунчаси, номоддий манфаат кўришда ифодаланадиган порахўрлик, учинчи шахслар манфаати учун пора ёки чет давлат мансабдор шахси ва халқаро оммавий ташкилот мансабдор шахслари билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган порахўрлик жиноятлари учун жавобгарлик кабиларни миллий қонунчиликка имплементация қилишни кўзлаган ҳолда таҳлил қилинганд. Тадқиқот якунларига кўра эса, порахўрлик жиноятлари учун жавобгарликка оид қонунчиликни халқаро стандартларга мослаштиришга қаратилган норматив ҳужжат тақдим қилинганд.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар таҳлили. Шунингдек, порахўрлик жиноятлари учун жавобгарлик масалалари анча йиллардан бери етарли даражада тадқиқ қилинмасдан келинмоқда. Ушбу турлаги жиноятларнинг умумий ва ўзига хос бўлган хусусиятлари, уларни квалификация қилишдаги муаммолар алоҳида жиноятлар доирасида тадқиқ этилганлигига қарамасдан, порахўрлик жиноятларига оид қонунчиликни халқаро стандартлар ва илгор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш масалалари маҳсус тадқиқот предмети сифатида комплекс тарзда ўрганилмаган. Алоҳида ёки бир групкоррупциявий жиноятларга оид муаммолар Б.Д.Ахаров, Р.А.Зуфаров, Қ.Тожибоев, Қ.Р.Абдурасулова, А.П.Аллабергенов, А.Х.Саттаров, Р.Кабулов ва М.Х.Сулайманов каби олимлар томонидан ўрганилган бўлса⁵, айрим миллий олимларимиз, шу

⁵ Ахаров Б.Д. Бошқарув тартибига қарши мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик муаммолари: Юрид. фан. докт. ... дис. автореф. – Тошкент, 2008. – 39 б.; Зуфаров Р.А. Пораҳўрлик учун жиноят жавобгарлик. Монография. – Т.: ТДЮИ, 2004.; Тожибоев Қ. Мансаб мавқеини суистеъмол қилиш йўли билан ўзгалар мулкини талон-торож қилганлиги учун жавобгарлик. – Тошкент: ТДЮИ, 2004. – 64 б.; Абдурасулова Қ., Курбонов О. Коррупция: Асосий тушунча ва шакллари (рисола). – Т.: Фалсафа ва хуқук

жумладан, И.Исмоилов, М.Х.Рустамбоев, М.А.Ражабова, А.Х.Рахмонкулов, Қ.Тожибоев ва М.Қодировлар коррупциявий жиноятларни бошқа турдаги жиноятлар билан бир қаторда муайян даражада тадқиқ қилишган⁶. Коррупциявий қилмишларнинг жиноий-хуқуқий таҳлили масалалари бўйича чет эл хуқуқшунос олимларидан Э.С.Шимшилова, Г.Н.Миронова, В.Б.Комаров, А.В.Крылов, Д.А.Кононов, А.С.Икрянникова ва А.В.Воробьевлар⁷ томонидан ҳам изланишлар амалга оширилган.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Тадқиқот порахўрлик жиноятларига оид миллий ва хорижий қонунчиликни ҳамда халқаро стандартларни тизимли ҳамда қиёсий таҳлил қилиш, шунингдек, тарихий ўрганиш ва прогнозлаштириш каби усуллар асосида амалга оширилган. Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган жиноятчиликка қарши кураш, суд-хуқук ислоҳотлари, жиноят қонунчилигини такомиллаштиришга оид таҳлиллар тадқиқот ишининг методологик асосини ташкил этади.

Тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти шунда кўринадики, мазкур тадқиқот порахўрлик жиноятлари тушунчаси, турлари, улар учун

институти, 2009.–646 Аллабергенов А.П. Ответственность за хищение, совершенное путем злоупотребления служебным положением. – Ташкент: ТашГУ, 1984. – 51 с.; Саттаров А.Х. Борьба с должностными злоупотреблениями в подсобных сельских хозяйствах предприятий и организаций. Автореф. ... канд. юрид. наук. – Т., 1990. – 25 с.; Кабулов Р. Уголовно-правовые меры борьбы с хищениями: теория и практика. Автореф.докт.дисс. – Т.: Академия МВД, 1997. – 28 с.; Сулайманов М.Х. Уголовно-правовая борьба с преступлениями, посягающими на деятельность представителей власти и общественности по охране общественного порядка. Автореф.канд.дисс. – Т., 1984.

⁶ Исмоилов И. Жиноятчиликда ўюшганлик: назария ва амалиёт муаммолари. – Т., 2005. – Б. 62-63.; Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шархлар. Махсус қисм. – Тошкент: ILMZIYO, 2006. – 912 б.; Ражабова М.А. Жиноий жазоларни либераллаштириш: илмий ва амалий таҳлил. – Т.: Адолат, 2005. – Б.127.; Кадыров М.М. Уголовное право Республики Узбекистан. Особенная часть. Учебник. –Ташкент: Адолат, 1997. – 507 с.

⁷ Шимшилова Э.С. Преступления коррупционной направленности, совершаемые в коммерческих организациях: уголовно-правовое и сравнительно-правовое исследование: автореф. дисс. .канд. юрид. наук: 12.00.08 / Эльмира Сулеймановна Шимшилова. М., 2019. – 23 с.; Миронова Г.Н. Уголовная ответственность за мелкий коммерческий подкуп (ст. 204.2 УК РФ): автореф. дисс. .канд. юрид. наук: 12.00.08 / Галина Николаевна Миронова. М., 2019. – 22 с.; Комаров В.Б. Предмет взяточничества: дисс. .канд. юрид. наук: 12.00.08 / Вячеслав Борисович Комаров. М., 2018. – 213 с.; Крылова А.В. Злоупотребление полномочиями в коммерческих и иных организациях: проблемы уголовно-правовой квалификации: дисс. .канд. юрид. наук: 12.00.08 / Алина Владимировна Крылова. М., 2017. – 266 с.; Кононов Д.А. Злоупотребление полномочиями и коммерческий подкуп: уголовно-правовая характеристика: дисс. .канд. юрид. наук: 12.00.08 / Давид Александрович Кононов. М., 2016. – 184 с.; Икрянникова А.С. Соучастие в коррупционном преступлении: опыт криминологического исследования: уголовно-правовая характеристика: дисс. .канд. юрид. наук: 12.00.08 / Алла Сергеевна Икрянникова. М., 2016. – 290 с.; Воробьев А.В. Уголовно-правовые меры борьбы с преступлениями коррупционной направленности против интересов службы в органах местного самоуправления: дисс. .канд. юрид. наук: 12.00.08 / Александр Владимирович Воробьев. М., 2016. – 290 с.

жавобгарлик доирасини, жавобгарликка тортишнинг умумий ва ўзига хос белгиларини, ушбу турдаги жиноятларни квалификация қилиш муаммолари ўрганиш ва бартараф этишга ҳисса қўшади. Тадқиқот натижасида олинган хулосалар кейинчалик мавзуга оид илмий тадқиқот олиб боришда ҳамда порахўрлик жиноятлари учун жавобгарлик соҳасини ўрганишда назарий манба сифатида хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти қўйидагилардан иборат:

- илмий ишнинг хулоса ва натижалари қонун ижодкорлиги амалиётида порахўрлик жиноятлари учун жавобгарлик белгиланган қонунлар нормаларини янада такомиллаштиришга оид қонунларни қабул қилишда инобатта олиниши мумкин;
- ундаги хулоса ва таклифлар порахўрликака оид жиноятларни жавобгарликка тортиш самарадорлигини ошириш жараёнида яхлит ёндашувни амалга ошириш имконини беради;
- тергов ва суд амалиётида бу тоифадаги жиноятларни квалификация қилишда ягона амалиётни йўлга қўйиш имконини яратади;
- тадқиқот ишидаги илмий хулосалардан порахўрликка оид жиноятларга қарши курашиш амалиётида ҳамда давлат Дастурларини ишлаб чиқишида фойдаланиш мумкин.

Иш тузилмасининг тавсифи. Диссертация кириш, уч боб ва уларга тегишли бўлган бешта параграф, хулоса, фойдалинилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, ишнинг ҳажми бетдан иборат.

І БОБ. ПОРАХҮРЛИК ЖИНОЯТЛАРИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ БЕЛГИЛАШНИНГ НАЗАРИЙ-ХУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

1.1. Порахўрлик жиноятлари таснифи ва тарихий ривожланиши

Биз биламизки, хуқуқшунослика "порахўрлик" криминалистик, криминологик ва жиноят хуқуқий элементларни ўзида мужассам этадиган мураккаб тушунча ҳисобланади. Дастреб порахўрлик тушунчаси келиб чиқиши ва оммалашиб бориши тарихдан кишида мойиллик (хоҳиш) уйғотиш учун совға бериш одатига бориб тақалади. Ўз-ўзидан қимматбаҳо, яъни қиймати юқори бўлган совға одамни бошқалар орасидан ажратиб қўрсатиб, пора берувчининг манфаати йўлида унинг илтимоси бажарилишига хизмат қилган. Шу сабабли ибтидоий жамиятларда коҳин ёки қабила бошлиғига тўлов бериш одат, анъана турага кириб қолган.

Давлатнинг ривожланиб бориши, бошқарувнинг такомиллашиши муносабати билан профессионал амалдорлар (мансадор шахслар) пайдо бўла бошлаган бир даврда, ҳукмдорларнинг фикрича, улар факат қатъий белгиланган маош билан кифояланиши лозим бўлган. Амалда эса, бу амалдорлар ўз мавқеидан даромадларни яшириш ва ошириш мақсадида фойдаланишга ҳаракат қилишган.

Порахўрликка қарши курашган ҳукмдор сифатида тарихда қолган шахс Урунимгина – эрамиздан аввалги ХХIV асрнинг иккинчи ярмида Лагаш шаҳар-давлатининг шумерлар подшоси ҳисобланади. Аммо, унинг даврида ҳам коррупция учун бошқаларга намуна бўладиган шафқатсиз жазолар қўлланишига қарамай, унга қарши кураш кутилган натижаларга олиб келмаган.

Порахўрлик муҳокама қилинган дастреби асар — «Артха-шастра» — эрамиздан аввалги IV асрда Бхарат (Хиндистон) вазирларидан бири томонидан Каутилья таҳаллуси остида чоп этилган. Унда муаллиф «подшоҳнинг мулки, ҳатто кичик миқдорда бўлса ҳам, бу мулкни идора

қиласынан олардың үзлаштириб олиниши мүмкін эмас» деган холоса чиқарған.

Худди шу каби коррупциявий муаммоларга Қадимги Миср фирмәвнлари ҳам дуч келишгандай болып, бу ерда эркин деңқонлар, ҳунармандлар ва ҳатто ҳарбий аъёнларга нисбатан ҳам үзбошимчалик ва зўравонлик ишлатган ҳамда қонунбузарликларни ўзига касб қилиб олган амалдорларнинг бюрократик аппарати юзага келган. “Итахотел” деган шахснинг бугунги кунга қадар етиб келган ўз панд-насиҳатларида қуйидагича тавсия берилган: «Бошлиқ олдида белингни букиб таъзим қил, шунда сенинг уйингда тартиб бўлади, сенинг маошинг жойида бўлади, ким бошлиқка қаршилик кўрсатадиган бўлса, унинг ҳаёти осон кечмайди, лекин у илтифот кўрсатганда яшаш ҳам осон бўлади⁸».

Шунингдек, судьялар порахўрлиги алоҳида аҳамият касб этиб, бу мулкнинг ноқонуний тақсимланишига ва низоларни ҳуқуқ майдонидан ташқарида ҳал қилишга олиб келган. Бежизга барча динларда коррупция турлари орасида биринчи навбатда судьяларни пора бериб сотиб олиш қораланмайди: Инжилда «...бошлиқ совға талаб қиласи, судья пора эвазига суд қиласи, катта амалдорлар эса, ўз хоҳишига қараб бизларни жазолайди ва ишларни нотўғри талқин қиласи...»⁹; «Совғаларни қабул қилма, чунки совға кўрни кўрадиган қиласи ва ҳақиқатни ўзгартиради» (Чиқиш. 23:8, қ. шунингдек, Иккинчи қонун. 16:19); Қуърони Каримда “Бошқаларнинг мулкини ноҳақ йўл билан олмангиз ва бошқаларга тегишли бўлган нарсаларни олиш учун ўз мулкингиздан ҳокимларингизга пора қилиб узатмангизлар” (Қуръони карим, 2:188) ва ҳ.к.

Пора олиш ва бериш Қадимги Римда амал қиласи 12 жадвал қонунларида тилга олинган. Ибтидоий ва илк синфий жамиятларда коҳинга, қабила оқсоқолига ёки ҳарбий бошлиқка муайян имтиёзни қўлга киритиш учун ҳақ тўлаш табиий бир ҳол сифатида қаралган. Давлат аппаратининг

⁸ Хрестоматия государства и права зарубежных стран. Древность и Средние века / сост. В. А. Томсинов. — М.: Зерцало, 1999; 2004. — С. 56.

⁹ Библия. Ветхий Завет. — М., 1994. — С. 352.

мураккаблашуви ва профессионаллашувига қараб вазият ўзгариб борган. Олий мартабали амалдорлар қуи турувчи “хизматчилар” факат тайинланган маош билан қаноатланишларини талаб қилганлар. Қуи даража амалдорлар эса, аксинча, ўз хизмат вазифаларини бажарганлик учун арзгўйлардан яширинча қўшимча ҳақ олишни (ёки талаб қилишни) маъкул кўрганлар.¹⁰

Қадимги Рим қонунларида ҳам порахўрлик тушунчалари мавжуд бўлиб, «*corrumperem*» атамаси «судда кўрсатмаларни пулга сотиб олиш» ва «судьяни пора бериб сотиб олиш» маъносида фойдаланилган: «Наҳотки сиз судда сўзлашда ишларни текшириш учун тайинланган ва бу иш бўйича пора олган судья ёки воситачини ўлим жазоси билан жазолайдиган қонунни шафқатсиз деб ҳисоблайсиз?»).¹¹

Ўрта аср ҳуқуқ тизимида ҳам коррупция, порахўрлик алоҳида ўрин эгаллаган бўлиб, бу даврда яшаб ижод қилган Никколо Макиавелли ўз асарлари билан коррупцияни англаб етишга муҳим туртки берган. У коррупцияни касаллик, масалан, сил касаллигига тенглаштирган, қиёслаган. Агар касал ўтқазиб юборилган бўлса, уни аниқлаш осон, лекин даволаш жуда қийин.¹²

P.Bardhan фикрига кўра, XVIII аср охиридан бошлиб Ғарб мамлакатларида жамиятнинг порахўрликка бўлган муносабатида туб бурилиш рўй берди. Бу даврда рўз берган либерал ўзгаришлар давлат ҳукумати унинг кўл остидаги одамлар манфаатида мавжуд ва шу сабабли фуқаролар амалдорларнинг қонунга сўзсиз риоя қилишлари эвазига ҳукуматни боқади, деган шиор остида ўтган. Хусусан, 1787 йил қабул қилинган АҚШ Конституциясига мувофиқ, пора олиш икки жиноят

¹⁰ Исмаилов Б.И.Коррупцияга карши кураш борасида хорижий давлатлар амалиёти ва халқаро стандартлар тизими шаклланиши.//Ўқув қулланма.-Т.:Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Коррупцияга қарши курашиш илмий таълим маркази, ЮМОМ. 2019.-13 б

¹¹ Таблица IX. З. Авл. Гелий / Законы XII таблиц. Хрестоматия по истории государства и права зарубежных стран / под ред. В. А. Томсикова. — М.: Зерцало, 1999. С. 120.

¹² Макиавелли Н. Избранное. — М., 1989. — С. 78-79.

турларидан бири сифатида тилга олинган бўлиб, буни содир қилганлик учун АҚШ Президентига импичмент эълон қилиниши мумкин.¹³

Буюк Британияда XIX асрнинг бошларигача порахўрлик учун жавобгарлик белгиланмаган ва XIX асрнинг бошларида порахўрлик учун жавобгарликни белгиловчи суд прецедентлари ва қонунлар (1809 ва 1914 йиллардаги прецедентлар, шунингдек 1889 йилги жамоат ташкилотларидағи порахўрлик тўғрисидаги қонун) қабул килинган.¹⁴

Россия давлатининг 1497 йилдаги суд хужжатларида судьяга пора (ришват) беришни тақиқловчи нормаларни учратиш мумкин. Ришват деганда, одил судловни амалга оширувчи ёки тортишувларни ҳал қилувчи мансабдор шахснинг совға, ноқонуний йигим, пора, келтирмаларни олиши тушунилади. Бироқ, ўша вақтлардаги суд хужжатларида судьялар томонидан ришват олганлик учун ҳеч қандай санкция белгиланмаган.

Рус ҳукуқининг 1550 йилдаги суд хужжатларида қонун чиқарувчилар томонидан «порахўрлик» ва «рибоҳўрлик» орасидаги фарқ ажратиб кўрсатилган. Порахўрлик деганда, «ишни судда кўриш иштирокчиси бўлган мансабдор шахснинг, ишни ёки аризани судда кўриш вақтида, хизмат бўйича ишларни одил судлов манфаатларига хилоф равишда ҳак эвазига бажариши» тушунилган. Рибоҳўрлик деганда эса, «суд органларининг мансабдор шахси томонидан рухсат этилган қонуний божни, қонунда белгиланган нормадан кўп олиши» тушунилган.¹⁵

Бундан қўриниб турибдики, кадимги ва ўрта асрларда порахўрлик учун жавобгарлик нафақат Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган давлатларда, балки бошқа бир қатор хорижий давлатларда ҳам мавжуд бўлган.

E. L. Glaeser, C. Goldinлар эса, бу борадаги қарашларини қуйидагича изоҳлашади: жамиятнинг ўрни тобора давлат бошқарувида юқорила борган

¹³ Bardhan P. Corruption and development: a review of issues. — In: Political corruption: concepts and contexts / Ed. Heidenheimer A. J., Johnston M. 3rd ed. New Brunswick, NJ: Transaction, 2002. — ISBN 978-0-7658-0761-8 — P. 331.

¹⁴ Ответственность за должностные преступления в зарубежных странах. - М., 1994. - С. 54-55

¹⁵ Коррупция и взяточничество в России: исторический, криминологический и уголовно-правовой аспекты. - Нижнекамск, 1995. - С. 10.

сари, давлат аппарати иши сифатига катта таъсири кўрсата бошлаган. Сиёсий партиялар ва давлат томонидан тартибга солишининг кучайиши билан йирик бизнес ва сиёсий партиялар тил биритириши ҳолатлари кўпая бошлаган. Лекин шунга қарамай, XIX-XX асрлар давомида ривожланган мамлакатларда коррупция даражаси қолган дунё билан таққослаганда анча пасайди.¹⁶

XIX ва XX асрлар бўсағаси ривожланган мамлакатларда порахўрлик ривожланишида янги босқич чиқкан. Бунга асосий сабаб, биринчидан, давлат томонидан тартибга солишининг ва мос равища, амалдорлар ҳукмронлигининг навбатдаги кучайиши бўлса, бошқа томондан рақобат курашида «давлатни пора бериб сотиб олиш» давлатнинг алоҳида майда хизматчиларини вақти-вақти билан пора бериб сотиб олиш эмас, балки капитал манфаатларини ҳимоя қилиш учун юқори мансабдаги амалдорлар ва сиёсатчилар фаолиятини тўғридан-тўғри бўйсундиришга мурожаат киладиган йирик хусусий бизнес вужудга кела бошлагани бўлган.

Жамият ва давлат бошқарувида сиёсий партиялар аҳамиятининг ўсиши билан ривожланган мамлакатларда (айниқса, Фарбий Европа мамлакатларида Иккинчи жаҳон урушидан кейин) партия коррупцияси ривожланиб, бунда ўз манфатларини ҳимоя қилиш ва илгари суриш учун йирик фирмалар ва трансмиллий корпорациялар нафақат шахсан сиёсатчиларга, балки “партия кассасига” ҳам пул тўлай бошлаган. Яъни, партия фаолиятининг моддий таъминотчисига айланган.

Порахўрлик тушунчасига жиноят хуқуқий томондан таъриф бериадиган бўлса, ушбу атаманинг таърифи фақат унинг хуқуқий табиатига дахлдорлигига гувоҳ бўламиз. Шунинг учун ҳам ҳуқуқшунослар томонидан фақат порахўрликнинг хуқуқий мазмуни ўрганилган. Совет даври юридик адабиётида узоқ йиллар давомида унинг хуқуқий табиати ҳақида баҳс юритилди: пора олиш ва бериш ягона жиноятми ёки мустақил жиноятларми? Кўпгина муаллифлар, жумладан, Б.В.Здравомыслов, В.Ф.Кириченко, В.Е.Мелникова, Н.А.Стручков, М.Д.Шаргородский ва ҳоказолар

¹⁶ Glaeser E. L., Goldin C. Corruption and reform: an introduction (англ.) // NBER Working Paper 10775. 2004.

"порахўрлик" атамасидаги пора бериш, пора олиш ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш хатти-ҳаракатлари мустақил жиноятлар деб ҳисоблашган¹⁷.

Б.Волженкин бу борадаги олимларнинг позиция ва қарашларини умумлаштириб, "барча фикрларнинг вакиллари пора олиш ва беришга тажовуз қилиш обьекти бир хил – давлат бошқаруви аппарати мансабдор шахснинг ўз расмий фаолияти билан боғлиқ равишида пора берувчи томонидан ўтказилган ноқонуний моддий кўринишдаги ҳақни қабул қилиши орқали давлат бошқаруви нормал фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилиши" деб ҳисбланиши ҳақида якуний хulosага келган. Шу билан бирга, Совет давридаги ва замонавий қонунчиликда мансабдор шахснинг қонуний ва ноқонуний фаолияти пора билан мукофотланганидан қатъи-назар пора бериш жинояти (порахўрлик) деб тан олинган.

Таъсир обьекти мохиятига кўра, бундай талқин қилиниши мунозарали масала ҳисобланади. Чунки, мансабдор шахс бундай йўл билан давлат аппарати нормал фаолиятига тўлиқ тажовузни амалга ошириши, расмий фаолияти учун давлат қонунида тўлаш (ҳақ олиш) тамойилини бузиши учун кимдир унга пора бериши керак бўлади. Бинобарин пора берувчи, шу жамладан мажбурлаш (пора талаб қилиш) таъсири остида иш тутган шахс ҳам ушбу жиноятга шерикдир, чунки у қасдан мансабдор шахс билан биргаликда давлат бошқаруви фаолиятига тажовуз қилишда иштирок этади¹⁸.

Шу билан бирга, жиноят ҳукуқи соҳасидаги кўплаб тадқиқотчилар Б. В. Волженкиннинг бу позициясига қўшилмаганлигини таъкидлаш керак. О. Качмазовнинг таъкидлашича “.... пора олиш ва бериш ўртасида яқин алоқа бўлса-да, улар мустақил жиноятлардир, чунки улар бир-бирига нисбатан маҳсус, фақат ўзига хос хусусиятларга эга. Хусусан, жиноят предметидаги

¹⁷ См., например: Кириченко В.Ф., Бойцов Б.В. Взяточничество // Уголовная ответственность за хищения государственного или общественного имущества, хозяйственные преступления и взяточничество. - М., 1967 г., - С. 184; Гельфанд И.А. Хозяйственные и должностные преступления в сельском хозяйстве. - Киев, 1970. - С. 227.; Мельникова В.Е., Ответственность за взяточничество. - М., 1982. - С. 5; Квициния А.К. Должностные преступления: уголовно-правовые и криминологические аспекты. - Тбилиси, 1988. - С. 153; Ляпунов Ю.И. Корыстные правонарушения нетерпимы. - М., 1989. - С. 84.

¹⁸ Волженкин Б.В. Служебные преступления. - М.: Юристъ, 2000. С. 193

фарқнинг оддий ҳақиқати шу қадар аҳамиятлики, уларни ягона жиноят деб ҳисоблашга имкон бермайди”¹⁹.

Фикримизча, бу ёндашув тўғри ва асосли бўлиб, ҳақиқатан ҳам пора олиш ва бериш жинояти юридик таркиби жиҳатидан ҳам алоҳида-алоҳида элементларга эга хатти-ҳаракатлар ҳисобланади. Бу ёндашув ўзининг юридик асосга эга бўлганлигини кейинчалик халқаро хукуқда умумэътироф этилганлиги билан баҳолашимиз мумкин.

Бошқа бир рус олими И.А.Клепицкийнинг фикрига кўра, пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қидиш мустақил жиноят эканлиги ҳақидаги ғоялар ғалаба қозонганлигини тан олиш зарурдир²⁰. Воситачилик билан боғлиқ ҳаракатлар ҳозирга қадар турли давлатлар амалиётида турли кўринишларга эга бўлиб, баъзиларида пора олиш ва пора бериш жиноятида таркибida квалификация қилинса, баъзиларида ушбу қилмиш мустақил жиноят сифатида ўрнатилганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Буюк Совет Энсиклопедияси жиноят қонун нормаларига асосланган "порахўрлик" сўзини уч турдаги жиноятларни бирлаштирадиган концепция сифатида аниқлади: пора олиш, пора бериш, пора олиш ва беришда воситачилик қилиш. Пора олиш - "расмий шахс томонидан ёки ҳар қандай моддий қадриятларни (нарсалар, пул) шахсан ва воситачилар орқали қабул қилиш орқали бу шахснинг мавқеи туфайли содир бўлиши керак бўлган ёки бўлиши мумкин бўлган ҳаракатни пора берувчининг манфаатлари учун фойдаланиши ёки бажармаслик учун ҳар қандай мулкий фойда олиш" деб эътироф этилади. Унда номоддий манфаат кўриш пора деб ҳисобламайди.

Т. Ф. Ефремов томонидан таҳrir қилинган рус тилининг янги изоҳли луғатида "порахўрлик" атамаси "пора олиш" деб, жуда қисқа қилиб белгилангандан ва "пора" пора берувчининг манфаатлари учун ҳар қандай

¹⁹ См.: Качмазов О.Х. Ответственность за взяточничество по Российскому уголовному праву. Владикавказ: Иристон. 2000. С. 30.

²⁰ См. Клепицкий И.А., Резанов В.И. Получение взятки в уголовном праве России. Комментарий законодательства. М.: Издательский центр АРиНА, 2001.

ноқонуний харакатларни содир этиш учун расмий тўлов" деб талқин қилинган.

XX асрнинг иккинчи ярмида порахўрлик янада долзарб халқаро муаммога айлана бошлади. Корпорациялар томонидан чет элдаги юқори мансабдор шахсларни пора бериб сотиб олиш оммавий характерга эга бўлди. Глобаллашув шунга олиб келдики, бир мамлакатдаги коррупция кўплаб мамлакатларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсата бошлади. 1990-йилларда сobiқ социалистик мамлакатлардаги эркинлаштириш ўта кетган мансаб суиистеъмоллари билан биргалиқда кузатилди. Шунинг баробарида коррупцияша қарши кураш мақсадида 1995 йил 31 декабрь сонида «Financial Times» газетаси 1995 йилни «коррупция йили» деб атади. Коррупция ҳақида билимларни тарғиб қилиш учун БМТ Коррупцияга қарши кураш халқаро куни (9 декабрь) таъсис қилди.

Р.А. Зуфаровнинг фикрига кўра, СССР Олий Совети призидумининг кейинги фармони 1962 йил 20 февралда қабул қилиниб "Порахўрлик учун жавобгарликни кучайтириш ҳақида" деб номланиб, мансабдорлик жиноятларининг айрим турларининг пора олиш, пора бериш ва пора олиш беришда воситачилик қилиш жиноятлари учун жавобгарлик таъсир чораларини кучайтириб берилди. Шунинг учун ҳам жавоб-гарликни айниқса оғирлаштирувчи ҳолатларда пора олганлик учун олий жазо санкцияси қонунга киритилади.²¹

Миллий қонунчилигимизда ҳам порахўрлик тушунчаларига таърифлар берилган бўлиб, масалан М.Х.Рустамбоев ўз фикрида порахўрликни – бошқарув органлари фаолияти тартибига қарши қаратилган уч мустақил мансабдорлик жиноятлари – пора олиш, пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилишни ўз ичига олган тушунча деб, хисобланади.²² Юқорида таъкидлаганимиздек. Порахўрлик жиноятлари мансабдорлик билан боғлиқ

²¹ Зуфаров Р.А. Порахўрлик учун жиноий жавобгарлик. Т., 2004 йил, 83-84 бетлар.

²² М.Х.Рустамбаев “Ўзбекистон Республикаси Жиноят хуқуқи курси” 4-том. Дарслик. Т.:Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Харбий-техника институти, 2018. 390-бет

холда пора олиш, пора бериш ва ундаги воситачилик қилиш кўринишлари содир этиладиган хатти-ҳаракатлар йиғиндиси ҳисобланади.

Порахўрлик жиноятлари тушунчаси порахўрлик билар боғлиқ ҳолда содир этиладиган ҳар қандай жиноятларни қамраб олади. Шунга қўра, ушбу турдаги жиноятларни билиш орқали порахўрлик жиноятлари тушунчаси анлашилади. Масалан, пора олиш, пора бериш, пора олиш ва беришда воситачилик қилиш, хусусий сектордаги пора ва ҳоказолар умумий порахўрлик жиноятари тушунчасини келтириб чиқаради.

Шунингдек, порахўрлик ҳиноятлари тушунчаси халқаро норматив ҳужжатларда ҳам келтирилган бўлиб, масалан, Европа Иттифоқининг 27.01.1999 йилдаги “Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисида”ги Конвенциясида пора олиш ва пора бериш тушунчалари автив ва пассив порахўрлик кўринишларида бўлиши, бундан ташқари порахўрлик жиноятини содир этиш субъектларига кўра, алоҳида турлари кўрсатиб ўтилган.

Порахўрлик жиноятлари билан боғлиқ яна бир муҳим халқаро ҳужжат бу - БМТнинг 31.11.2003 йилдаги “Коррупцияга қарши Конвенцияси”си бўлиб, 15-моддасида оммавий мансабдор шахсларга пора беришга оид норма келтирилган бўлиб, унда мансабдорга шахсларга пора бериш ва мансабдор шахсларнинг пора олиши ҳақида сўз борган. Конвенцияда аъзо давлатлар мазкур қилмишлар учун жавобгарликни назарда тутишлари лозимлиги таъкидланган²³. Конвенцияда порахўрликка оид бошқа нормалар ҳам ўз аксини топган.

Европа Кенгashi томонидан 1999 йилда қабул қилинган Коррупция учун фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисидаги конвенцияда коррупцияга “пора олувчидан талаб қилинадиган мажбуриятлар ва юриштуриш қоидаларини бажаришдан оғдиришга қаратилган ҳар қандай афзалликларни

²³ Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции (Принята резолюцией 58/4 Генеральной Ассамблеи от 31 октября 2003 года) // [Электрон манба]. URL: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/corruption.shtml

бевосита ва билвосита бериш, қабул қилиш, таклиф қилиш ёки сўрашдан иборат ҳаракатлар” сифатида таъриф берилади²⁴.

Порахўрлик жинояти турлари жиноят одир этилиш обьекти ва субъектидан келиб чиқсан ҳолда турли кўринишларда намоён бўлади. Ушбу жиноятни содир этиш субъектлари жисмоний шахслар (давлат хизматчилари, тадбиркорлик субъектлари ва бошқа шахслар) ҳисобланганлиги сабабли жиноятнинг содир этилиш усулига кўра турларга ҳам бўлинган.

Жумладан, халқаро конвенциялар ҳисобланган БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенцияси, Европа Иттифоқининг Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги, Коррупция учун фуқаровий-хукукий жавобгарлик тўғрисидаги конвенциялари, Коррупцияга қарши Америкалараро шартнома ва бошқа халқаро хужжатларда порахўрлик жиноятларининг турлари келтириб ўтилган.

Республикамиз қонунчилигига кўра, порахўрликка оид жиноятларнинг куйидаги кўринишлари мавжуд:

Пора олиш жинояти Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 210-моддасида белгилаб қўйилган бўлиб, дастлаб модда диспозицияси “Пора олиш, яъни мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкий наф кўриши” кўринишда бўлган. Мазкур моддага Ўзбекистон Республикасининг 30.08.2015 йилдаги ЎРҚ-389-сонли қонуни билан ўзгартириш киритлиб, пора олиш жиноятига амалдаги таъриф берилган.

Шунингдек, пора бериш жинояти (ЖК 211-модда) ёки пора олиш-беришда воситачилик қилиш жиноятлари ҳам (212-модда) Жиноят кодекси дастлаб қабул қилинган пайтидаги таҳририда мавжуд бўлиб, мазкур

²⁴ Конвенция о гражданско-правовой ответственности за коррупцию (Страсбург, 4 ноября 1999 года) // [Электрон манба]. URL: <https://www.coe.int/ru/web/conventions/full-list/-/conventions/rms/090000168007f58c>

моддалар кейинчалик такомиллаштирилиб, тўлдириб борилган. Мазкур моддаларга киритилган асосий ўзгартишлардан бири - модданинг “Башарти, пора олиш-беришда воситачилик қилган шахс жиноий ҳаракатларни содир этганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, жавобгарликдан озод қилиниши”²⁵ қисми бўлиб, ушбу ўзгартиш Ўзбекистон Республикасининг 14.05.2014 йилдаги ЎРҚ-372-сонли қонуни билан киритилган.

Мазкур ўзгартишлар жиноят қонунчилигининг либераллашуви натижасида инсон хукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, фуқаролик жамияти қуришга қаратилган чоралар сифатида Жиноят кодексига киритилган дейишимиз мумкин.

Бундан ташқари, Жиноят кодексининг 213-моддасидаги “Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш” жинояти дастлаб “хизматчини пора эвазига оғдириб олиш” жинояти кўринишида таҳрир қилинган бўлса, 214-модда “Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши” жинояти “Товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилиш” кўринишида баён қилинган.

Шунингдек, кейинчалик мазкур моддалар диспозицияга шахснинг дастлаб ушбу қилшим учун маъмурий жавобгарликка тортилган бўлиши лозимлиги каби ўзгартишлар билан тўлдирилган. Яъни, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига 193¹-модда “Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш” ва 193² - модда “Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки

²⁵ Ўзбекистон Республикасининг 14.05.204-йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айrim қонун хужжатларини ўз кучини йўкотган деб топиш тўғрисида”ги ЎРҚ-372-сон қонуни, (Электрон манба), <https://lex.uz/docs/2388207>

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равиша моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши”²⁶ хукуқбузарликлари киритилган.

Жиноят кодексида “Тижоратда пора эвазига оғдириб олиш” (192⁹-модда) ва “Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш” (192¹⁰-модда) мавжуд бўлиб, порахзрлик жиноятининг ушбу турлари хусусий сектор билан боғлиқ ҳолда содир этилиши назарда тутилган. Жиноят кодекси мазкур моддалар билан 20.08.2015 йилдаги ЎРҚ-391-сон қонуни билан тўлдиилган. Шу асосда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ҳам қўйидаги 61¹-модда “Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш” хукуқбузарлиги киритилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, порахўрлик жиноятлари учун жавобгарлик масалалари ўзининг тарихий ривожланиши давомидан такомиллашиб, ҳар доим дунё ҳамжамияти эътиборида турган жиддий муаммолардан бири ҳисобланади. Қандай турлари мавжудлиги ёки қандай шаклда содир этилишидан қатъи-назар порахўрликка қарши кураш, уни олдини олиш бугунги кун давлат сиёсатининг ажralmas қисмидир. Чунки, давлат томонидан аҳолининг хукуқ ва эркинликларини амалга ошириш, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда коррупциявий ҳолатларга барҳам берилиши орқали халқаро миқёсда юқори ўринларда эътирофга сабаб бўлишига замин яратади.

²⁶ Ўзбекистон Республикасининг 20.08.2015 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-391-сон қонуни, (электрон манба), <https://lex.uz/docs/2724496>

1.2. Ўзбекистон Республикасида порахўрлик жиноятлари учун жавобгарликнинг юридик таҳлили

Порахўрликка оид жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги мансабдор шахслар томонидан ўзларининг мансаб ваколатларини ижро этишининг ўрнатилган тартибини кескин ўзгартириш ва бу билан давлат манфаатларини қўпол равишда бузишда кўринади. Порахўрлик коррупциянинг асосий кўринишларидан бири бўлиб, ҳокимият ва бошқарув асосларини емирадиган, унинг аҳоли олдидаги обрўсига путур етказадиган ва унга нисбатан ишончни сусайтирадиган, фуқароларнинг қонуний хукуқ ва манфаатларига дахл қиласидиган хавфли жиноий ҳодиса ҳисобланади.

Порахўрлик жинояти таркибий элементларига (объект, объектив томон, субъект ва субъектив томон) тўхталиб ўталиб ўтадиган бўлсак, аввало мазкур турдаги жиноятлар умумий объектга эганлиги билан ажралиб туради.

Ушбу зарурий белгилар жиноят таркиби мавжуд бўлиши учун шарт бўлган элементлар бўлиб, уларнинг йифиндиси қилмишни жиноят деб ҳисоблаш учун минимал ва етарли бўлган ижтимоий хавфлилигини ташкил қиласиди.

Миллий қонунчилигимизда порахўрликка оид жиноятлар ва улар учун жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг (192⁹- 192¹⁰-, ва 210-214-моддалари) тегишли моддаларида белгилаб қўйилган бўлиб, уларнинг юридик таҳлилини амалиётда кўп ҳолларда пора олиш, пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш жиноятлари содир этилишини инобатга олиб, жиноят юридик таҳлилини улар мисолида кўриб чиқишимиз мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шунга кўра, дастлаб пора олиш (ЖК 210-модда) жинояти таркибий элементларига тўхталиб ўтадиган бўлсак, баъзи олимлар порахўрлик, яъни пора эвазига сотилишнинг ўзини коррупция десалар, бошқалари эса бууюшмаган жиноятчиликнинг кенг кўринишдир деб таърифлайдилар. Яна

баъзилари эса уни сиёсат, иқтисодиёт ва демократик шароитлар билан боғлайдилар.

Жиноят ҳуқуқи бўйича жиноят мавжудлигининг зарурий таркибий белгиси ҳисобланган жиноят обьектига қуидагича таъриф берилади: **жиноят обьекти** - жиноят қонуни билан қўриқланадиган энг устувор ва ижтимоий жиҳатдан муҳим бўлган умумлашган ҳолда соф ижтимоий категория бўлган ижтимоий муносабат бўлиб, жиноят содир этилиши натижасида уларга зарап етказилади ёки зарап етказилиши хавфи остида қолади.

Порахўрлик жиноятларнинг обьекти ҳақида фикрларни бир қатор хорижий ҳуқуқшунос-олимларнинг асарларида кўришимиз мумкин. Жумладан, А.Н. Ағыбаев бундай турдаги жиноятларнинг обьекти “давлат аппаратининг тўғри фаолият юритиши” эканлигини таъкидлайди²⁷. Ушбу фикрда жиноят обьекти умумий давлат бошқаруви билан қамраб олинганлигини кўришимиз мумкин. Аммо, мазкур қараш порахўрлик жинояти обьектини тўлиқ қамраб олади дея олмаймиз.

В.Е.Мельникованинг фикрича эса, “давлат ва жамоат аппарати тартибга солувчи ижтимоий муносабатлар” порахўрлик жиноятларнинг обьекти бўлиб хизмат қиласи.²⁸ Порахўрликка оид қилмишлар нафақат давлат секторида, балки хусусий секторда ҳам содир этилишини инобатга оладиган бўлсак, мазкур қараш ҳам тор доирада эканлигини кўрамиз.

Бошқа бир груп олимлар порахўрлик жиноятлари обьекти сифатида “давлат хизматининг обрўсини, унга нисбатан халқнинг ишончи ва ҳурматини, давлат аппаратининг қонуний фаолиятини таъминловчи ижтимоий муносабатлар”ни кўрсатишади.²⁹ Мазкур таърифдан порахўрликка

²⁷ Ағыбаев А. Н. Ответственность должностных лиц за служебные преступления.— Алматы: Жеті жарғы, 1997. С. 25.

²⁸ Мельникова К.Е. Должностные преступления. Вопросы уголовно-правовой квалификации. – М.: ВЮЗИ, 1985. – С. 6.

²⁹ Проблемы борьбы с коррупционными преступлениями: Учебное пособие // С. Б. Коваленко, М. Т. Кожамкулов, Ж. В. Он- гарбекова, А. С. Рахметова.— Алматы: ООНИ и РИР Академии МВД РК, 2004. С. 89

оид қилмишлар давлат хизмати ва унинг фаолиятига бориб тақалиши анлашилиб турибди.

Порахўрликка оид жиноятлар (ЖК 210-214 моддалари)нинг объектлари умумий ҳисоблансада, уларнинг бевосита объекти ҳокимият ёки бошқарув органларининг обрўси, нормал фаолият юритишини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар, фуқарларнинг ҳуқук, эркинликлари ёки қонуний манфаатлари ҳисобланади.³⁰ Бундан кўриниб турибдики, порахўрликка оид жиноятлар давлат бошқарув органлари фаолиятига қарши қаратилган ижтимоий хавфли қилмишдир.

А.Х.Саттаровнинг таъкидлашича, мазкур турдаги жиноятлар обьекти сифатида “давлат ёки жамоат аппарати фаолиятини ташкил этувчи ва жамият талабларига мос келувчи бир тоифали ижтимоий муносабатлар гурухи” тушунилади.³¹

Мазкур таърифни истисно этмаган ҳолда, прахўрлик жинояти обьектига қуидагича муаллифлик таърифи беришимиз мумкин:

Порахўрлик жинояти обьекти – давлат ҳокимияти ва бошқаруви нормал фаолият юритиши, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлар ва эркинликларини тартибга солувчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Порахўрлик жиноятлари содир этилишида асосий рольни пора предмети, яъни шахснинг ўзининг манфаати йўлида ишлатадиган, мулкий кўринишга эга бўлган ва асосийси мансабдор шахс билан бўладиган муносабатда фойдаланиладиган моддий ашё ҳисобланади.

Одатда пора ўзида қўйидаги белгиларни мужассамлаштирган бўлади:

1. Тақдим этилган товарнинг мулкий хусусияти;
2. Уни таъминлашнинг ноқонунийлиги;

³⁰ Танџора М.А Характеристика элементов состава преступления «получение взятки» <file:///C:/Users/net8/Desktop/harakteristika-elementov-sostava-prestupleniya-poluchenie-vzyatki.pdf>

³¹ Саттаров А.Х. Борьба с должностными злоупотреблениями в подсобных сельских хозяйствах предприятий и организаций. Автореф. ... канд. юрид. наук. – Т., 1990. – С.10.

3. Мансабдор шахснинг хизмат мавқеидан фойдаланиш билан боғлиқ ҳаракатлар (ҳаракацизлик) учун бундай имтиёзларни тақдим этиш;
4. Уни мансабдор шахс томонидан қабул қилиш.³²

Шу билан бирга, кўплаб муаллифлар миннатдорчилик сифатида пора ва совғани ажратиш кераклигини таъкидлайдилар.³³ Ҳақиқатан ҳам порахўрлик жиноятини квалификация қилиш ёки тергов қилиш жараёнларида дуч келинадиган муаммолардан бири бу - пора ва совға, уларни фарқлаш масаласи ҳисобланади. Чунки, шахс томонидан бериладиган мулкий қийматдаги ашё, предмет пора ёки миннатдорчилик совғаси эканлигини ажратиш учун улар ўртасидаги фарқ конкретлаштирилган (аниқлаштирилган) бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Жиноят қонунчилигимизда, хусусан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 24.09.1999 йилдаги “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 19-сонли қарори қабул қилинган бўлиб, унда порахўрлик тўғрисидаги ишларни кўришда қонунларни тўғри ва бир хилда қўллаш мақсадида баъзи-бир тушунтиришлар бериб ўтилган.

Масалан, Пленум қарорининг 2-бандига кўра, “Пул, қимматбаҳо қофозлар, моддий бойликлар, шунингдек, пора оладиганга қайтармаслик шарти билан, лекин мулкий моҳиятга молик бўлган (масалан, таъмирлаш, қурилиш, қайта тиклаш ишларини бажариш ва бошқалар) хизматлар пора предмети бўлиши мумкин.”³⁴ Бундан кўриниб турибдики, кўчар ва кўрмас мол-мулк, мулкий ҳуқуқлар, пул, қимматли қофозлар, аксиялар, хуллас моддий қимматга эга бўлган ҳар қандай нарсалар ёхуд мулкий хусусиятдаги наф кўриш (санаторийга йўлланма, туристик йўлланма, бирон-бир пулли хизматни кўрсатиш кабилар) поранинг предмети бўлиши мумкин. Бироқ,

³² Уголовно-правовая характеристика взяточничества https://76.xn--b1aew.xn--p1ai/%D0%B4%D0%BB%D1%8F-%D0%B3%D1%80%D0%B0%D0%B6%D0%B4%D0%B0%D0%BD/poleznaya_informatsia/pravovoj likbez/metod_vzjatochnichestvo

³³ Степанов В. «Обычный подарок» или обычная взятка?//Российская юстиция. - 2000. - №4. - С. 1

³⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 24.09.1999 йилдаги “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 19-сонли қарори, (электрон манба), <https://lex.uz/docs/1449106>

поранинг асосий шарти унинг ғаразли бўлиши ва қайтармаслик шарти билан берилиши ёки олинишидадир.

Бундан кўриниб турибдики, бугунги кунда миллий қонунчилигимизда мулкий характерга эга бўлмаган ҳар қандай кўринишдаги наф (фойда) пора предмети бўлиши мумкин эмас. Масалан, мансабдор шахс томонидан бошқа шахс манфаатларига қаратилган ўз ҳаракатлари учун номоддий характердаги хизматлар олиш: ижобий тавсифнома, тақриз, обрўйини оширувчи мақола ва бошқалар.

Ёки, жинсий эҳтиёжни қондириш кўринишида хизматлар ҳам номоддий тусга эга бўлганлиги сабабли, мансабдор шахс томонидан бирор ҳаракат содир этилганлиги учун у билан жинсий алоқага киришиш ҳам пора предмети ҳисобланмайди. Аммо, бунда муайян шартлар бўлган ҳолларда эса, мазкур ҳаракат ЖК 121-моддаси бўйича квалификация қилишга тўғри келади.³⁵

Демак, мансабдор шахснинг ўз хизмат вазифларини номоддий кўринишдаги нафи учун қўпол равишда бузишидаги жавобгарлиги порахўрликни назарда тутувчи модда билан квалификация қилинмас экан, бу ўз навбатида жиноят қонунчилиги принципларининг бузилиши олиб келиши тайин. Шу сабабли, пора предмети тушунчасини қайта кўриб чиқсан ҳолда, уни номоддий наф тушунчалари билан тўлдириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Жиноят таркибининг кейинги зарурый элементи унинг объектив томони бўлиб, тажовузнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ифодалайдиган, жиноят қонуни билан қўриқланадиган объектга қарши қаратилган ижтимоий хавфли тажовузнинг ташқи ҳолатини характерловчи объектив, ижтимоий ва юридик аҳамиятга эга бўлган белгилар йиғиндисидир.

³⁵ Рустамбаев М.Х. “Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуки курси” 4-том. Дарслик. Т.:Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Харбий-техника институти, 2018. 392-бет

Шунингдек, порахўрликка оид жиноятларни объектив томонига тўхталадиган бўлсак, ЖК маҳсус қисмида назарда тутилган порахўрлик жиноятлари моддаларининг диспозициялари ушбу жиноятларнинг объектив томони ҳисобланади. Яъни, ЖК 210-моддаси “пора олиш” жинояти объектив томондан мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берадиган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкий наф кўришида ифодаланади.³⁶

Бизнинг фикримизча гарчи кўп ҳолларда пора бевосита ёки воситачи орқали пул бериш шаклида берилишига қарамай, амалиётда пора предметининг турли “ниқобланган” (қимматли буюмни арzon сотиш, карта ўйинида олдиндан тил бириктирган ҳолда ютқизиб қўйиш, сохта мансаб бериш ва пора олувчи, унинг қариндошлари ёки бошқа ишончли шахсларга мунтазам равишда иш ҳақи тўлаб туриш) кўринишлари мавжуд.

Шунингдек, амалиётда шундай ҳоллар ҳам учраб турадики, моддий қимматликларни олаётган мансабдор шахс моддий қимматликлар муассаса томонидан кўрсатилган хизмат эвазига олинаётганлигига ишонтириш орқали мазкур қилмишига қонуний тус беришга ҳаракат қиласди. Пора предметлари пора олувчига — мансабдор шахсга бевосита ва воситачи — оила аъзолари, қариндошлари, танишлар ва ҳоказолар орқали берилиши, шунингдек, пора олувчининг банқдаги ҳисоб рақамига қўчирилиши ҳам мумкин. Аммо, пора олиш усули ва шакли қилмишни квалификация қилишда аҳамиятга эга бўлмайди.

Миллий қонучилигимизда пора ва совға тушунчалари кўп ҳолларда ёнма-ён келишига қарамай, улар ўртасидаги фарқ, яъни миқдори аниқлаштирилмаганлиги сабабли, мансабдор шахс томонидан унинг шахсий ва ижтимоий ҳаётидаги бирор-бир воқеа (байрам, туғилган кун, юбилей, бирор ютуққа эришилганиги ва бошқалар) муносабати билан қиймати

³⁶ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/111453>

жиҳатидан унча қиммат бўлмаган совғалар (қўл соат, ширинликлар, гулдаста, зар чопон, портрет ва ҳоказо) олиниши пора ҳисобланмайди.

Бундан ташқари, олдиндан келишилмаган ҳолда пора олишда айбдор шахсларнинг жавобгарлиги масаласини ҳал этиш вақтида пора берувчининг мотиви ва поранинг предметига эътибор қаратиш лозим. Яъни, агар олинган предмет қиймати унча катта бўлмаса ва пора берувчи уни миннатдорчиллик сифатида берган бўлса, у ҳолда қилмиш ижтимоий хавфлилик хусусиятига эга бўлмаган хатти-ҳаракат деб квалификация қилинади. Бунда асосий эътиборни пора берувчининг қандай мақсад ва мотивда ҳаракатланишига қаратиш лозим бўлади.

Порахўрликка оид жиноятлар мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланиши билан боғлиқ ҳолда содир этилади. Бунда мансабдор шахс ўз хизмат ваколатлари доирасига кирадиган ҳаракатларни содир этиши ёки этмаслиги балки бошқа мансабдор шахсларга таъсир кўрсатиши ва уларнинг ваколатларидан фойдаланган ҳолда пора берувчининг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қиласди. Аммо, мансабдор шахс томонидан ўзининг шахсий алоқаларидан фойдаланиш хизмат мавқеидан фойдаланиш сифатида баҳоланмаслиги керак. Бу каби ҳолатлар хорижий давлатлар (Италия, Белгия, Малайзия, Сингапур) амалиётида шахснинг ўз мансаб-мавқеини суиистеъмол қилиш жинояти сифатида баҳоланади³⁷. Шунга кўра, ИХТТ ташкилоти томонидан Истанбул ҳаракатлар режаси доирасида ўтказилган текшириш натижалари юзасидан Ўзбекистон Республикасига берган тавсияларида ҳам ушбу жиноятни жорий қилиш масаласи таъкидлаб ўтилган.³⁸

Мансабдор шахснинг нафақат ўз хизмат мавқеига кирувчи ҳаракатларни, балки бошқа мансабдор шахсларнинг ваколатлари доирасида пора оловчининг манфаати билан боғлиқ бўлган муайян ҳаракатларнинг

³⁷ Malaysian Anti-Corruption Commission Act 2009 (As at 1 June 2015) // [Electronic resource] URL: [http://www.agc.gov.my/agcportal/uploads/files/Publications/LOM/EN/Act%20694%20%20\(15_5_2015\).pdf](http://www.agc.gov.my/agcportal/uploads/files/Publications/LOM/EN/Act%20694%20%20(15_5_2015).pdf)

³⁸ Антикоррупционные реформы в Узбекистане (4-й раунд мониторинга в рамках Стамбульского плана действий по борьбе с коррупцией) // [Электронный ресурс]. URL: https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round_Monitoring-Report-2019-RUS.pdf

содир этилишига таъсир кўрсатиши ва уларнинг ваколатларидан фойдаланиши пора олиш жинояти билан квалификация қилишни тақазо этади.

Пора олиш — мансабдор шахснинг пора берувчининг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этганлик учун гайриқонуний ҳақ олишидир.³⁹

Мансабдор шахс томонидан ўз бўйсунувидаги шахслардан пора бераётган шахсларнинг манфаатлари йўлида бирор ҳаракат қилиш учун пул маблағлари ёки бошқа қимматликларнинг олиниши пора олиш сифатида квалификация қилиниши лозим.

Аксарият муаллифлар пора эвазига содир этиладиган ҳаракатларни пора олиш жиноят қонуни ўз ичига ола олмайди, деб ҳисоблайдилар ва бундай ҳаракатлар қўшимча тарзда ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш жинояти билан ҳам квалификация қилиниши керак, дейдилар. Шу ўринда А.Я.Светлов ўзига хос фикр билдиради. Жумладан, у пора олиш жинояти ҳам бошқа мансабдорлик жиноятлари каби ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш жиноятининг маҳсус таркибидир ва бу кўрсатилган жиноятларнинг мажмуйи экан-лигини инкор этади. Фақатгина бунга истеъсано тарзида пора эвазига мансабдор шахс бошқа бир маҳсус таркибли мансабдорлик жинояти-ни содир этган бўлишилиги мумкин, масалан, мансаб сохтакорлиги, дейди.⁴⁰

Шунингдек, эътибор қаратиш лозимки, мансабдор шахс қилмишини пора олиш деб квалификация қилиш учун пора предметини олиш вақти, усули, воситаси ҳеч қандай аҳамият касб этмайди.

Пора предмети мансабдор шахс томонидан пора берувчи манфаатида муайян ҳаракатни содир этишгача ёки муайян ҳаракат содир этилгандан кейин олиниши мумкин. Бунда қилмишни квалификация қилиш чоғида

³⁹ М.Х.Рустамбаев “Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуки курси” 4-том. Дарслик. Т.:Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Харбий-техника институти, 2018. 390-бет

⁴⁰ Светлов А.Я.Борьба с должностными злоупотреблениями. 108-110 бетлари.

юқорида айтилганидек, поранинг олдиндан шартлашилганлиги аҳамиятга эга бўлмайди.

Бундан ташқари, кўп ҳолларда мансабдор шахснинг бирор-бир мулкий манфаат қўришга қизиқиши уларнинг ўз хизмат ёки мансаб ваколатларига кирмайдиган ҳаракатларни содир этишга ундейди ва улар ушбу қилмиши билан пора олиш эмас, балки фирибгарлик (ЖКнинг 168-моддаси) жинояти субъектига айланиб қолади.

Порахўрликка оид жиноятлар моддий таркибли жиноятлар туркумiga кириб, қилмиш пора оловчи томонидан пора берувчининг аксинча эса, пора берувчи томонидан пора берилаётган шахснинг манфаатларини кўзлаб, аниқ ҳаракатлар содир этилган ёки этилмаганлигидан қатъи назар, пора предметининг лоақал бир қисми олинган ёки берилган пайтдан эътиборан тугалланган ҳисобланади.

Шунинг билан бирга пора олиш жинояти пора берувчининг манфаатларини кўзлаб ҳаракат содир этилган ёки этилмаганлигидан қатъи назар поранинг олиниши билан тугалланган жиноят деб ҳисобланиши мумкинлигини ҳам унутмаслигимиз керак. Шунингдек мансабдор шахс пора эвазига қонуний ҳаракат содир этиши ҳам, ғайриқонуний ҳаракат содир этиши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам ҳар икки ҳолдаги ҳаракатларни бир хилда квалификация қилиниши ҳам тўғри бўлмайди.

Жиноят қонунчилигида жиноятга тайёргарлик қўриш ва жиноятга суиқасд тушунчалари мавжуд бўлиб, порахўрликка оид жиноятларда субъектлар иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра пора предметининг олинмай ёки берилмай қолишида (масалан, пора берилаётган вақтда жиноят қидирув бўлими ходимлари томонидан жиноятнинг тўхтатилиши) қилмиш ЖК 25-моддаси 2-қисми ва 210-моддаси бўйича пора олишга суиқасд қилиш тарзида квалификация қилиниши лозим. Шунингдек, қилмишни квалификация қилишда айбдор олиш ёки бериш ниятида бўлган пора миқдори эътиборга олиниши лозим бўлади.

Бундан ташқари, пора олиш жиноятида пора предметини мансабдор шахснинг шахсан ўзи ёки унинг розилиги, ижозаати ёки топшириғи билан бошқа шахслар томонидан олиниши қилмишни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас.

Жиноят таркибининг **субъектив томони** айбдорнинг жиноят қонунида жиноят сифатида назарда тутилган, айбдор ўзи содир этган ижтимоий хавфли қилмишига нисбатан бўлган руҳий муносабати бўлиб, унинг айби, мотиви, мақсади ва ҳис-туйғусини ифодалайди.

Порахўрликка оид жиноятларнинг барча турлари субъектив томондан тўғри қасдан содир этилади.⁴¹ Хусусан, буни пора олиш жинояти мисолида кўрадиган бўлсак, айбдор мансабдор шахс (пора олувчи) моддий қимматликлар ёки мулкий фойда унга ўзининг хизмат мавқеидан келиб чиқиб пора берувчи манфаатида бирор-бир ҳаракатни содир этиш ёки этмаслик учун пора сифатида берилаётганлигини англайди ва буни хоҳлайди. Гарчи аксарият ҳолларда пора олиш ғаразли мақсадда содир этилса-да, бироқ жиноятнинг мақсади ва мотиви бу қилмишни квалификация қилишда муҳим аҳамият касб этмайди.

Порахўрликка оид жиноятларнинг субъекти жиноят қонунида белгиланган ёшга етган, ақли расо, коррупция билан боғлиқ жиноятни содир этган ҳар қандай жисмоний шахслар бўлиши мумкин. Жиноят ҳуқуқи назариясида ақли расо шахсларгина жиноий жавобгар деб топилади. Зотан, ақли расолик айб ва жавобгарликка тортишнинг зарурий шарти ҳисобланади⁴².

Жиноятнинг **максус субъекти** – жиноят субъекти зарурий белгиларидан ташқари яна Жиноят кодекси Максус қисми моддаларида белгиланган ва шу жиноятлар учун зарурий белги бўлган қўшимча белгилари ҳам мавжуд бўлган субъектdir.

⁴¹ Купратая А. В. Понятие и виды коррупционных правонарушений // Актуальные проблемы права, экономики и управления. 2016. № 12. С.133.

⁴² Абдурасолова Қ.Р. Жиноятнинг максус субъекти. Ўқув қўлланма. - Тошкент: ТДЮИ, 2005. – Б. 6.

Ушбу турдаги жиноятларда, хусусан пора олиш жиноятида махсус субъект — 18 ёшга түлгән мансабдор шахс бўлса, порахўрликка оид жиноятларнинг бошқаларида эса, умумий субъект 16 ёшга түлгән ақли расо жисмоний шахслар ҳисобланади.

Мансабдор шахс тушунчаси тарихига назар ташлайдиган бўлсак, Совет қонунчилигида “mansabdar shahs” тушунчаси биринчи бор 1918 йил 8 майдаги ХККнинг ”Порахўрлик хақида”ги декретида пайдо бўлади. Бундан кейин БМИКнинг 1918 йил 9 майдаги ”Халқ комиссарига маҳаллий буржуазия элементларидан озиқ-овқат маҳсу-лотлари билан савдо қилишни, нон маҳсулотлари заҳираларини яшириш ва чайқовчилик қилишга қарши кураш бўйича фавқулотда ваколатлар берувчи” декретда⁴³ вужудга келади.

Кейинчалик БМИКнинг касация бўлимининг 1918 йил 6 октябрдаги “Революцион трибуналлар судлови ҳақида”ги қарорида мансабдор шахс деб ўзининг жамоатчилик ҳолатларига кўра революцион халқ томонидан берилган ҳокимиятни суистеъмол қилувчи шахс тушунилиши ҳақида гапирилади.⁴⁴ Масаланинг бундай талқин қилиниши ўша вақтларда давр талабига жавоб бера олар эди, негаки негаки революциядан кейин қанчалик умумий жиноятлар кўпайиб кетган бўлса, шунчалик мансабдорлик жиноятлари ҳам кўпайган эди. Турли хилдаги мансаб суистеъмолчиликларнинг олдини олиш хукуматни ”социализмга ёт” хусусиятларга қарши аёвсиз кураш талаб қилинар эди. Бунинг учун 1919 йил 19 октябрь куни БФК қошида махсус революцион трибунал ташкил қилиниб, бу трибуналга революцион ҳокимиятни суистеъ-мол қилувчи ҳар қандай жиноятларни кўриш ваколати берилади.⁴⁵

Мансабдор шахснинг пора берувчи манфаатларида ҳаракат қилиш ваколатига эга бўлмаса-да, лекин ўзининг мансаб-мавқеидан фойдаланган ҳолда бошқа шахслар томонидан пора берувчининг манфаатлари йўлида

⁴³ Сборник Указов РСФСР. 1918 йил №35. 467 бет.

⁴⁴ Сборник документов по истории уголовного законодательства СССР и РСФСР. 1917-1952 йиллар, 1953 йил, 36-37 бетлар.

⁴⁵ Ўша ерда, 50-51 бетлар.

ноқонуний хатти-ҳаракат содир этилишига уриниш ёки унга чоралар кўриш ҳам пора олиш жинояти таркибини келтириб чиқаради.

Миллий қонунчилигимизда ҳам мансабдор шахс тушунчасига хуқуқий таъриф берилган бўлиб, “Мансабдор шахс - доимий, вақтинча ёки маҳсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, худди шунингдек халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс”,⁴⁶ сифатида эътироф этилган.

Мансабдор шахс тушунчасидаги турли хил тушунчалар ҳозирга қадар ўта мунозарали бўлиб келади. Гарчанд, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг маҳсус қисми 8-бўлимидаги “Атамаларнинг хуқуқий маъносида” мансабдор шахс тушунчасига таъриф берилган бўлишига қарамай мансабдор шахс тушунчасини, унинг бажараётган вазифаси ва ваколатига кўра муаммоли ҳолатларни келтириб чиқараётганлиги учун ҳам, уни алоҳида ўрганиб чиқиши тақозо этади.⁴⁷

Афсуски, мансабдор шахс атамасига халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс тушунчаларининг қўшиб қўйилиши улар билан боғлик ҳолда порахўрлик жинояти содир этилганлиги учун жавобгарликка тортишга асос бўлмайди.

Чунки ЖКнинг порахўрлик жиноялари ҳисобланмиш 210-214-моддалар диспозициясида давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг пора

⁴⁶ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (электрон манба) <https://lex.uz/docs/111453>

⁴⁷ Ахрарор Б.Ж. Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш жинояти учун жиноий жавобгарлик. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. – 36-бет

олиш ёки уларга пора бериш билан боғлиқ ноқонуний хатти-харакати учун жавобгарлик назарда тутилган. Шунга кўра, халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органи Ўзбекистон Республикаси давлат органи ҳисобланмаслиги сабабли, унда ишлаётган ходимларни Ўзбекистон Республикаси мансабдор шахслари сифатида баҳолаб бўлмайди. Бу ўз-ўзидан уларни порахўрлик жинояти субъектлари сифатида жавобгарликка тортиш имкониятини истисно этади.

Шунга кўра, порахўрлик жиноятлари учун жавобгарлик доирасини қайта белгилаб олган ҳолда, халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органи мансабдор шахслари учун жавобгарлик масаласини ҳал этишни ЖКнинг порахўрликка оид мавжуд моддаларига қўшиш ёки алоҳида янги модда билан тўлдириш орқали бартараф этиш лозим бўлади.

Пора олишда такрорийлик порахўрликка оид жиноятлардан бирортасини учун муқаддам судланмаган ва жавобгарликка тортиш муддати ўтмаган ҳолда камида икки марта содир этишни талаб этади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, турли вақтларда содир этилган пора олиш жиноятида айбдорда мазкур қилмишларга нисбатан алоҳида қасд мавжуд бўлади.

Шу билан бирга, мансабдор шахс томонидан бир неча шахслардан уларнинг манфаати йўлида ҳар бирига алоҳида хатти-харакат содир этилиши орқали бир неча пора олишни назарда тутса, мазкур қилмиш такроран содир этилган жиноят сифатида квалификация қилинади. Аммо, мансабдор шахс томонидан пора предметининг келишилган умумий микдоридан бир қисми олиниши, яъни бир неча марта «бўлиб-бўлиб» олиш такрорийлик белгисини келтириб чиқармайди. Турли усулларда пора олиш ягона давом этувчи жиноятни шакллантиради ва ушбу ҳаракатлар ҳам такрорийлик белгиси билан квалификация қилиниши мумкин эмас.

Порахўрликка оид жиноятларда қилмишни содир этишда уни амалга ошириш ҳақида олдиндан келишиб олган икки ёки ундан ортиқ мансабдор шахс иштирок этган бўлса, бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан

олдиндан тил бириктириб содир этилган деб квалификация қилинади. Бундай ҳолларда, жиноят мансабдор шахслардан биттаси поранинг лоақал бир қисмини олган пайтдан эътиборан тугалланган деб топилади.

Пора бериш жинояти (ЖК 211-модда) объектив томонидан давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб бевосита ёки воситачи орқали моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкий манфаатдор этиш орқали содир этилади.⁴⁸

Пора олиш жинояти каби пора беришда ҳам пора олувчига поранинг ҳеч бўлмаганда бир қисми берилган пайтдан эътиборан тугалланган хисобланади. Олдиндан келишилмаган ҳолда пора берувчи томонидан пора предметини мансабдор шахснинг иш хонасида ёки у кейинчалик гувоҳи бўлиши мумкин бўлган бошқа ҳар қандай жойда қолдириш пора беришга сиқасд сифатида баҳоланади.

Ушбу жиноят ҳам субъектив томондан жиноят тўғри қасддан содир этилади ва пора беришнинг мотиви ва мақсади квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас. Пора эвазига маълум ҳаракатларни бажаришга келишган шахс ва порани топширган шахс пора беришда иштирокчилар сифатида жавобгарликка тортилади. Аммо, агар шахс порани фақат топширса ва ундан моддий манфаатдор бўлмаса, унинг ҳаракатлари пора беришда воситачи сифатида квалификация қилинади.

Пора олиш-беришда воситачилик қилиш (ЖК 212-модда) жиноятига тўхталадиган бўлсак, мазкур жиноят баъзи-бир давлатлар амалиётида алоҳида жиноят сифатида ажратилмасдан пора олиш ва пора бериш жиноятлари таркибида бўлишини кўришимиз мумкин.

⁴⁸ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (электрон манба) <https://lex.uz/docs/111453>

Мазкур жиноят объектив томондан пора олиш ёки бериш хусусидаги келишувга эришишга қаратилган фаолият, шунингдек манфаатдор шахсларнинг топшириги билан порани бевосита бериш орқали содир этилади.

Воситачининг пора берувчидан фарқи пора берувчининг топширигини бажаришда мансабдор шахснинг у ёки бу ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслигидан бирор-бир моддий мукофот ёки моддий манфаатларни қўлга киритишни қўзламайди.

Пора олиш ёки бериш ҳақидаги битимга эришишга қаратилган фаолият деганда, айбдор томонидан содир этилган ёки содир этилиши пора берилишига ёки унинг мансабдор шахс томонидан олинишига хизмат қилувчи ҳар қандай хатти-ҳаракатни тушуниш лозим. Масалан, воситачи пора берувчининг манфаатларини қўзлаб мансабдор шахс содир этиши лозим ёки мумкин бўлган хатти-ҳаракатларни, пора миқдорини, пора бериладиган жойни ва ҳ.к.ларни келишади.

Порахўрлик жиноятлари турларининг қолганлари (192⁹- 192¹⁰ ва 214-моддалар) ҳам ўзининг ўзининг объектив томони билан бошқаларидан модда диспозициясида кўрсатилган хатти-ҳаракатлар билан фарқланади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, порахўрликка оид жиноятлар ўзининг хавфлилик даражаси билан шахс, давлат ва жамият манфаатларига сезиларли даражада заар келтирадиган қилмиш хисобланади. Шунга кўра. ушбу турдаги жиноятлар ўзининг ички объектив ва субъекти белгиларидан эга бўлиши билан бир қаторда биринчидан, уюшган жиноятчиликнинг давлат хизмати фаолиятига кириб боришига олиб келади;

Иккинчидан, демократик қадриятлар қарор топиб бораётган шароитда давлат амалдорлари томонидан мансаб мавқеини суистеъмол қилиш ҳоллари ҳокимият обрўйига путур етказади;

Учинчидан, амалга оширилаётган жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш жараёнларини сусайтиради;

Тўртинчидан, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг бузилишига олиб келади;

Бешинчидан, давлат ҳокимиятини халқ олдида обрўсизлантиради, ўсиб келаётган ёш авлод онгини заҳарлайди;

Олтинчидан, халқаро ҳамжамиятда давлат тўғрисидаги салбий тасаввурни юзага келтиради;

Еттинчидан, иқтисодиётни ривожланиши ва мустаҳкамланишига ўзининг аянчили таъсирини кўрсатади, натижада иқтисодиёт механизмлари инқирозга қараб кетади.

П БОБ. ПОРАХҮРЛИК ЖИНОЯТЛАРИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИККА ОИД ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА БУ БОРАДАГИ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

2.1. Порахүрликка оид жиноятлар учун жавобгарликнинг халқаро стандартлари

Порахүрликка оид жиноятларнинг халқаро доирада умумэътироф этилганлигини халқаро стандартларни ўзида мужассам этган Конвенциялар мавжудлигига кўришимиз мумкин. Ҳар бир давлат томонидан ўзининг халқаро рейтингини ошириш мақсадида халқаро стандартларни турли соҳаларда татбиқ қилинишини таъминлайди. Бу ўз навбатида миллий қонунчиликни такомиллашишига замин яратади. Шу билан бирга давлат сиёсатининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Порахүрлик жиноятлари учун жиноий жавобгарликка оид халқаро стандартлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, Европа Кенгаси каби халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган⁴⁹. Жумладан, БМТнинг 2003 йилдаги Коррупцияга қарши конвенцияси, 2000 йилдаги Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги конвенцияси, 2001 йилдаги “Коррупцияга қарши самарали халқаро-ҳуқуқий ҳужжат” номли 55/61-сонли резолюцияси, Европа Кенгашининг 1999 йилдаги Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Коррупция учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисидаги конвенциялари, шунингдек Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг 1997 йилдаги Халқаро иш амалиётларида хорижий мансабдор шахсларга пора беришга қарши курашиш бўйича конвенцияси ва 2011 йилдаги Коррупцияга қарши кураш бўйича Истамбул ҳаракатлар режаси соҳага оид стандартларни ўзида акс эттирган.

Порахүрликка оид жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи халқаро стандартлар, асосан БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси,

⁴⁹ Corruption: A Glossary of International Criminal Standards // [Электрон манба]. URL: <https://www.oecd.org/daf/anti-bribery/41194428.pdf>

ИХТТнинг Халқаро иш амалиётларида хорижий мансабдор шахсларга пора беришга қарши курашиб бўйича конвенцияси ҳамда Европа Кенгашининг Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги конвенциясида кенгроқ доирада белгиланган.

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси бу борадаги энг асосий ҳужжат ҳисобланиб, ушбу халқаро ҳужжатда порахўрликка оид жиноятларнинг криминализация қилиниши, улар учун жиноий жавобгарлик масалаларига нисбатан кенгроқ ёндашилган. Яъни, Конвенциянинг З-боби (“Жиноятчилик ва хуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти”) 15-25-моддаларида коррупциявий, шунингдек порахўрлик жиноятларини криминализация қилишга оид стандартлар белгиланган. Бундан ташқари, мазкур стандартлар ҳам ўз ичидаги мажбурий (иштирокчи-Давлатлар томонидан криминализация қилиниши, яъни жиноят деб эътироф этилиши шарт бўлган) ва ихтиёрийларга ажратилган .

Марқуз Конвенциянинг порахўрлик жиноятларига оид криминализация қилиниши шарт бўлган стандартлари, яъни жиноятлари:

- давлат мансабдор шахсларининг порахўрлиги (15-модда);
- хорижий давлат мансабдор шахсларига ва халқаро оммавий ташкилотларнинг мансабдор шахсларига пора бериш (16-модда 1-қисми);

Мазкур турдаги жиноятларнинг мажбурий криминализация қилиниши сабаби сифатида уларнинг порахўрликка оид жиноятларнинг асосийлари, яъни кўп содир этилишини келтиришимиз мумкин.

Шунингдек, Конвенцияда иштирокчи-Давлатлар томонидан криминализация қилиниши ихтиёрий бўлган порахўрликка оид жиноятлар сифатида қўйидагиларни белгиланган:

- хорижий давлат мансабдор шахслари ва халқаро оммавий ташкилотлар мансабдор шахсларининг пора олиши (16-модда 2-қисми);
- ғаразли мақсадларда мавқени суистеъмол қилиш (18-модда);
- хусусий секторда пора бериш (21-модда);

Конвенция иштирокчи-Давлатларга порахўликка оид мазкур жиноятларлардан ташқари унинг бошқа кўринишларини ҳам миллий қонунчиликдан қилиб чиқсан ҳолда жорий этиши мумкинлигини қайд этади. Буни БМТ ўзининг конвенция доирасидаги ўтказилган сессиялари баённомаларида белгилаб ўтган.⁵⁰

Порахўликка оид жиноятларга стандартларни белгилаб берувчи халқаро Конвенциялар ушбу турдаги жиноятларини субъектига кўра: миллий мансабдор шахсларнинг порахўрлиги ҳамда хорижий давлат ёки халқаро оммавий ташкилотларнинг мансабдор шахсларининг порахўрлигига ажратади.

Хусусан, БМТнинг Конвенциясининг 15-моддасида миллий мансабдор шахсларнинг актив (пора бериш) ва пассив (пора олиш) порахўрлигига оид нормалар белгиланган.⁵¹

Унинг мазмунига кўра: актив порахўрлик – оммавий (давлат) мансабдор шахсга шахсан ёки воситачилар орқали ушбу мансабдор шахснинг ўзи ёхуд бошқа жисмоний ёки юридик шахс учун, ушбу мансабдор шахс ўз лавозим вазифаларини бажариш вақтида бирон ҳаракатни амалга ошириши ёки ҳаракат қиласлиги мақсадида бирон ноқонуний афзалликни ваъда қилиш, таклиф этиш ёки тақдим этиш ҳисобланади.

Бунда эътиборга молик жиҳат мазкур стандартда “пора бериш” билан биргалиқда порани “таклиф қилиш” ёки “ваъда қилиш” учун ҳам жиноий жавобгарликни белгилаш назарда тутилган. Чунки, коррупцияга қарши курашда муросасизликни таъминлашнинг асосий чораларидан бири жавобгарликнинг муқаррарлиги ҳисобланади. Шу сабабли, пора бериш ёки олишдаги дастлабки ҳаракатнинг ўзи жазога сазовор бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

⁵⁰ Report of the Ad Hoc Committee for the Negotiation of a Convention against Corruption on the work of its first to seventh sessions (A/58/422/Add.1) [электрон манба] https://www.unodc.org/pdf/crime/convention_corruption/session_7/422add1.pdf

⁵¹ Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции (Принята резолюцией 58/4 Генеральной Ассамблеи от 31 октября 2003 года) // [Электрон манба]. URL: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/corruption.shtml

Шунингдек, пора беришнинг пора беришга ваъда, бериш ва пора таклиф қилиш билан фарқли жиҳатлари мавжуд. Яъни, пора беришга таклифда пора берувчи шахс томонидан ўзининг манфаатлари йўлида хизмат қиладиган хатти-ҳаракатни мансабдор шахс бажаришидан олдин пора предметини беришини назарда тутса, пора беришга ваъдада иккала томон ўртасида келишув орқали дастлаб пора берувчи манфаатига хизмат қиладиган хатти-ҳаракат бажарилади ва кейин пора предмети берилиши назарда тутилади. Пора бериш ҳаракати пора предмети пора олувчига ўтиши орқали содир этилади.

Конвенциянинг пассив (пора олиш) пораҳўрликни назарда тутувчи стандарти қўйидаги мазмун касб этган. Яъни, бирор мансабдор шахс ўз лавозим вазифаларини бажариш вақтида бирор-бир ҳаракат ёки ҳаракатсизлик мақсадида мансабдор шахснинг ўзи учун ёхуд бошқа жисмоний ёки юридик шахс учун бирор ноқонуний афзалликни шахсан давлат мансабдор шахси томонидан ёки воситачилар орқали сўраш ёки қабул қилиб олишдир.⁵²

Пора бериш каби пора олиш жинояти ҳам мансабдор шахснинг пора олиши (қабул қилиши) ва пора сўраши (талаб қилиши) ҳолатларида содир этилишини кўришимиз мумкин. Шунингдек, мазкур турдаги жиноят пора олишга ваъда бериш (келишиш) шаклида ҳам юзага келади. Шунга қўра, пора олиш пора предметининг пора берувчидан бевосита ёки билвосита пора олувчига ўтиши орқали содир бўлса, пора беришни сўрашда эса, пора олувчи мансабдор шахс бошқа бир шахсга ўзининг маълум бир ҳаракатни бажариши ёки бажаришдан тийилиши учун пора бериши лозимлигини маълум қилишида намоён бўлади⁵³. Пора олишга ваъдада эса, пора олиш-бериш ҳаракатлари иккала томони ўртасида дастлаб келишувга эришилиши лозим бўлади.

⁵² Legislative guide for the implementation of the United Nations Convention against Corruption (New York, 2006), p. 83.

⁵³ Legislative guide for the implementation of the United Nations Convention against Corruption (New York, 2006), p. 84.

Аммо, биргина пора олиш ва пора бериш жиноятларининг ўзи турли усул ва шаклларда содир этилишини инобатга олган ҳолда халқаро стандартларда пора беришни сўраш, пора беришни въда қилиш ҳамда пора таклиф қилиш каби ҳаракатлар содир этилганда, пора оловучи ва пора берувчи ўртасида келишув мавжудлиги шарт бўлмагани ҳолда тамомланган жиноят деб топилиши назарда тутилган.

БМТнинг тушунтиришларига кўра, шахсни актив ёки пассив порахўрлик жиноятлари билан айблашда тегишли афзаликларнинг бевосита ҳамда дарҳол тақдим қилиниши каби зарурий элементлар талаб этилмайди. Афзаликларнинг въда қилиниши, таклиф қилиниши, воситачи орқали берилиши ёки пора оловчига яқин бўлган бошқа бир шахс ёхуд ташкилотга тақдим қилиниши ҳолатларини ҳам порахўрлик жиноятлари сифатида баҳолаш ва жиноят қонунчилиги билан қамраб олиш лозим. Бунда, энг асосий талаблардан бири – бу юқоридаги хатти-ҳаракатларнинг мансаб лавозими ёки хизмат вазифаси билан боғлиқ ҳолда, шунингдек қасдан содир этилишиди⁵⁴.

БМТ Конвенциясининг 16-моддасида хорижий давлат ёки халқаро ташкилот мансабдор шахсининг порахўрлигига оид нормалар белгиланган бўлиб, унинг мазмунига кўра, хорижий давлатнинг ёки халқаро ташкилотнинг мансабдор шахсига шахсан ёки воситачилар орқали мансабдор шахснинг ўзи учун ёхуд бошқа жисмоний ёки юридик шахс учун, ушбу мансабдор шахс халқаро ишларни юритиш юзасидан тижорат ёки бошқа ноқонуний афзаликка эга бўлиш учун ўз лавозим вазифаларини бажариш вақтида бирор ҳаракатни амалга ошириши ёки ҳаракатсизлиги мақсадида бирор афзаликни въда қилиш, таклиф этиш ёки тақдим этиши ёхуд юқорида кўрсатиб ўтилган мансабдор шахснинг шу каби бирор афзаликни

⁵⁴ Legislative guide for the implementation of the United Nations Convention against Corruption (New York, 2006), p. 83-84.

қабул қилиши, сўраши ёки таклифни қабул қилиши, қасдан содир этилганда, коррупциявий жиноят сифатида эътироф этилади⁵⁵.

БМТ Конвенциясининг юқорида келтириб ўтилган стандартларини бошқа бир халқаро ҳужжат ИХТТ Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги Конвенциясида ҳам кўришимиз мумкин. Хусусан, Корвенциянинг 1-моддасида порахўрлик жиноятнинг актив (пора бериш) кўринишига эътибор қаратилиб, хорижий давлат ёки халқаро ташкилот мансабдор шахсини пора эвазига оғдириб олиш учун жиноий жавобгарликни белгилаш назарда тутилган бўлиб, Конвенция бундай шахсларнинг пора олиши (ваъда бериши) ёки пора сўраши учун жавогарлик белгилашни назарда тутмайди.

Хорижий давлат ёки халқаро ташкилот мансабдор шахсининг порахўрлиги жиноятларини миллий мансабдор шахснинг порахўрлиги жинояти билан солиширганда, уларнинг ҳар иккаласи ҳам қарийб бир хил элементларни ўз ичига олади. Фарқли томони шундаки, ушбу турдаги жиноятларнинг субъекти фақатгина хорижий давлатлар ёки халқаро ташкилотларнинг мансабдор шахслари бўлиши мумкин. Бошқа бир фарқи, ушбу турдаги жиноятни содир этишга қаратилган хатти-харакатлар халқаро даражадаги ёрдам (афзаллик) бериш билан боғлиқ ҳолда бўлиши лозим⁵⁶.

Конвенцияда хусусий сектордаги порахўрликни назарда тутвчи халқаро стандартлар ҳам келтириб ўтилган. Яъни, 21-моддада хусусий сектор ишини ташкил қилишга раҳбарлик қилаётган ёки ушбу ташкилотда исталган лавозимда ишлаётган шахснинг ўзига ёки бошқа шахсга, ушбу шахс ўз хизмат вазифаларига хилоф бўлган бирор харакатни амалга ошириши ёхуд ҳаракат қилмаслиги эвазига шахсан ёки воситачилар орқали бирор афзалликни ваъда қилиш, таклиф этиш ёки тақдим этиш, шунингдек, бундай шахс томонидан бирор ноқонуний афзалликни талаб қилиб ёки қабул қилиб

⁵⁵ Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции (Принята резолюцией 58/4 Генеральной Ассамблеи от 31 октября 2003 года) // [Электрон манба]. URL: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/corruption.shtml

⁵⁶ Legislative guide for the implementation of the United Nations Convention against Corruption (New York, 2006), p. 85-86.

олиш каби ҳаракатлар хусусий сектордаги порахўрлик жиноятлари сифатида эътироф этилади⁵⁷.

Хусусий сектордаги порахўрлик жиноятлари юқорида кўриб чиқилган давлат мансабдор шахсининг порахўрлиги жиноятларидан субъектига кўра фарқ қилиб, унга тегишли бўлган элементларни ўз ичига қамраб олади.

Бундан ташқари, БМТнинг Конвенциясида порахўрлик билан бошлиқ қилмишларда нафақат жисмоний шахсларнинг балки, юридик шахсларнинг жавобгарлигини назарда тутувчи стандартларни белгилайди. Хусусан, Конвенцияининг 26-моддасида ҳар бир иштирокчи-Давлат, ўзининг ҳукуқий принципларини ҳисобга олган ҳолда, мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган ҳаракатларда иштироки учун юридик шахсларнинг жавобгарлигини аниқлаш учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни кўради. Мазкур стандартни Европа Иттифоқининг Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги конвенциясида (18-модда) ҳам кўришимиз мумкин.

Шунингдек, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг (ИҲТТ) 1997 йилдаги Халқаро иш амалиётларида хорижий мансабдор шахсларга пора беришга қарши курашиш бўйича конвенциясида ҳам порахўрликка оид стандартлар келтириб ўтилган. Масалан: конвенцияининг 1-моддаси “хорижий давлат мансабдор шахсининг порахўрлиги жиноий жавобгарлик сифатида” ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахснинг хорижий давлатлар мансабдор шахслари фойдасига ёки бундай мансабдор шахслар ёки учинчи шахслар учун бирон-бир моддий, пул ёки бошқа имтиёзларни бевосита ёки воситачилар орқали қасдан таклиф қилиш, ваъда бериш ёки тақдим этиш., шунингдек, халқаро бизнес битимларини амалга оширишда нотўғри афзалликларга эга бўлиш порахўрлик жинояти ҳисобланишини назарда тутади.

Конвенцияда юқорида кўриб ўтган бошқа халқаро хужжатларимиздаги каби юридик шахсларнинг хорижий давлат мансабдор шахсига пора

⁵⁷ Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции (Принята резолюцией 58/4 Генеральной Ассамблеи от 31 октября 2003 года) // [Электрон манба]. URL: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/corruption.shtml

берганлиги учун жавобгарликни белгилашга оид барча зарур чораларни кўриши ҳам назарда тутилган⁵⁸.

Бундан ташқари, Конвенция ўзининг 3-моддасида хорижий давлат мансабдор шахсларига пора берганлик учун ушбу қилмишга мутаносиб ва оғир жазо тайинланишини ва тайинланадиган жазо миллий мансабдор шахсларга пора берганлик учун бериладиган жазога мувофиқ бўлиши кераклигини қайд этибина қолмасдан, хорижий давлат мансабдор шахсига пора берганлик учун жиноий жазога тортилган шахсларга нисбатан қўшимча фуқаролик ёки маъмурий жазо чораларини қўллаш имкониятини қўриб чиқади.

Европа Кенгашининг Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги конвенциясида порахўрлик жинояти учун жавобгарликни назарда тутвчи қўплаб халқаро стандартлар белгиланган.

Конвенциянинг 2-3 моддаларида актив ва пассив порахўрликни нафақат миллий мансабдор шахслари билан боғлиқ ҳолда содир этилиши мумкинлигини қайд этибина қолмай, ўзининг 7-8 моддаларида хусусий сектордаги актив ва пассив порахўрликка оид нормаларни ҳам белгилаган.

Шунингдек, Конвенция юқорида санаб ўтилан актив ва пассив порахўрликлардан ташқари порахўрлик жиноятларининг уларни содир этиш субъекталарига кўра, бир неча турларини ажратади: миллий давлат ассамблеяси аъзоларининг (4-модда); хорижий давлат мансабдор шахсларининг (6-модда); халқаро ташкилот мансабдор шахсларининг (9-модда); халқаро парламент ассамблеялари аъзоларининг (10-модда); халқаро судларнинг судьялари ва мансабдор шахсларининг (11-модда)⁵⁹ актив ва пассив порахўрлиги кабилар.

⁵⁸ КОНВЕНЦИЯ ОЭСР о борьбе с дачей взяток иностранным государственным должностным лицам при осуществлении международных деловых операций (21 ноября 1997 года) // [Электрон манба]. URL: <https://docs.cntd.ru/document/901934989>

⁵⁹ Конвенция Совета Европы об уголовной ответственности за коррупцию (Страсбург, 27 января 1999 года) // [Электрон манба]. URL: <https://rm.coe.int/CoERMPublicCommonSearchServices/DisplayDCTMContent?documentId=090000168007f58c>

Халқаро стандартлар	БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси	Европа Иттифоқининг конвенцияси	ИХТТ Конвенцияси
Порахўрлик	<p>Миллий давлат мансабдор шахснинг актив ва пассив порахўрлиги (<i>мажбурий норма</i> (15-модда));</p> <p>Хорижий давлат ва халқаро ташкилот мансабдор шахсларининг (актив) порахўрлиги (<i>мажбурий норма</i> (16-модда));</p> <p>Хорижий давлат ва халқаро ташкилот мансабдор шахсларининг (пассив) порахўрлиги (<i>факултатив норма</i> (16-модда 2-қисми));</p> <p>Хусусий сектордаги актив ва пассив порахўрлик (<i>факултатив норма</i> (21-модда))</p>	<p>Миллий давлат мансабдор шахснинг актив ва пассив порахўрлиги (<i>мажбурий норма</i> (2-, 3-моддалар));</p> <p>Хорижий давлат ва халқаро ташкилот мансабдор шахсларининг (актив) порахўрлиги (<i>мажбурий норма</i> (5-, 9-моддалар));</p> <p>Халқаро судларнинг судьялари ва мансабдор шахсларининг актив ва пассив порахўрлиги (<i>мажбурий норма</i> (11-модда));</p> <p>Хорижий давлат ва халқаро ташкилот мансабдор шахсларининг (пассив) порахўрлиги (<i>мумкин бўлган норма</i>);</p> <p>Хусусий сектордаги актив ва пассив порахўрлик (7-, 8-моддалар)</p>	<p>Хорижий ва халқаро оммавий мансабдор шахснинг (актив) порахўрлиги (<i>мажбурий норма</i> (1-модда))</p>
Порахўрлик учун юридик	Конвенцияда назарда тутилган	Юридик шахслар томонидан (актив)	Хорижий давлат ва халқаро

шахсларнинг жавобгарлиги	хукуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жиноий, маъмурий ва фуқаровий жавобгарлиги (26-модда)	пора олиш, шахсий манфаатлар учун ва пул ювиш мақсадида таъсирни суистеъмол қилиш (18-модда)	мансабдор шахсларга (актив) пора берганлиги учун жиноий, маъмурий ва фуқаровий жавобгарлиги (2-модда)
-------------------------------------	--	--	---

Юқорида кўриниб турганидек, халқаро конвенцияларда порахўрлик жиноятининг умумий кўринишдаги турлари келтириб ўтилган. Бунда актив порахўрлик сифатида пора бериш жинояти назарда тутилётган бўлса, пора олиш жинояти пассив кўринишда содир этилиши мумкинлиги белгиланган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда хulosа қиласиган бўлсак, порахўрликка оид жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи стандартларни миллий қонунчиликка татбиқ қилиш орқали мазкур соҳанинг қамров доирасини кенгайтирилишига эришилади ва бу ўз навбатида миллий амалиётнинг халқаро, хусусан хорижий тажриба билан уйғунлигини таъминлашга замин яратади.

2.2. Порахўрлик жиноятлари учун жавобгарлик бўйича илғор хорижий тажрибалар қиёсий-хуқуқий таҳлили

Порахўрликка оид жиноятлар ва уларни содир этганлик учун жавобгарликни белгилаш масалалари халқаро хуқуқда ҳам жиноят қонунчилигининг ажралмас қисми сифатида деярли барча хорижий давлатлар амалиётида ўрнатилган. Аммо, порахўрлик жиноятларининг вужудга келиш сабаблари турли мамлакатларда ҳар хил бўлиб, тарихий босқич ва ижтимоий-иктисодий тараққиёт даражаси билан белгиланганлиги сабабли мазкур жиноятлар учун жавобгарлик масалалари ҳам бир- биридан фарқ қиласди.

Шунга кўра, қуйида порахўрликка оид қилмишлар учун жиноий жавобгарликни белгилашдаги хорижий давлатлар тажрибасини қиёсий-хуқуқий таҳлил қилган ҳолда ўхшаш ва фарқли жиҳатларига назар ташлаймиз.

Ўз навбатида, мазкур турдаги ижтимоий хавфли қилмишларга қарши курашиш, мавжуд қонун хужжатларини такомиллаштиришда хорижий давлат- ларнинг илғор тажрибасини ўрганиш ва унинг ижобий жиҳатларини миллий қонунчиликка жорий этиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. А.Сайдов таъкидлаганидек, "қиёсий-хуқуқий тадқиқ этиш, бир томондан, чет элда асосий муаммони ҳал қилишда ўзини оқлаган фойдали омилларнинг барчасини аниқлашга кўмаклашса, бошқа томондан хориж тажрибасининг салбий томонларини, у ёки бу хуқуқий ечимларнинг самарали эмаслигини ҳисобга олиш учун имконият яратади"⁶⁰.

Бу орқали порахўрликка оид жиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи стандартларни хорижий давлатлар томонидан имплементация қилиш амалиётини ўрганиш соҳага оид самарали механизмларни аниқлашга ҳамда уларни миллий қонунчиликка жорий этишга сезиларли ижобий натижа беради.

⁶⁰ Сайдов А.Х. Сравнительное правоведение (основные правовые системы современности): Учебник для вузов. - М., 2000. - Ст. 36-37

Чунки, хорижий давлатларда порахўрлик учун жиноий жавобгарлик масалаларини таҳлил этишда бу турдаги жиноятлар динамикаси мухим аҳамиятга эга. Шунга кўра, айрим халқаро ташкилотлар ушбу жиноятларнинг ўсиш ва камайиш тенденцияларини кузатиб боради. Жумладан, Транспаренси интернейшнл ташкилотининг маълумотига кўра, Дания, Швеция, Янги Зеландия, Сингапур давлатларида коррупция даражаси энг паст, Қирғизистон, Конго Демократик Республикаси, Гвинея, Чад, Суданда эса энг юқори эканлиги маълум қилинди⁶¹.

Хорижий давлатлар тажрибасини улар томонидан порахўрлик жиноятларига оид халқаро стандартларни ўзининг миллий қонунчилигига татбиқ қилиш амалиётини порахўрлик жиноятининг турларидан келиб чиқкан ҳолда ўрганишимиз мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Масалан, пора олиш ва пора бериш жиноятининг, яъни БМТ Конкенциясининг 15-моддаси оммавий мансабдор шахсларнинг актив порахўрлигини кўриб ўтадиган бўлсак, Словакия Жиноят кодексининг 328-моддасига мувофиқ, давлат вазифаларини амалга оширувчи шахснинг ўзи ёки бошқа шахс учун бирор-бир таклиф, ваъда ёки хар қандай хусусиятдаги нафни, бевосита ёки учинчи шахслар орқали, қабул қилиши, талаб қилиши ёки қабул қилишга розилик билдириши пассив порахўрлик деб топилади⁶².

Бундан кўриниб турибдики, Словакия Республикаси томонидан пора олиш жиноятига оид халқаро стандартлар тўлиқ имплементация қилинган. Яъни, ушбу давлат Жиноят кодексида пассив порахўрлик учун жавобгарлик нафақат пора олиш, балки порани **сўраш ва унинг берилишини тасдиқлаш** каби қилмишлар учун ҳам тугалланган жиноят каби жавобгарликни назарда тутувчи нормалар мавжудлигини кўришимиз мумкин.

Бу каби амалиёт Чехия, Хорватия ва Белгия давлати миллий қонунчилигига ҳам йўлга қўйилган. Ёки, Болтиқбўйи давлати ҳисобланган

⁶¹ Corruption perceptions index 2020 // [Electronic resource] URL: <https://www.transparency.org/en/cpi/2020/index/nzl>

⁶² Criminal Code of the Slovak Republic (2005) // [Electronic resource] URL: https://www.legislationline.org/download/id/8240/file/Belgium_CC_1867_am2018_fr.pdf

Эстония жиноят кодексининг 296-моддасида “**порага келишиш**”⁶³ алоҳида таркибли жиноят бўлиб, жавобгарлик назарда тутилган бўлса, Малдова Жиноят кодексининг 334-моддасига биноан пора беришдан ташқари “**пора таклиф қилиш**” хатти-харакати ҳам мустақил жиноят сифатида малакалаш имконини беради.

Шунингдек, актив порахўрликда (пора бериш) ҳам қилмишнинг амалда якунлангани эмас, балки дастлабки харакатларнинг ўзи жиноятнинг тугалланганлигига оид нормалар **Руминия давлати** Жиноят кодексининг 290-моддасида ўрнатилган бўлиб, давлат вазифасини бажарувчи шахсга (мансадор), мазкур шахснинг ўзи ёки бошқа шахс учун тўғридан-тўғри ёки учинчи шахслар орқали ҳар қандай хусусиятдаги афзалликни таклиф қилиш, ваъда қилиш ёки тақдим қилишдан иборат бўлган хатти-харакатлар **актив порахўрлик деб топилиши** белгиланган ҳам ушбу ижтимоий хавфли қилмиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Бу каби амалиётни **Япония давлати** мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Жумладан, Япония Жиноят кодексининг 197¹-моддасида ўз хизмат вазифалари билан боғлиқ ҳолда пора олган, сўраган ёки олишни ваъда қилган давлат хизматчиси **оғиррроқ жазо** билан жазоланиши назарда тутилган.⁶⁴ Бундан кўриниб турибдики, пора олишда ваъда бериш ёки сўраш (талаб қилиш)нинг ўзи ушбу жиноят содир этилишининг тугалланганлигини англатади ва жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Чунки пораўрлик учун жиноий жавобгарликнинг муқарралиги ушбу турдаги ижтимоий хавфли қилмишлар содир этилишини қисман бўлса-да камайишига хизмат қиласди.

Бунинг яна бир исботи сифатида Жанубий Корея Жиноят кодексининг 129-моддаси пора олишдан ташқари, пора сўраш ва пора олишга ваъда бериш учун ҳам жавобгарликни белгилайди. Эътиборга молик жиҳати шундаки, мазкур давлат жиноят қонунчилиги нафақат пора бериш ёки пора беришни

⁶³ Penal Code of Estonia (amended 2016) // [Electronic resource] URL: https://www.legislationline.org/download/id/9098/file/EST_CC_as%20of%20May%202021.pdf

⁶⁴ Penal Code of Japan (amended 2021) // [Electronic resource] URL: <http://www.japaneselawtranslation.go.jp/law/detail/?id=3581&vm=04&re=01>

ваъда қилишни, балки шахснинг **пора бериш ҳақида ўз хоҳишини намоён қилганлиги** ҳолатини ҳам жазога сазовор қилмиш сифатида баҳолайди (ЖК 133-модда)⁶⁵.

Аксарият давлатлар жиноят қонунчилигига пора олиш ва беришдан ташқари **пора сўраш, таклиф қилиш, таклифни қабул қилиш, пора бериш ҳақида ваъда бериш бериш ва бундай ваъдани қабул қилганлик** каби ҳаракатлар ҳам жазога сазовор қилмиш сифатида ўз аксини топган. Зеро, бу каби нормаларни Арманистон, Белгия, Грузия, Ирландия, Руминия, Малайзия, Хиндистон, Сингапур, Хитой, Чили, Украина, Озарбайжон ва қонунчилигига кўришимиз мумкин.

Яна бир давлат Ирландиянинг 2018 йилдаги “Жиноий одил судлов (коррупциявий ҳуқукбузарликлар) тўғрисида”ги Актига мувофиқ, актив порахўрлик порани тақдим этиш, таклиф қилиш ёки тақдим этишга розилик билдириш каби ҳаракатларни қамраб олса, пассив порахўрлик деганда порани қабул қилиш, сўраш ёки қабул қилишга розилик билдириш тушунилади. Мазкур ҳужжат порани нафақат шахснинг ўзи, балки **учунчи шахслар фойдасини кўзлаб** олиш ёки бериш учун ҳам жиноий жавобгарликни белгилайди⁶⁶. Миллий қонунчилигимиз каби баъзи хорижий давлатлар амалиётида ҳам пора олиш ва беришда фақатгина пора бераётган шахс манфаати назарда тутилиб, ушбу турдаги ҳаракатлар натижаси учунчи шахслар манфаатини кўзламаслиги каби нормалар ўрнатилган. Афсуски, ўз ўрнида бу амалиётни тўлиқ ва самарали дейишдан йироқмиз.

Бошқа бир Европа давлати ҳисобланган Испанияда мансабдор шахс ёки давлат хизматчисининг ўз хизмат мажбуриятларини бузиш ёки бажармаслиги эвазига ўзи ёки учинчи шахслар фойдасини кўзлаб **совға, мукофот ёки ҳар қандай кўринишдаги тақдирлашни** қабул қилиши, сўраши ёки қабул

⁶⁵ Republic of Korea: Criminal Code [Republic of Korea], 3 October 1953 // [Electronic resource] URL: <https://www.refworld.org/docid/3f49e3ed4.html> [accessed 7 May 2020]

⁶⁶ Criminal Justice (Corruption Offences) Act 2018 (enacted on 5th June 2018) // [Electronic resource] URL: <http://www.irishstatutebook.ie/eli/2018/act/9/enacted/en/html>

қилишга розилик билдириши учун жиноий жавобгарлик белгиланган.⁶⁷ Бу каби амалиётни Финландия, Озарбайжон, Венгрия ва бошқа давлатлар жиноят қонунчилигига ҳам кўришимиз мумкин. Бунда пора предметига совға ва мукофот кабиларнинг кириши ёки улар ўртасида фарқнинг аниқ миқдори белгиланганлиги ушбу турдаги қилмишларни квалификация қилиш муаммоларини камайишига хизмат қиласи.

Аксарият давлатлар, шу жумладан, Хиндистон Жиноят кодексида поранинг **учинчи шахслар манфаатини** кўзлаб берилиши ёки олиниши ҳолатини ҳам жиноий қилмиш сифатида баҳолайди. (section 171B)⁶⁸. Худди шундай нормаларни Ирландия, Хитой, Украина, Озарбайжон, Грузия ва бошқа давлатлар жиноят қонунчилигидаги пора олиш учун жавобгарлик белгилаган моддаларида кўришимиз мумкин.

Порахўрликка оид жиноятлар учун **оғирроқ жазони** Литва жиноят қонунчилигига ҳам кўришимиз мумкин. Жумладан, ушбу давлатда порахўрлик учун жиноий жавобгарлик **пора миқдорига** қараб енгилдан оғирига ўзгариб боради. Яъни, поранинг миқдори қўп миқдорни ташкил қилганлиги ҳолатларда шахс оғирлаштирувчи қисмлар билан жавобгарликка тортилади.⁶⁹ Ушбу соҳада Финландия давлати ҳам мазкур турдаги амалиётни ўзининг миллий қонунчилигига олиб кирган.

Пора предмети, унинг миқдори жиноят қонунчилигига алоҳида аҳамият касб этадиган тушунча ва бирликлар ҳисобланади. Шунга кўра, Чили қонунчилиги порахўрлик жиноятлари учун пора предметидан келиб чиққан ҳолда алоҳида жавобгарлик чораларани белгилайди. Жумладан, Чили Жиноят кодексининг 248-моддаси **номоддий кўринишдаги пора** олганликни моддий қимматликка эга бўлган пора олиш жиноятидан ажратади⁷⁰.

⁶⁷ Criminal Code of the Kingdom of Spain (1995, as of 2013) (English version) // [Electronic resource] URL: https://www.legislationline.org/download/id/6443/file/Spain_CC_am2013_en.pdf

⁶⁸ The Indian Penal Code, 1860 // [Electronic resource] https://www.indiacode.nic.in/show-data?actid=AC_CEN_5_23_00037_186045_1523266765688§ionId=45919§ionno=171B&orderno=189

⁶⁹ Criminal Code of Lithuania (2000, amended 2017) (English version) // [Electronic resource] URL: https://www.legislationline.org/download/id/8272/file/Lithuania_CC_2000_am2017_en.pdf

⁷⁰ Código Penal de Chile // [Electronic resource] URL: <https://www.leychile.cl/Navegar?idNorma=1984>

Хорижий давлатлар амалиётида порахўрликка оид жиноятларнинг актив ва пассив кўринишларидан ташқари, уларни содир этган шахсларнинг ижтимоий ҳолати, яъни эгаллаб турган мансаби (лавозими) ва бошқа фуқаролик ҳолатларидан келиб чиқсан ҳолда турларга ажратиш амалиётига ҳам дуч келишимиз мумкин.

Масалан, АҚШ кодексларининг “Жиноятлар ва жиноий иш юритиш” дея номланган 18-боби, 201-моддаси мансабдор шахслар ёки **гувоҳларнинг** порахўрлиги учун жиноий жавобгарликни белгилайди. Унга биноан, пора олиш ва беришдан ташқари, пора таклиф қилиш, ваъда қилиш, пора сўраш ва порани олишга розилик билдириш ҳам жиноий жавобгарликка сабаб бўлади⁷¹.

Шунингдек, Канада жиноят қонунчилиги **суд** органи ходимларининг пора олиш жиноятини мансабдор шахсларнинг пора олишига оид умумий тартибдаги жиноятдан ажратган ҳолда алоҳида жиноят таркиби сифатида белгилаб, мазкур жиноят учун **оғирроқ жавобгарликни** назарда тутади (ЖК 119(1)- моддаси).⁷² Судъя ёки суд ҳокимияти органи мансабдор шахсларининг порахўрлигига оид нормалар Болгария Жиноят кодексида ҳам алоҳида белгиланган (Жиноят кодекси 305-модда) бўлса, Голландия Жиноят кодексининг 364-моддасида ушбу қилмиш учун **оғирроқ жавобгарлик** ўрнатилган.

Порахўрликка оид жиноятлар учун жавобгарликни белгилашда қилмишни содир этган шахсларнинг жамият ва давлат бошқарувидаги ижтимоий мавқеъи, эгаллаб турган лавозими, мансабидан келиб чиқсан ҳолда алоҳида жиноят таркиби сифатида ажратиш ёки оғирроқ жавобгарликни назарда тутиш халқаро конвенцияларда ҳам белгилиб қўйилган бўлиб, ушбу амалиёт мазкур жиноятларнинг содир этилишини

⁷¹ Title 18 of the United States Code – Crimes And Criminal Procedure // [Electronic resource] URL: <https://uscode.house.gov/browse/prelim@title18&edition=prelim>

⁷² Criminal code of Canada (1989, as a 2019) // [Electronic resource] URL: <https://laws-lois.justice.gc.ca/eng/acts/c-46/page-30.html#h-117813>

камайишига қисман бўлса-да, ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмасдан қолмайди.

Гонконг жиноят қонунчилиги порахўрлик жиноятларини пора эвазига амалга ошириладиган **ҳаракатларнинг рўйхатини** белгилаш орқали чегаралаб қўйган. Зеро, Гонконг давлати 1971 йилдаги порахўрликнинг олдини олиш тўғрисидаги Қонунининг 4-моддасига мувофиқ, ҳар қандай шахс томонидан, хоҳ Гонконгда, хоҳ бошқа жойда бўлмасин, қонуний ваколат ёки асосга эга бўлмагани ҳолда давлат хизматчисига унинг:

- давлат хизматчиси сифатидаги ҳар қандай ҳаракатни бажариш ёки уни бажаришдан воз кечганлиги;
- шу ёки бошқа давлат хизматчисининг ҳар қандай бошқа давлат хизматчиси томонидан давлат хизматчиси сифатида амалга оширилаётган ҳаракатни тезлаштириши, кечиктирганлиги, тақиқлаганлиги ёки олдини олганлиги;
- ҳар қандай шахсга давлат идораси билан ҳар қандай бизнесни амалга оширишда ёрдам бериш, уни қўллаб-қувватлаш, тўсқинлик қилиш ёки кечиктириши кабиларни амалга оширганлиги учун ҳар қандай манфаатни тақдим этиши унинг жавобгарликка тортилишига асос бўлади⁷³.

Мазкур модданинг 2-қисми давлат хизматчиси томонидан юқорида санаб ўтилган ҳаркатларни амалга оширганлик эвазига манфаатдор бўлиш учун жавобгарликни назарда тутади.

Шунингдек, мазкур Қонун Бош ижочига (давлат раҳбари) пора бериш ва унинг пора олиши жиноятларини бошқа мансабдор шахсларнинг порахўрлиги жиноятларидан ажратади.

Сингапурнинг Коррупциянинг олдини олиш тўғрисидаги Қонунида **Парламент аъзоларининг** пора олиши ва уларга пора берганлик жинояти давлат хизматчисининг порахўрлиги жиноятидан ажратилган⁷⁴. Шунингдек,

⁷³ Cap. 201 Prevention of Bribery Ordinance // [Electronic resource] URL: <https://oelawhk.lib.hku.hk/items/show/2838>

⁷⁴ Prevention of Corruption Act (Chapter 241) (Original Enactment: Ordinance 39 of 1960) Revised edition 1993 // [Electronic resource] URL: <https://sso.agc.gov.sg/Act/PCA1960>

Гонконг қонунчилигига бўлгани сингари, Сингапур қонунчилигига ҳам порахўрлик жиноятлари пора эвазига амалга ошириладиган ҳаракатларнинг аниқ рўйхатини белгилаш орқали чегаралаб қўйилган. Худди шундай нормани Малайзиянинг 2009 йилдаги Коррупцияга қарши курашиш комиссияси тўғрисидаги Қонунида ҳам қўришимиз мумкин⁷⁵.

Бундан ташқари, мазкур Қонун пора олиш ва беришдан ташқари пора сўраш, қабул қилиш ёки қабул қилишга ваъда бериш, шунингдек, пора беришни ваъда қилиш ёки пора таклиф қилганлик учун ҳам жавобгарлик назарда тутилган.

Ёки Литва давлати Жиноят кодексининг 227-моддаси (**Graft**)да пора олиш ва беришнинг бошқа бир қўриниши сифатида ва ундан фарқли равища **сиёсий коррупциянинг** бир шакли сифатидаги порахўрлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб (мустақил таркибли жиноят), унга қўра, сиёсатчилар томонидан ўз ваколатларидан бошқа шахснинг манфаати йўлида суиистеъмол қилиши учун порахўрликнинг актив (пора бериш, таклиф қилиш ва ваъда бериш) ва пассив (пора олиш, талаб қилиш, таклифни қабул қилиш ва ваъда бериш) шаклда содир этилганда жиноий жавобгарлик ўрнатилган. Бу каби нормаларни Қирғизистон (311-модда), Франция ва Россия (ЖК 304-модда) давлатлари мисолида ҳам қўришимиз мумкин.

Шунингдек, порахўрлик жиноятлар учун жавобгарликни белгилашда **хорижий оммавий мансабдор шахсларнинг** жавобгарлиги ҳам алоҳида ўрин тутиб, мазкур турдаги қилмишлар ҳам халқаро стандартларда имплементация қилиниши лозим бўлган нормалар сифатида кўрсатилган. Жиноят мазкур тури кўплаб хорижий давлатлар хусусан, Янги Зелландия ва Австралия жиноят қонунчилигига мустақил таркибли порахўрлик жинояти сифатида алоҳида моддада белгилаб қўйилган.

Албания жиноят қонунчилигига порахўрлик жиноятлари **коррупция номи** билан аталиб, соҳага оид халқаро стандартларни татбиқ қилишда

⁷⁵ Malaysian Anti-Corruption Commission Act 2009 (As at 1 June 2015) // [Electronic resource] URL: [http://www.agc.gov.my/agcportal/uploads/files/Publications/LOM/EN/Act%20694%20%20\(15_5_2015\).pdf](http://www.agc.gov.my/agcportal/uploads/files/Publications/LOM/EN/Act%20694%20%20(15_5_2015).pdf)

коррупцион жиноятлар субъектларига кўра турларга ажратилган ва алоҳида жиноят таркиби сифатида жавобгарлик ўрнатилган. Яъни, Жиноят кодексида нафақат **юқори давлат мансабдор шахси ва маҳаллий сайланадиган мансабдор шахслар, балки хорижий мансабдор шахслари, халқаро суд судъялари ва мансабдор шахслари, маҳаллий ва хорижий арбитрларнинг** актив ва пассив порахўрлигига оид нормалар ўрнатилган. Энг қизиқарли томони, коррупция учун жиноий жавобгарлик субъектлари турлаги маҳаллий доирада ҳам кенгайтилган ҳолатда (судъя, прокурор, адлия органи ходимлари, гувоҳ, эксперт ва таржимон) белгилаб қўйилган.⁷⁶

Хорижий давлат ва халқаро ташкилот мансабдор шахсларининг порахўрлиги учун жавобгарлигини миллий мансабдор шахслар порахўрлигидан алоҳида ажратган ҳолда қўллаш амалиётини Швейцария (Жиноят кодекси 322-модда)⁷⁷ давлати мисолида кўрадиган бўлсак, унга кўра, порахўрликнинг актив ва пассив кўринишлари хорижий давлат манфаати учун хизмат қиласаиган мансабдор шасхлари (**суд ёки бошқа ҳокимият органлари мансабдор шахслари, расмий тайинланган эксперт, таржимон ёки ҳакамлари ёки қуролли кучлар аъзоси**) билан боғлиқ ҳолда содир этилиши учун жавобгарликни назарда тутади. Бу каби амалиёт Тожикистон ва Болгария Республикаси жиноят қонунчилигига порахўрликка оид моддалар диспозициясида алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Арманистон жиноят қонунчилигига пора предмети сифатида **пул, молмулк, мулк ҳуқуқи, қимматли қоғоз ёки ҳар қандай мулкий шаклдаги наф** бўлиши мумкинлиги кўрсатилган. Шунингдек, ушбу давлат амалиётида ҳам АҚШдаги каби ёлғон гувоҳлик, нотўғри хулоса бериш ва нотўғри таржима қилишга пора бериш ёки мажбурлаш хатти-ҳаракатлари учун жиноий жавобгарлик ўрнатилган бўлса, Аргентина Жиноят кодексида ҳам **гувоҳ, таржимон ва экспертнинг порахўрлигига** оид нормалар мавжуд.

⁷⁶ Criminal code of the Republic of Albania (1995, amended 2017) // [Electronic resource] URL: https://www.legislationline.org/download/id/8235/file/Albania_CC_1995_am2017_en.pdf

⁷⁷ The Criminal code of the Swiss Confederation (1937, as of July 2020) // [Electronic resource] URL: https://www.legislationline.org/download/id/8991/file/SWITZ_Criminal%20Code_as%20of%202020-07-01.pdf

Шунингдек, ушбу қилмиш учун олинган поранинг икки баравари миқдорида жарима жазоси тайинланиши белгиланган (Аргентина жиноят кодекси 276-модда).⁷⁸ Бу каби нормалар Қирғизистон Жиноят кодексининг 332-моддаси ва Тожикистон Жиноят кодексининг 353-моддасида ҳам ўрнатилган.

Бундан ташқари, айрим хорижий мамлакатларда порахўрлик учун жиноий жавобгарликда маъмурий прюдиция, яъни шахснинг дастлаб маъмурий жавобгарликка тортилган бўлиши белгиланган. Хусусан, Қозоғистон қонунчилигига мувофиқ, мансабдор шахснинг ўз ваколатларига кирувчи ҳаракат (ҳаракатсизлик)ни содир этганлиги учун олдиндан келишув бўлмаган ҳолда совға тариқасида икки ойлик ҳисоблаш кўрсаткичларидан ошмайдиган миқдордаги мулк, мулкий ҳуқуқлар ёки бошқача мулкий манфаатдорликни қабул қилиши ёхуд унга юкоридагича манфаатдорликни тақдим этиш жиноят ҳисобланмайди ва маъмурий ёки интизомий тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлади⁷⁹.

Ёки, Россия Федерацияси миллий қонунчилигига порахўрлик жиноятлари учун жавобгарлик ушбу жиноятни содир этган субъектлар доирасига қараб алоҳида турларга ажратишнинг ўзига хос кўриниши мавжуд. Масалан, ушбу давлат жиноят кодексининг 184-моддасида **профессионал спорт иштирокчилари ва професионал спорт ҳамда кўнгилочар фойда олиш мусобақалари ташкилотларининг порахўрлиги** белгилаб қўйилган.

Бунга ўхшаш норма Арманистон Жиноят кодексининг 201-моддасида ўрнатилган. Унга кўра, спорт мусобақалари натижаларига таъсир ўтказиши мақсадида спортчи, мураббий, ҳакам, жамоа менеджерларига ва бошқа професионал иштирокчиларга, шунингдек тијорат мусобақалари ёки шоулари ташкилотчи ва мукофот комиссия аъзоларига пора бериш ва модданинг 3-қисмида ушбу ҳаракатлар пассив порахўрлик кўринишида

⁷⁸ Criminal code of the Argentine Nation Law // [Electronic resource] URL: [https://www.policinglaw.info/assets/downloads/1984_Criminal_Code_\(as_amended\)_ \(English_translation\).docx](https://www.policinglaw.info/assets/downloads/1984_Criminal_Code_(as_amended)_ (English_translation).docx)

⁷⁹ Уголовный кодекс Республики Казахстан (Принят 3 июля 2014 года) // [Электронный ресурс] URL: https://online.zakon.kz/document/?doc_id=31575252#pos=5;-106 (дата обращения: 07.05.2020).

содир этилганда жиноий жавобгарликка тортилади.⁸⁰ Грузия (ЖК 203-моддаси), Қирғизистон (ЖК 220-модда) ва Тожикистон (ЖК 280-модда) каби давлатлар ҳам шунга ўхшаш тажрибага эгалигини кўришимиз мумкин.

Порахўрлик жиноятлар фақатгина актив ва пассив кўринишларда содир этилибгина қолмай, балки ушбу қилмишда воситачиликнинг мавжуд бўлиши ҳам алоҳида жиноят таркибини бериш ҳолатларига ҳам дуч келамиз. Масалан, Латвия Жиноят кодексининг 322-моддасида пора беришда **воситачилик қилиш**, яъни пора берувчидан пора оловчига пора предметини топшириш, таклиф қилиш ёки ваъда бериш учун жиноий жавобгарликка тортилади.

Ёки, Туркия жиноят қонунчилигига назар ташлайдиган бўлсак, ушбу давлатда Жиноят кодексининг 252-моддасида порахўрликнинг фақатгина актив ва пассив кўринишлари мавжуд бўлиб, яъни пора олиш-беришда воситачилик алоҳида жиноят таркиби бўлмасдан, **иштирокчиликда** содир этилган сифатида квалификация қилиш назарда тутилган. Шунингдек, мазкур давлат амалиётида ҳам юқорида кўрганимиз каби порахўрликка оид жиноятлар учун жавобгарликни белгилашда субъектлар доираси алоҳида ажратиб кўрсатилган.⁸¹ Ушбу амалиётни Голландия, Швеция ва Озарбайжон каби давлатлар миллий қонунчилигига кўришимиз мумкин.

Умумий қилиб айтганда, хорижий мамлакатлар жиноят қонунлари таҳлили пора олиш-беришда воситачилик қилиш учун жавобгарлик масаласида хорижий давлатлар шартли равишда икки турдаги амалиётга эга:

1) пора олиш-беришда воситачилик қилишни жиноятда иштирокчи деб баҳоловчи мамлакатлар қонунчилиги (Россия Федерацияси, Қирғизистон, Тожикистон, Украина, Озарбайжон, Молдова ва ҳ.к.);

⁸⁰ Criminal code of the Republic of Armenia (amended 2003) // [Electronic resource] <https://www.legislationline.org/documents/action/popup/id/8872/preview>

⁸¹ Penal code of Turkey (amended 2016) // [Electronic resource] URL: https://www.legislationline.org/download/id/6453/file/Turkey_CC_2004_am2016_en.pdf

2) пора олиш-беришда воситачилик қилишни алоҳида жиноят таркиби сифатида баҳоловчи мамлакатлар қонунчилиги (Арманистон, Қозоғистон, Туркманистон, Беларусь Республикаси ва ҳ.к.).

Ёки, пора олиш-беришда воситачилик қилишни алоҳида жиноят таркиби сифатида баҳоловчи мамлакатлар жиноят қонунларида қилмиш учун жавобгарлик белгиланган нормаларнинг тузилиши ҳам турлича. Жумладан, айrim давлатларда пора олиш-беришда воситачилик қилиш оддий диспозитив норма сифатида баҳоланганд (масалан, Туркманистон), айримпарида эса тасвирлов диспозициядан фойдаланилган (масалан, Арманистон, Қозоғистон ва ҳ.к.).

Жумладан, Туркманистон ЖКнинг 186-моддасида пора олиш-беришда воситачилик қилиш жинояти учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, унга кўра "пора олиш ёки беришда воситачилик қилиш беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади". Яъни мазкур нормада пора олиш-беришга тавсиф берилмаган.

Бунинг акси ўлароқ, Хорватия жиноят қонунчилигида пора олиш-беришда воситачилик қилиш алоҳида жиноят сифатида кўрсатилмаган. Шунингдек, юқорида кўрган амалиётимизнинг акси сифатида ушбу давлатда порахўрлик жинояти субъектлари умумий мансабдор шахс тушунчasi билан қамраб олиниб, хорижий давлат ва халқаро ташкилот мансабдор шахсларининг порахўрлиги алоҳида мустақил жиноят сифатида ажратилмаган.

Энг қизиқарли томони шундаки Хорватия Жиноят кодексининг 296 (1) моддасида **шахснинг обърў-эътиборидан фойдаланган ҳолда таъсир кўрсатиш (Bribery for trading in Influence)** учун пора бериш жинояти назарда тутилган бўлиб, унга кўра шахс ўзи ёки бошқа учинчи шахс манфаати учун бошқа бир шахснинг расмий ва ижтимоий мавқеи ёки таъсиридан суиистеъмол қилган ҳолда фойдаланиши учун пора бериш, порани таклиф қилиш ёки ваъда бериш ҳаракатларини содир этган тақдирда

жиноий жавобгарликка тортишга асос бўлади.⁸² Шунга ўхшаш амалиётни Литва жиноят қонунчилигига кўришимиз мумкин (ЖК 226-модда).

Жамиятнинг маълум қатлами ёки фаолият соҳасидаги порахўрлик учун жиноий жавобгарликни белгилаш амалиётига ҳам гувоҳ бўлишимиз мумкин. Масалан, Финландия жиноят қонунчилигига **сайловдадаги порахўрликка** оид нормалар белгиланган бўлиб, унга кўра актив порахўрликда шахсни умумий сайлов ёки референдумларда овоз беришдан тийилишига ишонтириш учун тўлов ёки бошқа имтиёзлар бериш, таклиф қилиш ёки ваъда бериш ҳамда пассив порахўрликда эса, шахснинг ушбу харакатлар учун тўлов ёки имтиёзлар талаб қилиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган.⁸³ Ушбу амалиёт Хорватия (ЖК 333-модда), Қизғизистон (ЖК 140-модда), Сербия (ЖК 156-модда), Руминия (ЖК 386-модда) ва бошқа давлатлар қонунчилигига ҳам йўлга қўйилган.

Ёки, АҚШ жиноят қонунчилигига (“Жиноятлар ва жиноий иш юритиш” дея номланган 18-боби, 226-моддаси) порахўрликнинг “хавфсизликка таъсир кўрсатадиган порахўрлик” (**Bribery affecting port security**) каби тури мавжуд бўлиб, унга кўра, шахснинг била туриб, халқаро ёки ички терроризмни амалга ошириш мақсадида бевосита ёки билвосита ҳар қандай шахс ёки давлатга маълум бир қимматлиқдаги нарсани бериш, таклиф қилиш ёки ваъда бериши жиноий жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Порахўрлик жинояти учун жавобгарликни белгилашда бошқа давлатлардан фарқли амалиётни Норвегия давлатида мисолида кўришимиз мумкин. Хусусан, ушбу давлат Жиноят кодексида порахўрлик жиноятлари **умумий коррупция** номи остида белгиланиши билан бир қаторда, жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳам алоҳида моддада кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, пора олиш-беришда воситачилик қилиш, учинчи

⁸² Criminal code of the Republic of Croatia (amended 2011) // [Electronic resource] URL: https://www.legislationline.org/download/id/7896/file/Croatia_Criminal_Code_2011_en.pdf

⁸³ Criminal code of the Republic of Finland (amended 2015) // [Electronic resource] URL: https://www.legislationline.org/download/id/6375/file/Finland_CC_1889_am2015_en.pdf

шахслар манфаати учун пора, хусусий сектордаги порахўрлик каби қилмишлар алоҳида жиноят таркиби сифатида назарда тутилмаган.⁸⁴

Юқоридагилардан кўришимиз мумкинки, порахўрлик жиноятлари учун жавобгарлик хорижий давлатлар амалиётида турли қўринишларда белгиланган бўлсада, кўп ҳолларда оғирроқ жазони назарда тутади.

Шунингдек, порахўрлик жиноятларининг хусусий сектор, ёки тадбиркорлик фаолиятида содир этилиши ҳолатлари ҳам кўплаб содир этилиши сабабли, бу турдаги қилмишларни мустақил жиноят сифатида ўрнатиб, улар учун жиноий жавобгарлик белгиланишини халқаро конвенцияларда ҳам кўриб ўтдик. Ушбу халқаро стандартларни кўплаб хорижий давлатлар, жумладан Хорватия, Финландия, Қирғизистон, Германия ва бошқа кўплаб давлатлар жиноят қонунчилигига татбиқ қилинган.

Хусусан, Германия давлати Жиноят кодексининг 299-моддасида шахснинг **тадбиркорлик субъекти ходими ёки вакили (агенти)** бўла туриб, ўзи ёки бошқа тадбиркорлик субъекти манфаати йўлида товар савдоси ёки хизматлар кўрсатишдаги рақобатда бошқасига нисбатан адолатсиз устунликлар бериши учун ҳар қандай қўринишдаги нафни талаб қилиш, қабул қилиш ёки ваъда бериши жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.⁸⁵

Бошқаларидан фарқли равища Хорватия Жиноят кодексининг 251-моддасида **“банкротлик ишида пора олиш ёки пора бериш”** хатти-харакатлари мустақил жиноят сифатида ўрнатилиб, унга кўра, кредитор ёки кредиторлар кенгashi аъзоси томонидан овоз бериш ёки овоз беришдан чекиниши учун пора олиш, талаб қилиш, қабул қилиш ёки ваъда бериш, пора бериш, таклиф қилиш қилмишлари учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, порахўрлик жиноятлари бўйича хорижий давлатлар жиноят қонунчилигини қиёсий таҳлил қилиш миллий қонунчилик нормаларини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

⁸⁴ Penal code of the Kingdom of Norway (2005, as of April 2021) // [Electronic resource] URL: https://www.legislationline.org/download/id/9055/file/Norway_Penal%20Code.pdf

⁸⁵ Criminal code of the Federal Republic of Germany (1971, as of April 2019) // [Electronic resource] URL: https://www.legislationline.org/download/id/6115/file/Germany_CC_am2013_en.pdf

Шунга кўра, бизнингча, таҳлиллар натижасида ўрганилган айрим хорижий давлатларда порахўрлик учун жавобгарлик белгиланган қонун нормаларидан келиб чиқиб, миллий қонунчиликка айрим ўзгартиришларни киритиш мақсадга мувофиқ хисобланади.

III БОБ. ПОРАХҮРЛИК ЖИНОЯТЛАРИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИККА ОИД МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

3.1. Порахүрлик жиноятлари учун жавобгарликни белгилашдаги муаммоларни бартараф этиш ва бу борадаги миллий қонунчилликни такомиллаштириш

Порахүрликка оид жиноятлар ва уларга жиноий жавобгарлик белгилаш масалалари ўзининг неча минг йиллик тарихига эга бўлиши билан бир қаторда жамиятнинг ривожланиб бориши ҳар қандай соҳада шу жумладан, ҳуқуқ тизимида ҳам сезиларли ўзгаришлар бўлишини тақозо этади. Халқаро ҳуқуқда коррупциявий, хусусан порахүрлик жиноятларига оид стандартлар белгилаб берилган халқаро конвенциялар қабул қилиниши билан бу соҳада мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш масалалари долзарб мавзуга айланди.

Мазкур соҳага оид халқаро стандартлар хорижий давлатлар томонидан ўзининг ички қонунчилигидан келиб чиқсан ҳолда турлича татбиқ этилган. Миллий қонунчилигимизда ҳам порахүрлик жиноятлари учун жавобгарликкниң халқаро стандартлари имплементация қилинган бўлсада, давлатимизнинг халқаро рейтингларда паст ўринларни олиб келаётганлиги, жиноятчиликнинг ҳамон юқори даражада эканлиги ва жиноят қонунчилигидаги баъзи-бир бўшлиқларнинг мавжудлиги сабабли татбиқ қилиш масалалари тўлиқлигича амалга оширилган дея олмаймиз.

Шунга кўра, Республикаизда порахүрлик жиноятлари ва улар учун жавобгарлик масалалари, ушбу жиноятларнинг криминалистик аҳамияти, тергов қилиш методикалари ва бошқа жиноий-ҳуқуқий аспектлари татбиқ қилинган бўлсада, ушбу жиноятларга оид халқаро стандартлар таснифи ёки бу борада халқаро ташкилотларнинг миллий қонунчиликка берган тавсиялари ва уларни имплементация қилиш масалаларини ўрганиш бугунги кунда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Республикамиизда 2015-2019 йиллар давомида 1 836 нафар мансабдор шахс томонидан 1 408 пора олиш билан боғлиқ жиноят ишлари судлар томонидан кўриб чиқилган.⁸⁶ Жиноят кодексининг порахўрликка оид амалдаги моддадари диспозициялари таҳлили бир қатор ҳуқуқий бўшлиқлар мавжудлигини қўрсатмоқда. Бундай бўшлиқлар қонуности ҳужжатлар билан ёки суд-тергов амалиётида модда диспозициясининг мазмунидан келиб чиқсан ҳолда бартараф этилмоқда.

Миллий қонунчилигимизда порахўрликка оид жиноятлар учун жавобгарликни белгилашдаги асосий норматив ҳужжатлар сифатида Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари ва бошқаларни келтиришимиз мумкин.

Куйида, мазкур турдаги жиноятлар учун жавобгарликни белгилашдаги қонунчилик ва амалиётда дуч келинадиган муаммолар ва уларни бартараф этиш масалаларини порахўрлик билан боғлиқ жиноят турлари мисолида кўриб чиқамиз.

Дастлаб, пора олиш (пассив порахўрлик) жинояти (ЖК 210-модда) мисолида кўриб чиқадиган бўлсак, Жиноят кодексида ушбу модда диспозицияси қўйидагича “пора олиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берадиган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкий манфаатдор бўлиши”⁸⁷ кўринишида ўрнатилган.

Биргина пора олиш жинояти учун жавобгарликни белгилашда халқаро стандарт ва хорижий давлатлар тажрибаларини инобатга олган ҳолда

⁸⁶

⁸⁷ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/111453#266382>

куйидаги муаммо ва таклифларни билдира оламиз. Хусусан, ушбу жиноят субъектлари сифатида давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахслари бўлиши мумкинлигини кўришимиз мумкин. Аммо, юқорида кўриб ўтганимиздек, халқаро конвенцияларда хорижий ва халқаро оммавий ташкилот мансабдор шахсларининг порахўрлиги ва жавобгарлигига оид стандартлар мавжуд бўлиб, уларнинг миллий қонунчиликка татбиқ этилиши лозимлиги ҳам кўрсатилган.

Шунингдек, ушбу стандарт миллий қонунчилигимизда мансабдор шахс атамаси замирида қамраб олинган. Яъни, Жиноят кодексининг 8-бўлимида мансабдор шахс тушунчасига хуқуқий таъриф берилган бўлиб, унда “....халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс”лар ҳам мансабдорлик жинояти субъектлари бўлиши кўрсатилган.

Бошқа бир хуқуқий хужжат Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленимунинг 24.09.1999 йилдаги “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўрисида”ги 19-сон қарорида эса, пора олганлик учун жиноий жавобгарликка фақат давлат, кооператив, жамоат ва бошқа корхона, муассаса ва ташкилотларда мансабдорлик вазифасини доимий ёки вақтинчалик бажараётган ходимлар тортилиши тўғрисидаги тушунтириш келтириб ўтилган. Яъни, порахўрлик жиноялари субъекти бўлиши мумкин бўлган мансабдор шахсларнинг турлари алоҳида ажратилмасдан, асосий эътибор уларнинг мансабдор бўлиши шартлига қаратилган. Мазкур хужжатда хорижий ва халқаро оммавий ташкилот мансабдор шахсларининг жавобгарлиги ҳақидаги норма мавжуд ҳам эмас.

Афсуски, мансабдор шахс атамасига ушбу тушунчаларининг қўшиб қўйилиши порахўрлик жинояти улар билан боғлик ҳолда содир этилганлиги учун жиноий жавобгарликка тортишга асос бўлмайди. Чунки ЖКнинг порахўрлик жиноятлари ҳисобланмиш 192^9 - 192^{10} ҳамда 210-214-моддалар фақатгина миллий мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини белгилайди.

Бундан ташқари, халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органи Ўзбекистон Республикаси давлат органи ҳисобланмаслиги сабабли, унда ишлаётган ходимларни Ўзбекистон Республикасининг мансабдор шахслари сифатида баҳолаб бўлмайди. Бу ўз-ўзидан уларни порахўрлик жинояти субъектлари сифатида жавобгарликка тортиш имкониятини истисно этади.

Шунга кўра, порахўрлик жинояtlари учун жавобгарлик доирасини қайта белгилаб олган ҳолда, **хорижий давлат ва халқаро оммавий ташкилот мансабдор шахслари ёки хизматчилари** билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган актив ва пассив порахўрлик учун жиноий жавобгарлик масаласини ҳал этишни ЖКнинг мавжуд моддаларига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ёки алоҳида янги модда билан тўлдириш орқали бартараф этиш лозим бўлади.

Пора олиш жинояти объектив томондан “... муайян ҳаракатни пора берадиган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкий манфаатдор бўлиши” фақатгина мансабдор шахснинг моддий (мулкий) манфаатдор бўлиши орқали содир этилши назарда тутилган. Аммо, ушбу амалиётни ҳам халқаро стандартларга мувофиқ дея олмаймиз. Чунки порахўрлик жинояти фақатгина пора олувчининг эмас, балки бошқа учинчи шахс(лар)нинг манфаатларини⁸⁸ кўзлаган ҳолда содир этилиши мумкин.

Шунингдек, халқаро конвенциялар ва хорижий давлатлар тажрибасидан кўришимиз мумкинки, пассив (пора олиш) порахўрлик нафақат пора олувчи, балки бошқа учинчи шахсларнинг (жисмоний ёки юридик шахслар) манфаати йўлида ҳам содир этилишини назарда тутувчи стандартлар ва бу борадаги амалиёт мавжуд.

⁸⁸ Антикоррупционные реформы в Узбекистане (4-й раунд мониторинга в рамках Стамбульского плана действий по борьбе с коррупцией) // [Электронный ресурс]. URL: <https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round-Monitoring-Report-2019-RUS.pdf>

Шунга кўра, Жиноят кодексининг порахўрликка оид нормалари диспозициясига умумий пора олиш, пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш хатти-харакатлари **бошқа жисмоний ва юридик шахслар манфаатини кўзлаган ҳолда** содир этилишини назарда тутувчи ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Қонунчиликдаги ушбу турдаги бўшлиқ ЖКнинг порахўрлик жиноятларини назарда тутувчи 192⁹-192¹⁰ ҳамда 211-214-моддаларида ҳам мавжудлиги сабабли, юқоридаги ўзгартиришни барча моддаларга киритиш лозим бўлади.

Шунингдек, Жиноят кодексининг пора олиш (ЖК 210-модда) жинояти оғирлаштирувчи ҳолаларига назар ташлайдиган бўлсак, “тамагирлик йўли билан” содир этилган тақдирда қилмиш модданинг 2-қисми в) банди билан малакалаш қилиниши белгиланган. Миллий қонунчилигимизда “тамагирлик” тушунчаси мазмун-моҳиятига кўра “товламачилик” ҳаракатини ҳукуқий оқибатлари билан бир хил бўлганлиги сабабли, модданинг мазкур бандини “товламачилик” тарзида баён этиш таклиф этилади.

Хусусан, Олий суд Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги 19-сон қарорининг 11-бандида тамагирлик мансабдор шахс томонидан фуқаронинг қонуний манфаатларига зарар етказадиган хизматига доир ҳаракатларни содир этиш таҳди迪 остида пора талаб қилиш ёки фуқарони унинг қонуний манфаатларига зарар келтирадиган оқибатларнинг олдини олиш учун пора беришга мажбур этадиган шароитга қасдан тушириш деб изоҳланган. ЖКнинг 165-моддаси (товламачилик) диспозициясидаги ҳаракатлар ва оқибатлар тамагирлик тушунчасининг мазмун-моҳияти билан ўхшашдир.

Бу каби ўзгаришиларни нафақат ЖК 210-моддаси балки, порахўрлик, хусусан пора олиш (пассив) билан боғлиқ жиноятларни назарда тутувчи 192⁹ ва 214-моддалари санкциясига киритиш лозим бўлади.

Пора олиш жинояти учун жавобгарликни белгилашнинг ўзига хос, яъни бу турдаги жиноятларнинг бошқаларидан фарқли равишда модда санкциясида муайян ҳукуқдан маҳрум қилиш жазосининг мавжудлигидир.

Бунда қонун чиқарувчи ушбу қилмишнинг оғир ёки ўта оғирлигини, давлат ва жамият учун хавфли эканлигини инобатга олиб, пора олиш жинояти субъектини суд тайинлаган муддат давомида айборнинг корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларда у ёки бу мансабни эгаллашини ёхуд у ёки бу фаолият билан шуғулланишини тақиқлашни маъкул кўрган.

Аммо, Жиноят кодексида пора олиш (пассив порахўрлик) билан боғлиқ жиноятлар нафақат кодекснинг 210-моддасида, балки 192⁹-192¹⁰ ҳамда 214-моддаларида ҳам кўришимиз мумкин.

Шунга кўра, пора олиш билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарликни белгилаш, хусусан жиноий жазо тайинлашда айбдор шахсларнинг муайян хуқуқдан маҳрум қилиниши (муайян лавозимда ишлашдан) мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шу сабабли, Жиноят кодексининг 192⁹-192¹⁰ ҳамда 214-моддалари санциясиларига 210-модда сингари “**муайян хуқуқдан маҳрум қилиш**” қўшимча жиноий жазоси киритилиши лозим бўлади.

Порахўрлик жинояти учун жавобгарликни белгилашдаги муаммолардан яна бири бу пора предмети ҳисобланади. Миллий қонунчилигимизда порахўрликка оид жиноятлар содир этилиши пора берувчининг пора олувчини мулкий, яъни моддий манфаатдор этиши орқали содир этилиши назарда тутилган. Яъни, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24-сентябрдаги “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 19-сонли қарорининг 2-бандига мувофиқ “пул, қимматбаҳо қоғозлар, моддий бойликлар, шунингдек, пора оладиганга қайтармаслик шарти билан, лекин мулкий моҳиятга молик бўлган (масалан, таъмирлаш, қурилиш, қайта тиклаш ишларини бажариш ва бошқалар) хизматлар пора предмети бўлиши мумкин.”⁸⁹

Пора олувчининг нафақат мулкий манфаатдор бўлиши балки, унинг номулкий кўринишдаги наф олиши ҳам порахўрлик сифатида баҳоланиши лозим. Мазкур соҳага оид халқаро стандартлар ҳамда хорижий давлатлар

⁸⁹ Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 24.09.1999 йилдаги “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарори (Электрон манба) <https://lex.uz/docs/1449106>

тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, ҳар қандай кўринишдаги ноқонуний афзалик (номоддий қимматликлар ва номулкий манфаатдорлик) порахўрлик жинояти предмети бўла олишини кўришимиз мумкин.

Номулкий наф - шахснинг мулкий ҳолатини яхшилашга (ошириш) қаратилмаган, унинг шахсий (кундалик) эҳтиёжларни қондиришга йўналтирилган, ҳар қандай кўринишдаги моддий тусга эга бўлмаган хизматлар (жинсий эҳтиёжни қодириш, мансабни ошириш, шоҳона овқатланиш, массаж ва сауна хизматлари, спорт ўйинлари ва бошқа кўргилочар тадбирларга текинга кириш, чет элда дам олиш ва бошқалар).

Шунга кўра, Жиноят кодекси 192⁹-192¹⁰ ҳамда 210-214-моддаларига тегишли ўзгартиришлар киритиш орқали **номулкий характердаги манфаатдорлик** учун ҳам жиноий жавобгарлик белгиланиши назарда тутилиши лозим.

Шунингдек, ИХТТнинг Истанбул ҳаракатлар режаси асосида Ўзбекистон Республикасида коррупциявий ҳолатлар ўрганилганлиги натижалари бўйича 4-раундида берилган *30-тавсияларда* ҳам пора олувчининг номоддий кўринишдаги манфаат олишини ҳам жиноий ҳаракат сифатида баҳоланиши кўрсатиб ўтилган.

Бошқа бир томондан, Жиноят кодексида порахўрлик билан боғлиқ бир неча жиноятлар мавжуд бўлиб, ушбу моддалар замирида “пора” сўзларидан фойдаланилган бўлишига қарамай, кодекснинг 8-бўлими “Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси”да ушбу тушунчага ҳуқуқий таъриф берилмасдан, юқорида кўрганимиз Олий суд Пленуми қарорида нималар пора предмети бўлиши мумкинлиги айтилган холос.

Шу сабабдан, пора тушунчаси ушбу турдаги жиноятларни малакалаш қилишда муҳим аҳамият касб этишини, ҳалқаро ҳуқуқ ва хорижий давлатлар амалиётида ҳам аниқ кўринишлари ёки миқдори белгилаб қўйилганлигини инобатга олган ҳолда мазкур муаммони Жиноят кодексининг 8-бўлимиiga пора тушунчасини киритиш орқали бартараф этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Пора – мулкий, яъни пул, қимматбаҳо қоғозлар, моддий бойликлар, шунингдек, пора оладиганга қайтармаслик шарти билан, лекин мулкий моҳиятга молик бўлган (масалан, таъмирлаш, қурилиш, қайта тиклаш ишларини бажариш ва бошқалар) хизматлар, шунингдек номулкий, яъни мулкий ҳолатини яхшилашга (ошириш) қаратилмаган, шахсий (кундалик) эҳтиёжларни қондиришга йўналтирилган, ҳар қандай кўринишдаги моддий тусга эга бўлмаган хизматлар.

Порахўрликка оид хатти-ҳаракатларни камайтириш ва олдини олиш учун унга нисбатан қатъи чоралар кўрилиши зарурлиги сабабли ушбу жиноятни содир этганлик учун жазо чораларининг муқаррарлигини таъминлаш лозим. Шунга кўра, ушбу жиноятни содир этишга ҳаракатнинг бошланишининг ўзи жиноий ҳаракат тугалланганлиги билан баҳоланиши халқаро стандартларда келтириб ўтилган.

Актив ва пассив порахўрликка оид халқаро стандартларда жиноий жавобгарликни белгилашнинг яна бир ўзига хос жихати пора беришдан ташқари унга таклиф, ваъда бериш ёки пора олиш билан бир қаторда пора сўраш (талаб қилиш), таклифни қабул қилиш кабилар учун ҳам тугалланган жиноят каби жавобгарлик назарда тутилишидир.

Аммо, амалдаги қонунчилигимизда порахўрлик фақатгина пора олиш ва бериш кўринишида жиноят деб топилиб, пора сўраш, пора таклиф қилиш, пора бериш ҳақидаги таклифни қабул қилиш ёки пора бериш ҳақида ваъда бериш каби ҳаракатлар тегишли моддалар диспозициялари билан қамраб олинмаган. Шунингдек, жиноят қонунчилигига порахўрлик жиноятлари моддий таркибли жиноят ҳисобланиб, юқоридаги каби қилмишлар жиноят деб малакалаш қилинмайди.

Кўшимчасига, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 26-моддаси “жиноятдан ихтиёрий қайтиш” деб номланиб, “шахс жиноятга тайёргарлик кўриш ҳаракатларини ёки жиноят содир этишга бевосита қаратилган ҳаракатларни охирига етказиш мумкинлигини англаган ҳолда тўхтатса, шунингдек жиноий оқибат келиб чиқиши мумкинлигини англаган

холда, шундай оқибат келиб чиқишининг олдини олса, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш деб топилади. Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш жавобгарликни истисно қиласди”⁹⁰.

Ваҳоланки, халқаро ҳукуқнинг умумэътироф этилган нормалари, жумладан, БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси пора олиш ва беришдан ташқари пора сўраш, пора таклиф қилиш, пора бериш ҳақидаги таклифни қабул қилиш ёки пора бериш ҳақида ваъда беришни ҳам тугалланган жиноят сифатида эътироф этиш лозимлигини белгилаб берган.

Бундан ташқари, ИХТТнинг Истанбул ҳаракати режаси доирасида Ўзбекистон Республикасига берган тавсияларида (30-тавсия) ҳам пора сўраш, пора таклиф қилиш, порани олиш ҳақидаги таклифни қабул қилиш ёки пора бериш ҳақида ваъда бериш каби ҳаракатлар ҳам ЖКнинг порахўрликни назарда тутувчи моддалари диспозицияси билан қамраб олиниб, тамом бўлган мустақил жиноят сифатида эътироф этилиши ҳамда улар учун жиноий жавобгарлик белгиланиши лозимлиги тавсия этилган⁹¹.

Шунга кўра, коррупцияга қарши муросасиз курашиш ва уни камайтириш учун жазо чораларининг муқаррарлиги билан бир қаторда қатъийлигини ҳам таъминлаш лозим бўлади. Шу сабабли, пора олиш ва пора беришдан ташқари **пора таклиф қилиш, пора беришни ваъда қилиш, пора сўраш ва пора ҳақидаги таклифни қабул қилиш** каби ҳаракатларни ҳам тугалланган жиноят сифатида эътироф этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Миллий қонунчилик ва бу борадаги амалиётимизда порахўрлик билан боғлиқ жиноятларни малакалаш қилиш ҳамда уларга нисбатан жиноий жавобгарликни белгилашдаги мавжуд муаммолардан яна бири бу жавобгарликка тортиш субъектлари доираси билан боғлиқ. Хусусан, Жиноят кодексининг 210- ва 211-моддалари диспозициясига назар ташлайдиган

⁹⁰ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси [Электрон манба] <https://lex.uz/docs/111453>

⁹¹ Антикоррупционные реформы в Узбекистане (4-й раунд мониторинга в рамках Стамбульского плана действий по борьбе с коррупцией) // [Электронный ресурс]. URL: <https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round-Monitoring-Report-2019-RUS.pdf>

бўлсак, қилмиш бевосита ёки воситачи орқали содир этилиши назарда тутилган.

Аммо, ЖКнинг порахўрликка оид бошқа, жумладан 192⁹-192¹⁰ ҳамда 213-214-моддалари объектив томонидан фақатгина бевосита, яъни тўғридан-тўғри содир этилши белгиланган. Халқаро стандартларда порахўрликнинг ҳар қандай кўринишида (актив ва пассив) пора бевосита ёки воситачилар орқали олиниши ва берилиши назарда тутилган. Бироқ, бу каби ҳаракатлар хусусий сектордаги порахўрлик ҳамда хизматчининг порахўрлиги учун жавобгарлик белгиланган моддалар диспозициялари билан қамраб олинмаган.

Шу сабабли, Жиноят кодексининг 192⁹-192¹⁰ ва 213-214-моддаларини халқаро стандартларга тўлиқ мослаштиришимиз учун улар диспозициясига пора предметини шахсан (бевосита) ўзи ёки **воситачилар орқали** олишини назарда тутувчи қўшимча киритиш лозим бўлади.

Хусусий сектордаги порахўрлик жиноятлари жиноят қонунчилигини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш учун киритилган жиноятнинг янги тури дея оламиз. Мазкур турдаги жиноятлар кодексда “Тижоратда пора эвазига оғдириб олиш” (192⁹-модда) ва “Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш” (192¹⁰-модда) сифатида киритилган.

ЖК 192¹⁰-моддасида назарда тутилган қилмиш содир этилганида уни жиноят сифатида малакалаш қилиш ва жавобгарликни белгилашдаги муҳим элемент бу – шахснинг илгари ушбу турдаги хатти-ҳаракати учун маъмурий жазо чораси қўлланилган бўлиши лозимлиги кўрсатилган. Яъни, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ҳам қўйидаги 61¹-модда “Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш” ҳуқуқбузарлиги бўйича жавобгарликка тортилган бўлиши лозим бўлади.

Афсуски, порахўрлик каби жиноий қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилиши ушбу ҳаракатларни содир этган шахснинг жавобгарликдан қўрқув ҳиссининг камайишига сабаб бўлиши табиий.

Бу каби маъмурий прюдикция белгиланганлигини Жиноят кодексининг 213-214-моддалари мисолида ҳам қўришимиз мумкин. Мазкур жиноят содир этилиши шахснинг МЖтКнинг 193¹ ҳамда 193²-моддалари билан маъмурий жавобгарликка тортилган бўлишини талаб қиласди.

ИҲТТ томонидан ўтказилган ўрганиш юзасидан берилган тавсияларда мазкур ҳолат ҳам эътироф этилиб, коррупцияга қарши курашда муросасиз бўлиш мақсадида ушбу ҳаракатлар учун фақатгина жиноий жавобгарлик белгиланиши тўғрисида тавсиялар берилган.⁹²

Шу сабабли юқорида келтирилган порахўрлик жиноятларини (Жиноят кодекси 192¹⁰ ва 213-214-моддалар) қисман криминализация қилган ҳолда, яъни улар диспозициясидан **маъмурий прюдикцияни олиб ташлаб**, тўғридан-тўғри жиноий жавобгарлик белгиланиши мақсадга мувофиқ хисобланади.

Шунингдек, бугунги кунда давлат органи хизматчилари томонидан содир этилган коррупцион жиноятлар учун маъмурий жавобгарликнинг белгиланганлиги ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг ошиши, фуқароларда давлат хизматига нисбатан ишончсизликнинг вужудга келиши ҳамда давлат хизматчиларида ҳуқуқбузарлик оқибатидан “қўрқув” ҳисси йўқолишига олиб келаётганлиги инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 193¹ ва 193²-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар учун фақат жиноий жавобгарлик белгилаш тизимини жорий этиш, **маъмурий қонунчиликдан ушбу ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик масаласини олиб ташлаш** таклиф этилади.

Миллий қонунчилигимизда порахўрлик жиноятлари субъекти сифатида мансабдор шахс атамасига хорижий давлат ва халқаро ташкилот мансабдор

⁹² Антикоррупционные реформы в Узбекистане (4-й раунд мониторинга в рамках Стамбульского плана действий по борьбе с коррупцией) // [Электронный ресурс]. URL: https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round_Monitoring-Report-2019-RUS.pdf

шахслари тушунчалари қўшилишининг ўзи улар жавобгарлигини тўлиқ қамраб олмайди. Шунга кўра, миллий ва хорижий давлат ҳамда халқаро оммавий ташкилот мансабдор шахслари тушунчаларини бир-биридан ажратган ҳолда ҳукуқий таъриф бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шу сабабли Жиноят кодексининг 8-бўлими мансабдор шахс тушунчаларига қуидагича таъриф бериш таклиф этилади:

Мансабдор шахс – доимий, вақтинча ёки маҳсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс.

Халқаро ташкилот мансабдор шахси – халқаро ташкилот номидан ҳаракат қилиш ваколати берилган бундай ташкилот ходимлари ёки ҳар қандай шахс.

Чет эл давлати мансабдор шахси – хорижий давлатинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида сайланадиган ёки тайинланадиган ҳар қандай лавозимни эгаллаб турган, шунингдек хорижий давлат, шу жумладан оммавий идора ёки оммавий корхона учун ҳар қандай оммавий функцияни ижро этувчи шахс.

Бундан ташқари, порахўрлик жинояти ўзининг турли кўринишлари эга коррупциявий қилмиш ҳисобланади. Соҳага оид халқаро стандартлар ва хорижий давлатлар тажрибасида порахўрликнинг бир кўриниши сифатида шахснинг ўз мавқеини, обърў-эътиборидан ғаразли мақсадларда бошка шахсларнинг манфаати йўли фойланган ҳолда мансабдор шахс ёки хизматчига таъсир кўрсатиши эвазига ҳар қандай кўринишда наф олиши учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Хусусан, БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси 20-моддасида хизмат лавозимининг сунистеъмол қилиниш деб номланиб, иштирокчи

давлатларга ушбу қилмишни жиноят сифатида имплементация қилиш тавсия этилган. Ёки, ушбу стандартни ўз қонунчилигига имплементация қилган Белгия Жиноят кодекси 247-моддаси, Ирландия “Коррупция түғрисида акти” 6-бандида, Литва Жиноят кодекси 226-моддаси, Руминия Жиноят кодекси 312-моддасида хизмат лавозимининг суиистеъмол қилиниш жиноятлари кўринишида белгиланган. Малайзия ва Белгия каби давлатлар қонунчилиги фақатгина мансабдор шахс томонидан содир этиладиган мавқени суиистеъмол қилиш учун жавобгарликни белгилаган.

Ёки, ИХТТ томонидан “Истанбул ҳаракатлар режаси” доирасида ўтказидган ўрганиш якунлари бўйича берилган тавсияларда ҳам мансаб мавқенини суиистеъмол қилиш жиноятини қонунчиликка киритиш лозимлиги кўрсатилган. Шунга кўра, Жиноят кодексига жиноятнинг янги тури шахснинг ўз мавқенини суиистеъмол қилишини таклиф қиласиз.

210²-модда. Шахснинг ўз мавқенини суиистеъмол қилиши

Ҳар қандай шахснинг ўзининг ҳақиқий ёки тахмин қилинган обрўсидан ёки муайян мансабдор шахсларга яқинлигидан фойдаланиши натижасида давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, чет эл давлат ташкилоти ёки халқаро оммавий ташкилот мансабдор шахсининг ўз хизмат фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳар қандай қарорни қабул қилишига манфаатдор шахснинг манфаатларини қўзлаган ҳолда таъсир кўрсатиши эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, бевосита ёки воситачи орқали ўзи ёки бошқа шахс учун мулкий ёки номулкий манфаатдор бўлиши, манфаатдор этишни сўраши ёхуд манфаатдор бўлиш ҳақидаги таклифни қабул қилиши.

Шунингдек, миллий қонунчилигимизда пора олиш-беришда воситачилик қилиш (ЖК 212-модда) жинояти фақатгина 210-211-моддаларида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишлар орқали содир этилиши назарда тутилган бўлиб, ЖКнинг 213-214-моддаларидағи жиноятларда воситачилик қилиш учун жавобгарлик белгиланмаган. Шунга кўра, кодекснинг ушбу моддаларида назарда тутилган жиноятларда

воситачилик қилиш қилмиши учун жавобгарлкини назарда тутувчи қўшимча ва ўргантиришлар киритилиши лозим бўлади.

Кўплаб хорижий давлатларнинг жиноят қонунчилиги, хусусан порахўрликка оид амалиётида порахўрлик қилмишининг спорт соҳасида содир этилишини алоҳида таркибли жиноят сифатида малакалаш қилинган ҳолда ва жавобгарлик ўрнатилганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Аммо, миллий амалиётимизда расмий спорт мусобақалари ёки мукофотланадиган танлов иштирокчиларини пора ёки ҳақ эвазига оғдириб олиш, яъни расмий спорт мусобақалари ёки мукофотланадиган танловларнинг иштирокчилари, мураббийлари, ҳакамлар, спорт гурухи раҳбарлари ва бошқа аъзолари ёки бундай тадбирларнинг ташкилотчиларига моддий бойликлар бериши ёхуд мулкий кўринишдаги бошқа ҳаракатларни амалга ошириши ҳисобига ғолибликни кўлга киритиши ёки бошқа тарзда ноқонуний равишида тадбир натижаларига таъсир кўрсатиш ҳаракатлари учун жиноий жавобгарликни белгиловчи нормалар мавжуд эмас.

Спорт соҳасини ривожлантириш, ундаги коррупциявий ҳолатларни олдини олиш ва камайтириш муҳим аҳамият касб этишини инобатга олган ҳолда ушбу соҳада содир этиладиган порахўрлик жиноятлари учун жавобгарликни алоҳида модда билан белгилаш ва жиноий жавобгарлик ўрнатиш ўз самарасини бермай қолмайди. Шунга қўра, Жиноят кодексига кўйидаги янги модда киритилиши таклиф этилади:

214²-модда Профессионал спорт ва мукофотланадиган танлов иштирокчилари ва ташкилотчиларини ҳақ эвазига оғдириб олиш

“Расмий спорт мусобақалари ёки мукофотланадиган танлов иштирокчиларини оғдириб олиш, яъни расмий спорт мусобақалари ёки мукофотланадиган танловларнинг иштирокчилари, мураббийлари, ҳакамлар, спорт гурухи раҳбарлари ва бошқа аъзолари ёки бундай тадбирларнинг ташкилотчиларига моддий бойликлар бериши ёхуд мулкий кўринишдаги бошқа ҳаракатларни амалга ошириши ҳисобига ғолибликни кўлга киритиши

ёки бошқа тарзда ноқонуний равища тадбир натижалариға таъсир кўрсатиши...”

Фикримизча, коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашда жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш энг муҳим омил ҳисобланади. Жазо чораларини кучайтириш ва унинг кескинлигини ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунда пора олганлик учун жазобгарликни пора беришга нисбатан ошириш, шунингдек, оғир ва ўта оғир коррупцияга оид жиноят билан судланган мансабдор шахсларни муддатидан илгари шартли озод қилишни тақиқлаш бўйича қонунчиликка тегишли ўзгартиришлар ижобий самара беради.

Порахўрликка оид қилмишларни малакалаш қилиш ва жавобгарлик масаласини ҳал этишда Жиноят кодекси билан бир қаторда Олий суди Пленуми қарори ҳам мавжуд бўлиб, ушбу ҳужжат Кодекс моддалари ва тушунчалари амалиётда қандай талқин этилиши ва қўлланишига оид кўрсатмалар бериб ўтилган. Соҳага оид хуқуқий ҳужжатлардан яна бири **Пленумининг 11.10.2017 йилдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида” 35-сонли Қарори бўлиб**, унда порахўрликка оид баъзи-бир кўрсатмалар мавжуд.

Хусусан, қарорнинг 22-бандида “mansabдор шахс томонидан у мансаб ваколати йўқлиги ёки ўз хизмат мавқеидан фойдалана олмаслиги туфайли аслида амалга ошира олмайдиган муайян ҳаракат (харакатсизлик) учун пул, қимматли қофоз ва бошқа моддий қимматликлар олиниши, унда мазкур қимматликларни эгаллашга нисбатан қасд мавжуд бўлган тақдирда, қилмиш фирибгарлик сифатида малакалаш қилиниши лозимлиги”⁹³ кўрсатилган.

Аммо, порахўрлик учун жиноий жавобгарликка оид ҳалқаро стандартлар ва хорижий давлатлар тажрибасида кўриб ўтганимиздек, нафақат пора олиш ва бериш, балки пора сўраш (талаб қилиш), таклиф

⁹³ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 11.10.2017 йилдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида” 35-сонли Қарори // [Электронный ресурс]. [URL:https://lex.uz/docs/3399888](https://lex.uz/docs/3399888)

қилиш, таклифни қабул қилиш, ваъда бериш каби ҳаракатлар ҳам тугалланган жиноят сифатида малакалаш қилинади.

Миллий қонунчилигимизда ҳам мансабдор шахснинг субъектив томонининг шакли ва усулидан қатъи назардан пора олишидаги ҳар қандай кўринишдаги хатти-ҳаракати ЖК 210-моддаси билан малакалаш қилиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шунга кўра, Пленум қарорининг мазкур 22-бандида назарла тутилган қилмиш фирибгарлик эмас, балки **пора олиш** сифатида малакалаш қилиниши лозим.

Шунингдек, мазкур банднинг 2-қисмида “агар шахс (шу жумладан мансаб ваколати йўқлиги ёки ўз хизмат мавқеидан фойдалана олмаслиги туфайли муайян ҳаракат (ҳаракатсизлик)ни аслида амалга ошира олмайдиган мансабдор шахс), гўёки мансабдор шахсга пора сифатида бериш учун пул ёки бошқа қимматликларни олиб, бироқ аслида бундай нияти бўлмасдан, уларни ўзлаштирса, фирибгарлик сифатида малакалаш қилиниши лозимлиги кўрсатилган. Юқорида таъкидлаганимиздек ушбу турдаги хатти-ҳаракатларни **пора олиш (ЖК 210-модда)** сифатида малакалаш қилиниши лозим.

Тушунтириш бериб ўтадиган бўлсак, мансабдор шахс томонидан пора олиш жинояти ЖК 15-моддасига кўра, оғир жиноят хисобланади. Бироқ, мансабдор шахснинг порани алдаш йўли, яъни фирибгарлик орқали қўлга киритишини ундан ҳам оғир ҳолат десак муболаға бўлмайди. Шунингдек, субъектив томондан мансабдор шахснинг қасди фирибгарликка йўналтирилган бўлсада, бошқа шахсдан олаётган мулкий манфаатдориги пора предмети эканлигини англаган ва билган бўлади. Бундан ташқари, объектив томондан мазкур қилмиш пора олиш билан бир-хил ҳолатда содир этилади ва мулкий манфаатдор этаётган шахс ушбу мулкни пора эканлигини, ўзининг юмуши битиши учун пора сифатида бераётганлигини англайди.

Мазкур ҳаракатларни мансабдор бўлмаган шахс томонидан амалга оширилиши худди шу хусусиятга эга, яъни бу ҳолатда ҳам шахс маълум

вазифани мансабдор шахс орқали амалга ошириши айтиб, мансабдорни мулкий манфаатдор этишини билдирган ҳолда шахсни алдайди.

Бундан ташқари, мазкур ҳолатда тергов жараёнида шахсларни қилмишини 210-моддадан 168-моддага, пора беришга далолат қилишдан фирибгарликка ўзгартиришга имкон яратади ва бу ҳолатлар тергов жараёнида коррупциявий хавф-хатарларни келтириб чиқариши мумкин.

Бугунги кун замонавий тенденцияда жиноий жавобгарликни либераллаштириш жиноят қонунчилигининг ажralmas қисми ҳисобланади. Бундан порахўрлик жиноятлари учун жавобгарлик масалалари ҳам четда қолмаган. Яъни, Жиноят кодексининг порахўрликка оид аксарият моддаларида (192⁹, 211-214-моддалар) шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилувчи енгилликлар назарда тутилган. Хусусан, 211-модда охирги кисмида “Башарти шахс жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, у жавобгарликдан озод этилиши” белгиланган.

Аммо, жиноят содир этилишида айбдор шахсларга бундай енгилик берилиши кўп ҳолларда суиистеъмол қилинишига олиб келади. Яъни, шахснинг порахўрлик қилмишини содир этганидан сўнг жиноят ҳақида хукуқни муҳофаза қилувчи органларга 30 сутка ичida хабар бериш қўплаб жиноятларнинг аниқланмай қолишига сабаб бўлади.

Чунки пора олган шахс пора берган шахснинг фойдасига ҳал қилиши лозим бўлган ишни (ишга қабул қилиш, кредит бериш, фермер хўжалиги ташкил қилиш учун ер ажратиш, ўқишга киритиш ва ҳ.к.) бир ой мобайнида эмас, бир неча ой мобайнида, қолаверса, ана ҳал бўляпти, мана ҳал бўляпти деб бир йил ҳам чўзиши мумкин. Агар пора олган шахс пора берган шахснинг ишини ижобий ҳал қилиб бермаса, табиийки, пора берган ва пора олиш-беришда воситачилик қилган шахслар пора предметини (пул, чет эл валютаси, моддий бойлик ва ҳ.к.) қайтариб беришни талаб қилади, пора олган шахс эса пулни бермайди, пора берган шахс эса тегишли органга арз

қиласан дейди, пора олган шахс эса пул берганингдан кейин бир ой мобайнида арз қилишинг керак эди, ҳозир арз қилсанг ўзинг ҳам жавобгар бўласан, яхшиси кутгин, қачон топсам пулингни бераман деб алдаб юраверади. Пора берган шахс оқибатни ўйлаб арз қилмайди, порахўр эса порахўрлик фаолиятини авж олдираверади.

Шунга кўра, мазкур нормани қўйидаги таҳрирда баён қилиш таклиф этилади:

“..... шахс жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда уч сутка ичида, бироқ бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга маълум бўлгунга қадар, ўз ихтиёри билан арз қилса, чин қўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, у жавобгарликдан озод этилади.”

Бу каби ўзгартиришларни Жиноят кодексининг порахўрликка оид мазкур турдаги нормалари мавжуд барча моддаларга киритиш лозим бўлади.

Бундан ташқари, пора олиш-беришда воситачилик қилиш жинояти ЖКнинг 212-моддаси 3-қисми а) банди, яъни “**ҳақ эвазига**”⁹⁴ содир этилса, оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланиб, ўн йилдан ўн беш йилгacha озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Пора олиш-беришда воситачилик қилиш жиноятини ҳақ эвазига содир этиш билан баҳолашда олинган ҳақнинг миқдорига қаралган ҳолда малакалаш қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Яъни, олинган наф жуда оз миқдорда бўлган тақдирда ҳаракат модданинг биринчи қисми билан малакаланиши лозим. Чунки жиноятдан “наф кўрганлар”нинг асосийлари қолиб, атиги арзимаган пул учун шахснинг оғир жазоланиши одиллик принципининг бузилиши ҳисобланади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, порахўрлик жиноятлари бўйича хорижий давлатлар жиноят қонунчилигини қиёсий таҳлил қилиш миллий қонунчилик нормаларини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

⁹⁴ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси [Электрон манба] <https://lex.uz/docs/111453>

Порахўрлик жиноятлари учун жавобгарлик хорижий давлатлар амалиётида турли кўринишларда белгиланган бўлсада, асосий эътибор ушбу соҳадаги халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилишга қаратилган.

Шунингдек, ушбу турдаги жиноятлар учун жавобгарликни белгилашдаги хоридий давлатлар тажрибасининг қиёсий-хуқуқий таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, амалдаги жиноят қонунчилигимизда қамраб олинмаган порахўрликка оид қилмишлар ёки уларнинг баъзи-бир элементлари криминализация қилиниши, порахўрлик жинояти субъектлари аниқ доираси аниқ белгиланиши керак. Чунки, соҳага оид халқаро стандартлар ва халқаро ташкилотларнинг тавсияларини миллий қонунчиликка тўлиқ татбиқ қилиш давлатнинг халқаро миқёсдаги ўрнини белгилашда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши табиий.

ХУЛОСА

Порахўрликка оид қилмишларнинг жиноят-хуқуқий жиҳатлари, соҳага оид миллий, хорижий ва халқаро қонунчилик нормаларининг қиёсий-хуқуқий таҳлили қуидаги хулосалар қилиш имконини берди:

I. Илмий-назарий хулосалар

1. Номулкий наф тушунчасига қуидагича муаллифлик таърифи берилди: “Номулкий наф - шахснинг мулкий ҳолатини яхшилашга (ошириш) қаратилмаган, унинг шахсий (кундалик) эҳтиёжларни қондиришга йўналтирилган, ҳар қандай кўринишдаги моддий тусга эга бўлмаган хизматлар.”

2. Жиноят кодексининг 8-бўлимини “пора” тушунчаси ва унинг қуидагича шаклдаги ҳуқуқий таърифи билан тўлдириш лозим:

“Пора – мулкий, яъни пул, қимматбаҳо қофозлар, моддий бойликлар, шунингдек, пора оладиганга қайтармаслик шарти билан, лекин моддий моҳиятга молик бўлган (масалан, таъмирлаш, қурилиш, қайта тиклаш ишларини бажариш ва бошқалар) хизматлар, шунингдек номулкий, яъни мулкий ҳолатини яхшилашга (ошириш) қаратилмаган, шахсий (кундалик) эҳтиёжларни қондиришга йўналтирилган, ҳар қандай кўринишдаги номоддий кўринишдаги хизматлар.”

3. Халқаро стандартлар талабарини инобатга олиб, жиноят қонунчилигида миллий ва хорижий давлат ҳамда халқаро оммавий ташкилот мансабдор шахслари тушунчаларини бир-биридан ажратган ҳолда қуидаги таҳрирда ҳуқуқий таъриф бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Мансабдор шахс – доимий, вақтинча ёки маҳсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини

амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс.

Халқаро ташкилот мансабдор шахси – халқаро ташкилотда, шунингдек халқаро суд органлари ва халқаро ҳамда миллатлараро ташкилотларнинг парламент ассамблеяларида ёки халқаро ташкилот номидан ҳаракат қилиш ваколати берилган бундай ташкилот ходимлари ёки ҳар қандай шахс.

Чет эл давлати мансабдор шахси – хорижий давлатинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида сайланадиган ёки тайинланадиган ҳар қандай лавозимни эгаллаб турган, шунингдек хорижий давлат, шу жумладан оммавий идора ёки оммавий корхона учун ташкилий бошқарув, маъмурий иқтисодий ёки бошқа ҳар қандай функцияларни бажарувчи шахс.

II. Қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар

1. Жиноят кодексининг 192⁹ -192¹⁰ ҳамда 210- 214-моддаларида назарда тутилган пораҳўрлик жиноятлари учун жавобгарликнинг субъектлар доирасини қайта белгилаб олган ҳолда, хорижий давлат ва халқаро оммавий ташкилот мансабдор шахслари ёки хизматчилари билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган актив ва пассив пораҳўрлик учун жиноий жавобгарлик масаласини ҳал этишни ЖҚнинг мавжуд моддаларига тегишли ўзgartириш киритиш ёки алоҳида янги модда билан тўлдириш орқали бартараф этиш лозим бўлади.

2. Жиноят кодексининг пораҳўрликка оид нормалари диспозициясига пора олиш, пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар бошқа жисмоний ва юридик шахслар манфаатини кўзлаган ҳолда содир этилишини назарда тутувчи ўзgartириш ёки қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

3. Халқаро стандартлар ва хорижий давлатлар тажрибасига асосланган ҳолда пора олиш ва пора беришдан ташқари пора таклиф қилиш, пора беришни ваъда қилиш, пора сўраш ва пора ҳақидаги таклифни қабул

қилиш каби ҳаракатларни ҳам тугалланган жиноят сифатида эътироф этишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Сабаби, бу каби қилмишлар ўз тавсифига кўра тугалланган пора олиш ва бериш жиноятлари каби ижтимоий хавфли ҳисобланади.

4. Жиноят кодексининг 192⁹-192¹⁰ ва 213-214-моддаларини халқаро стандартларга тўлиқ мослаштиришимиз учун улар диспозициясига пора предметини шахсан (бевосита) ўзи ёки воситачилар орқали олишини назарда тутувчи қўшимча киритиш лозим бўлади.

5. Порахўрлик жиноятларини (Жиноят кодекси 192¹⁰ ва 213-214-моддалар) қисман криминализация қилган ҳолда, яъни улар диспозициясидан маъмурий прюдикцияни олиб ташлаб, қилмиш учун тўғридан-тўғри жиноий жавобгарлик белгиланиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 193¹ ва 193²-моддаларида назарда тутилган ҳукуқбузарликлар учун фақат жиноий жавобгарлик белгилаш тизимини жорий этиш, маъмурий қонунчиликдан ушбу ҳукуқбузарликлар учун жавобгарлик масаласини олиб ташлаш таклиф этилади.

7. Жиноят кодексининг порахўрлик учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари диспозициясига тегишлича ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали номулкий характердаги манфаатдорлик учун ҳам жиноий жавобгарлик белгиланиши назарда тутилиши лозим.

8. Жиноят кодексига порахўрлик жиноятининг янги тури шахснинг ўз мавқеини сущистеъмол қилиши учун жавобгарликни назарда тутувчи модда киритилишини таклиф қиласиз:

210²-модда. Шахснинг ўз мавқеини сущистеъмол қилиши

Ҳар қандай шахснинг ўзининг ҳақиқий ёки тахмин қилинган обрўсидан ёки муайян мансабдор шахсларга яқинлигидан фойдаланиши мулкий ёки номулкий манфаатдор бўлиши, манфаатдор этишини сўраши ёхуд манфаатдор бўлиш ҳақидаги таклифни қабул қилиши.

Хар қандай шахсга мазкур шахс ўзининг ҳақиқий ёки тахмин қилинган обрўсидан ёки муайян мансабдор шахсларга яқинлигидан фойдаланиши мулкий ёки номулкий манфаатдор этиш, манфаатдор бўлишни таклиф қилиш, манфаатдор этишни ваъда қилиш ёхуд манфаатдор этиш ҳақидаги таклифни қабул қилиш...”

9. Хорижий давлатлар тажрибасида кўрганимиздек, спорт соҳасида содир этиладиган порахўрлик қилмиши алоҳида таркибли жиноят сифатида ўрнатилган. Шунга кўра, Жиноят кодексига қўйидаги янги модда киритилиши таклиф этилади:

214²-модда Профессионал спорт ва мукофотланадиган танлов иштирокчилари ва ташкилотчиларини ҳақ эвазига оғдириб олиш

“Расмий спорт мусобақалари ёки мукофотланадиган танлов иштирокчиларини оғдириб олиш, яъни расмий спорт мусобақалари ёки мукофотланадиган танловларнинг иштирокчилари, мураббийлари, ҳакамлар, спорт гурӯҳи раҳбарлари ва бошқа аъзолари ёки бундай тадбирларнинг ташкилотчиларига моддий бойликлар бериши ёхуд мулкий кўринишдаги бошқа ҳаракатларни амалга ошириши ҳисобига ғолибликни қўлга киритиши ёки бошқа тарзда ноқонуний равишида тадбир натижаларига таъсир кўрсатиши...”

10. Шунингдек, Жиноят кодексининг пора олиш хатти-ҳаракати (пассив порахўрлик) билан боғлиқ моддалари (192⁹, 210 ва 214-моддалар) оғирлаштирувчи ҳолатларининг “тамагирлик йўли билан” содир этиш деб номланган бандларини “тovламачилик” кўриниши ўзгартириш таклиф этилади.

11. Жиноят кодексининг 192⁹-192¹⁰ ҳамда 214-моддалари санция силларига 210-модда сингари “муайян ҳукуқдан маҳрум қилиш” кўшимча жиноий жазоси киритилиши лозим бўлади.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 11.10.2017 йилдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида” 35-

сонли Қарорининг 22-бандида назарда тутилган қилмиш фирибгарлик эмас, балки пора олиш сифатида баҳоланиши лозим.

13. Жиноят кодексининг порахўрликка оид моддаларида (192⁹, 211-ва 214-моддалар) шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилувчи енгилликлар мавжуд бўлиб, моддаларнинг ушбу қисмлари қўйидаги таҳрирда баён қилиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

“..... шахс жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда уч сутка ичидан, бироқ бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга маълум бўлгунга қадар, ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, у жавобгарликдан озод этилади.”

14. Пора олиш-беришда воситачилик қилиш жинояти ЖКнинг 212-моддаси 3-қисми а) банди, яъни “ҳақ эвазига” содир этилган тақдирда, қилмишни олинган ҳақнинг миқдорига қаралган ҳолда квалификация қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Агар олинган наф жуда оз миқдорда бўлса, ҳаракат модданинг биринчи қисми билан малакаланиши лозим.

15. Пора олганлик учун жазобгарликни пора беришга нисбатан ошириш, шунингдек, оғир ва ўта оғир коррупцияга оид жиноят билан судланган мансабдор шахсларни муддатидан илгари шартли озод қилишни тақиқлаш бўйича қонунчиликка тегишли ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Раҳбарий адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 52 б.
2. Mirziyoev Sh.M. Tanqidiy tahlil, qat’iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo‘lishi kerak. – T.: O‘zbekiston, 2017. – 104 b.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 25.01.2020 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // [Электрон манба]. <https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkatmirziyeevning-oliy-25-01-2020>.

II. Норматив-хуқуқий хужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/20596>
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/111453>
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // [Электрон манба]. URL: <https://www.lex.uz/acts/111460>
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/97664>
5. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сонли Қонуни // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/3088008>.
6. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 июлдаги “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги Қонуни // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/1369505.83>
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2752-сонли қарори // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/3105125>
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5729-сонли фармони // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/4355387>.
10. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 19-сонли қарори // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/111453>

III. Халқаро-хуқуқий хужжатлар

1. Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции (Принята резолюцией 58/4 Генеральной Ассамблеи от 31 октября 2003 года) // [Электронный ресурс]. URL: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/corruption.shtml
2. Конвенция об уголовной ответственности за коррупцию (Страсбург, 27 января 1999 года) // [Электронный ресурс]. URL: <https://www.coe.int/ru/web/conventions/full-list/-/conventions/rms/090000168007f58c>
3. Конвенция о борьбе с дачей взяток иностранным государственным должностным лицам при осуществлении международных деловых операций (Принята Конференцией полномочных представителей стран - членов ОЭСР 21 ноября 1997 года) // [Электронный ресурс]. URL: <http://docs.cntd.ru/document/90193498984>
4. Кодекс поведения должностных лиц по поддержанию правопорядка (Принят резолюцией 34/169 Генеральной Ассамблеи ООН от 17 декабря 1979 года) // [Электронный ресурс]. URL: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/code_of_conduct.shtml
5. Конвенция о гражданско-правовой ответственности за коррупцию (Страсбург, 4 ноября 1999 года) // [Электронный ресурс]. URL: <https://www.coe.int/ru/web/conventions/full-list/-/conventions/rms/090000168007f58c>

IV. Хорижий мамлакатлар қонун хужжатлари:

1. Criminal Code of the Slovak Republic (2005) // [Electronic resource] URL: https://www.legislationonline.org/download/id/8240/file/Belgium_CC_1867_am2018_fr.pdf
2. Penal Code of Estonia (amended 2016) // [Electronic resource] URL: https://www.legislationonline.org/download/id/9098/file/EST_CC_as%20of%20May%202021.pdf
3. Penal Code of Japan (amended 2021) // [Electronic resource] URL: <http://www.japaneselawtranslation.go.jp/law/detail/?id=3581&vm=04&re=01>
4. Republic of Korea: Criminal Code [Republic of Korea], 3 October 1953 // [Electronic resource] URL: <https://www.refworld.org/docid/3f49e3ed4.html> [accessed 7 May 2020]
5. Criminal Justice (Corruption Offences) Act 2018 (enacted on 5th June 2018) // [Electronic resource] URL: <http://www.irishstatutebook.ie/eli/2018/act/9/enacted/en/html>
6. Criminal Code of the Kingdom of Spain (1995, as of 2013) (English version) // [Electronic resource] URL: https://www.legislationonline.org/download/id/6443/file/Spain_CC_am2013_en.pdf
7. The Indian Penal Code, 1860 // [Electronic resource] URL: https://www.indiacode.nic.in/show-data?actid=AC_CEN_5_23_00037_186045_1523266765688§ionId=45919§ionno=171_B&orderno=189
8. Criminal Code of Lithuania (2000, amended 2017) (English version) // [Electronic resource] URL: https://www.legislationonline.org/download/id/8272/file/Lithuania_CC_2000_am2017_en.pdf
9. Código Penal de Chile // [Electronic resource] URL: <https://www.leychile.cl/Navegar?idNorma=1984>

10. Title 18 of the United States Code – Crimes And Criminal Procedure // [Electronic resource] URL: <https://uscode.house.gov/browse/prelim@title18&edition=prelim>
11. Criminal code of Canada (1989, as of 2019) // [Electronic resource] URL: <https://laws-lois.justice.gc.ca/eng/acts/c-46/page-30.html#h-117813>
12. Cap. 201 Prevention of Bribery Ordinance // [Electronic resource] URL: <https://oelawhk.lib.hku.hk/items/show/2838>
13. Prevention of Corruption Act (Chapter 241) (Original Enactment: Ordinance 39 of 1960) Revised edition 1993 // [Electronic resource] URL: <https://sso.agc.gov.sg/Act/PCA1960>
14. Malaysian Anti-Corruption Commission Act 2009 (As at 1 June 2015) // [Electronic resource] URL: [http://www.agc.gov.my/agcportal/uploads/files/Publications/LOM/EN/Act%20694%20%20\(15_5_2015\).pdf](http://www.agc.gov.my/agcportal/uploads/files/Publications/LOM/EN/Act%20694%20%20(15_5_2015).pdf)
15. Criminal code of the Republic of Albania (1995, amended 2017) // [Electronic resource] URL: https://www.legislationline.org/download/id/8235/file/Albania_CC_1995_am2017_en.pdf
16. The Criminal code of the Swiss Confederation (1937, as of July 2020) // [Electronic resource] URL: https://www.legislationline.org/download/id/8991/file/SWITZ_Criminal%20Code_as%20of%202020-07-01.pdf
17. Criminal code of the Argentine Nation Law // [Electronic resource] URL: [https://www.policinglaw.info/assets/downloads/1984_Criminal_Code_\(as_amended\)_\(_English_translation\).docx](https://www.policinglaw.info/assets/downloads/1984_Criminal_Code_(as_amended)_(_English_translation).docx)
18. Уголовный кодекс Республики Казахстан (Принят 3 июля 2014 года) // [Электронный ресурс] URL: https://online.zakon.kz/document/?doc_id=31575252#pos=5;-106 (дата обращения: 07.05.2020).
19. Criminal code of the Republic of Armenia (amended 2003) // [Electronic resource] <https://www.legislationline.org/documents/action/popup/id/8872/preview>
20. Penal code of Turkey (amended 2016) // [Electronic resource] URL: https://www.legislationline.org/download/id/6453/file/Turkey_CC_2004_am2016_en.pdf
21. Criminal code of the Republic of Croatia (amended 2011) // [Electronic resource] URL: https://www.legislationline.org/download/id/7896/file/Croatia_Criminal_Code_2011_en.pdf
22. Criminal code of the Republic of Finland (amended 2015) // [Electronic resource] URL: https://www.legislationline.org/download/id/6375/file/Finland_CC_1889_am2015_en.pdf
23. Penal code of the Kingdom of Norway (2005, as of April 2021) // [Electronic resource] URL: https://www.legislationline.org/download/id/9055/file/Norway_Penal%20Code.pdf
24. Criminal code of the Federal Republic of Germany (1971, as of April 2019) // [Electronic resource] URL: https://www.legislationline.org/download/id/6115/file/Germany_CC_am2013_en.pdf

V. Халқаро ташкилотларнинг тавсиялари

1. Антикоррупционные реформы в Узбекистане (4-й раунд мониторинга в рамках Стамбульского плана действий по борьбе с коррупцией) // [Электронный ресурс].

URL: https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round_Monitoring-Report-2019-RUS.pdf

2. ОЭСР (2016), Итоговый доклад «Реформы в сфере борьбы с коррупцией в странах Восточной Европы и Центральной Азии. Достижения и проблемы, 2013-2015 гг.» // [Электронный ресурс] URL: <https://www.oecd.org/corruption/acn/Anti-Corruption-Reforms-Eastern-EuropeCentral-Asia-RUS.pdf>

3. Legislative guide for the implementation of the United Nations Convention against Corruption (New York, 2006). // [Electronic resource] URL: https://www.unodc.org/pdf/corruption/CoC_LegislativeGuide.pdf

4. Corruption: A Glossary of International Criminal Standards // [Electronic resource]. URL: <https://www.oecd.org/daf/anti-bribery/41194428.pdf>

5. Interpretative notes for the official records (travaux préparatoires) of the negotiation of the United Nations Convention against Corruption (Addendum) // Report of the Ad Hoc Committee for the Negotiation of a Convention against Corruption on the work of its first to seventh sessions (A/58/422/Add.1) // [Electronic resource]. URL: https://www.unodc.org/pdf/crime/convention_corruption/session_7/422add1.pdf87

6. Коррупция: Глоссарий международных стандартов в области уголовного права (ОЭСР, 2007) // [Электронный ресурс]. URL: <https://www.oecd.org/daf/anti-bribery/41194582.pdf>

7. CPI 2019 Global Highlights // [Electronic resource]. URL: <https://www.transparency.org/cpi2019?news/feature/cpi-2019>

VI. Монография, ўқув адабиётлари ва тўпламлар:

1. Бердиев А.Т., Хайдаров М.М., Кускаров Т.Р. Коррупция жиноятлари учун жавобгарлик: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. -152 б.

2. Отажонов А.А. Бошқарув тартибига қарши коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарлик: Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. -58 б.

3. Зуфаров Р.А., Ахрапов Б.Ж., Мирзаев У.М. Коррупция. Қонун. Жавобгарлик. Монография //Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2011. – 168 бет.

4. Зуфаров Р.А. Порахурлик учун жиноий жавобгарлик. Монография. – Т.: ТДЮИ, 2004.

5. Соттиев И.А., Ҳамраев С.И. Коррупция билан боғлиқ жиноятларни ҳуқуқий баҳолаш: Ўқув-амалий қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2008. – 72 б.

6. Максимов С. В. Коррупция. Закон. Ответственность. М. 2008. С. 116.

7. Хрестоматия государства и права зарубежных стран. Древность и Средние века / сост. В. А. Томсинов. — М.: Зерцало, 1999; 2004. — С. 56.

8. Таблица IX. 3. Авл. Гелий / Законы XII таблиц. Хрестоматия по истории государства и права зарубежных стран / под ред. В. А. Томсина. — М.: Зерцало, 1999. С. 120

9. Макиавелли Н. Избранное. — М., 1989. — С. 78-79.

10. Bardhan P. Corruption and development: a review of issues. — In: Political corruption: concepts and contexts / Ed. Heidenheimer A. J., Johnston M. 3rd ed. New Brunswick, NJ: Transaction, 2002. — ISBN 978-0-7658-0761-8 — P. 331.
11. Bardhan P. Corruption and development: a review of issues. — In: Political corruption: concepts and contexts / Ed. Heidenheimer A. J., Johnston M. 3rd ed. New Brunswick, NJ: Transaction, 2002. — ISBN 978-0-7658-0761-8 — P. 331.
12. Glaeser E. L., Goldin C. Corruption and reform: an introduction (англ.) // NBER Working Paper 10775. 2004.
13. См., например: Кириченко В.Ф., Бойцов Б.В. Взяточничество // Уголовная ответственность за хищения государственного или общественного имущества, хозяйствственные преступления и взяточничество. - М., 1967 г., - С. 184;
14. Гельфанд И.А. Хозяйственные и должностные преступления в сельском хозяйстве. - Киев, 1970. - С. 227.,
15. Квициниа А.К. Должностные преступления: уголовно-правовые и криминологические аспекты. - Тбилиси, 1988. - С. 153;
16. Ляпунов Ю.И. Корыстные правонарушения нетерпимы. - М., 1989. - С. 84.
17. Волженкин Б.В. Служебные преступления. - М.: Юристъ, 2000. С. 193
18. См.: Качмазов О.Х. Ответственность за взяточничество по Российскому уголовному праву. Владикавказ: Иристон. 2000. С. 30.
19. См. Клепицкий И.А., Резанов В.И. Получение взятки в уголовном праве России. Комментарий законодательства. М.: Издательский центр АРИНА, 2001.
20. М.Х.Рустамбаев “Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси” 4-том. Дарслик. Т.:Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Харбий-техника институти, 2018. 390-бет
21. Основы борьбы с организованной преступностью: Монография / Под ред. В.С. Овчинского. – М.: ИНФРА-М, 1997. – 92 с.
22. Зуфаров Р. Порахўрлик – коррупция негизи // Давлат ва ҳуқуқ. – 2000. № 4. – 41 б.
23. Лунеев В. В. Преступность XX века: мировые, региональные и российские тенденции / М.: Волтерс Клювер, 2005. С. 212.
24. Кадыков В.М. Некоторые проблемы коренной трансформации экономического механизма и криминализации российской экономики // Проблемы борьбы с преступностью, охраны прав и законных интересов граждан в условиях перехода к рыночной экономике. – М., 1996. – С.85-94.
25. Алауханов Е.О., Турсынбаев Д.Е. Борьба с коррупцией в государственных органах Республики Казахстан: учебное пособие / Под ред. Е.О.Алауханова. – Алматы: КазАТК, 2008. – 287 с.
26. Абдурасулова Қ.Р. Жиноятнинг маҳсус субъекти. Ўқув қўлланма. - Тошкент: ТДЮИ, 2005. – Б. 6.
27. Кабанов П.А. Коррупция и взяточничество в России: исторические, криминологические и уголовно-правовые аспекты. – Нижнекамск: Гузель, 1995. – 32 с.

28. Жиноят хуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. / М.А.Абдухолиқов, Б.Д.Ахаров ва бошқ. М.Усмоналиев умумий таҳрири остида. – Тошкент: Адолат, 1998.
29. Ағыбаев А. Н. Ответственность должностных лиц за служебные преступления.— Алматы: Жеті жарғы, 1997.
30. Мельникова К.Е. Должностные преступления. Вопросы уголовноправовой квалификации. – М.: ВЮЗИ, 1985.89
31. Проблемы борьбы с коррупционными преступлениями: Учебное пособие // С. Б. Коваленко, М. Т. Кожамкулов, Ж. В. Он- гарбекова, А. С. Рахметова.— Алматы: ООНИ и РИР Академии МВД РК, 2004. С. 89. VII.

VII. Диссертациялар ва авторефератлар:

1. Ахаров Б.Д. Бошқарув тартибиға қарши мансабдорлик жинояллари учун жавобгарлик муаммолари: Юрид. фан. докт. ...диссертация. – Т., 2008. –348 б.
2. Бабаев А.А. Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигини таъминлашда коррупцияга қарши курашнинг аҳамияти ва хуқуқий жиҳатлари. – Магистрлик диссертацияси. – Т.: 2009, 85 б.
3. Ахаров Б.Д. Бошқарув тартибиға қарши мансабдорлик жинояллари учун жавобгарлик муаммолари: Юрид. фан. докт. ... дис. автореф. – Тошкент, 2008. – 39 б.
4. Стренин А.С. Корыстные злоупотребления по службе (хищения, взяточничество, злоупотребление служебным положением, уголовноправовая характеристика и проблемы квалификации. Автореф.дисс.док.юр.наук. М. 1991.
5. Кузнецова О.А. Коррупционная деятельность: криминологический и уголовно-правовой аспекты. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. Тамбов 2007, 46 с. 90
6. Танцюра М.А Характеристика элементов состава преступления «получение взятки» <file:///C:/Users/net8/Desktop/harakteristika-elementov-sostava-prestupleniya-poluchenie-vzyatki.pdf>
7. Шишкарёв С.Н. Правовой порядок в сфере противодействия коррупции: теоретико-правовое исследование. Авто.дис. на соискание ученой степени доктора юридических наук Москва-2010, 53 с.

VIII. Илмий-мақола ва тезислар:

1. Коленко Е. Иституциональные механизмы борьбы с коррупцией в Республике Узбекистан // Материалы международно-практического семинара на тему «Проблемы борьбы с коррупцией: национальный и международный опыт». -Ташкент: Chashma Print, ст.110-118.
2. Сайдов А.Х. Сравнительное правоведение (основные правовые системы современности): Учебник для вузов. - М., 2000. - Ст. 36-37
3. Абдурасулов Қ.Р. Коррупция жинояччилигининг умумий тавсифи, сабаблари ва олдини олиш // ProAcademy №4, 2018. -5-8-бетлар
4. Абдурасурова Қ., Қурбонов О. Коррупция: Асосий тушунча ва шакллари (рисола). – Т.: Фалсафа ва хуқуқ институти, 2009. – Б. 58-62.
5. Katz, Karen, Here Comes the Bribe: Canada's efforts to Combat Corruption in International Business, 69 Adv. 501 (2011).

6. Dinsha Mistree and Arjuna Dibley, Corruption and the Paradox of Transparency, Working Paper 03-2018, April 18, 2018.
7. Rose-Ackerman, Susan, and Bonnie J. Palifka (2016). Corruption and Government: Causes, Consequences, and Reform, second edition. Cambridge: Cambridge University Press.
8. Bussell, J. (2015) Greed, Corruption, and the Modern State Essays in Political Economy. Edward Elgar, London, 22-32.
9. Волженкин Б.В. Коррупция и уголовный закон. // Правоведение, 1991, №6. С.62-65.
10. Степанов В. «Обычный подарок» или обычная взятка?//Российская юстиция. - 2000. - №4. - С. 1
11. Светлов А.Я.Борьба с должностными злоупотреблениями. Ст-108-110.
12. Купратая А. В. Понятие и виды коррупционных правонарушений // Актуальные проблемы права, экономики и управления. 2016. № 12. С.133.
13. Мельникова В.Е., Ответственность за взяточничество. - М., 1982. - С. 5;
14. Авдеев В.А., Авдеева О.А. Стратегические направления противодействия коррупции в РФ // Российская юстиция. 2016. № 7. С. 19– 21.
15. Луцев В.В. Коррупция, учтенная и фактическая // Государство и право. – Москва, 1996. - № 8.– Б. 79-83.
16. Михайлов Л.В. Борьба с коррупцией в США (80-е годы) // Вопросы истории. – 1994. - №5. – С. 7-11.
17. Сирожев Ж. Коррупция: унинг тарихий илдизлари, коррупцияга қарши кураш усуслари //http://surxondaryo.adliya.uz/surxondaryo/uz/publikatsii/korupciya/?ELEMENT_ID=24676
18. 15. Лопашенко Н. А. Противодействие российской коррупции: обоснованность и достаточность уголовно-правовых мер // Следователь. 2009. № 6. С.35– 40.
19. Илий С. К. Административные правонарушения коррупционной направленности // Административное и муниципальное право. 2015. № 5. С.462.

IX. Интернет ресурслари

1. <http://lex.uz>
2. <http://norma.uz>
3. <http://proacademy.uz>
4. <http://constitution.uz/uz>
5. <http://www.transparency.org>
6. <http://qomus.info>
7. <http://uzjournals.edu>
8. <http://lawlibrary.ru>
9. <http://www.consultant.ru>

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОнуни
ПОРАХЎРЛИК ЖИНОЯТЛАРИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ЧОРАЛАРИ
КУЧАЙТИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНинг АЙРИМ ҚОнун ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА
ҚўШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА**

Қонунчилик палатаси томонидан ____ да қабул қилинган

Сенат томонидан ____ да маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204- модда) қўйидаги қўшимча ва ўзгаришлар киритилсин:

1) 192⁹ -моддаси:

биринчи қисми диспозицияси қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Нодавлат тижорат ташкилоти, бошқа нодавлат ташкилоти ёки хорижий нодавлат ташкилотининг мансабдор шахсини мазкур мансабдор шахснинг ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс ёки бошқа шахс(лар)нинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, бевосита ёки воситачи орқали мулкий ёки номулкий манфаатдор этиш, манфаатдор бўлишни таклиф қилиш, манфаатдор этишни ваъда қилиш ёхуд манфаатдор этиш ҳақидаги таклифни қабул қилиш, —

иккинчи қисми диспозицияси қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

Нодавлат тижорат ташкилоти, бошқа нодавлат ташкилоти ёки хорижий нодавлат ташкилоти мансабдор шахсининг ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс ёки бошқа шахс(лар)нинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги

эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, бевосита ёки воситачи орқали ўзи ёки бошқа шахс(лар) учун моддий ёки номоддий қимматликлар олиши ёхуд мулкий ёки номулкий манфаатдор бўлиши, манфаатдор этишни сўраши (талақ қилиши) ёхуд манфаатдор бўлиш ҳақидаги таклифни қабул қилиши, —

санкциясидаги “ёхуд” деган сўздан сўнг “муайян ҳукуқдан маҳрум этилган ҳолда,” деган сўзлар билан тўлдирилсин;

олтинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

Башарти шахс жиной ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда уч сутка ичидা, бироқ бу ҳақда ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларга маълум бўлгунга қадар, ўз ихтиёри билан арз қиласа, чин қўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очища фаол ёрдам берган бўлса, у жавобгарликдан озод этилади.”

2) 192¹⁰ –моддаси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ёки хорижий нодавлат ташкилотининг хизматчисини *пора* эвазига оғдириб олиш

биринчи қисми диспозицияси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Нодавлат тижорат ташкилоти, бошқа нодавлат ташкилоти ёки хорижий нодавлат ташкилотининг хизматчисини мазкур хизматчининг ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс ёки бошқа шахс(лар) манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, бевосита ёки воситачи орқали ўзи ёки бошқа шахс(лар) учун мулкий ёки номулкий манфаатдор этиш, манфаатдор бўлишни таклиф қилиш, манфаатдор этишни ваъда қилиш ёхуд манфаатдор этиш ҳақидаги таклифни қабул қилиш

иккинчи қисми диспозицияси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

Нодавлат тижорат ташкилоти, бошқа нодавлат ташкилоти ёки хорижий нодавлат ташкилоти хизматчисининг ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс ёки бошқа шахс(лар) манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, бевосита ёки воситачи орқали ўзи ёки бошқа шахс(лар) учун мулкий ёки номулкий манфаатдор бўлиши, манфаатдор этишни сўраши (талақ қилиши) ёки манфаатдор бўлиш ҳақидаги таклифни қабул қилиш —

санкциясидаги “ёхуд” деган сўздан сўнг “муайян ҳукуқдан маҳрум этилган ҳолда,” деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги учинчи қисм билан тўлдирилсин:

Башарти шахс жиной ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда уч сутка ичидা, бироқ бу ҳақда ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларга маълум бўлгунга қадар, ўз ихтиёри билан арз қиласа, чин қўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очища фаол ёрдам берган бўлса, у жавобгарликдан озод этилади.”

3) 210-модда:

биринчи қисми диспозицияси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

Пора олиш, пора сўраш (талақ қилиш) ёки пора олиш ҳақидаги таклифни қабул қилиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, хорижий давлат ёки халқаро оммавий ташкилот мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган ёки бошқа шахс(лар)нинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки

бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, ўзи ёки бошқа шахс(лар) учун мулкий ёки номулкий манфаатдор бўлиши —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

4) қуидаги мазмундаги 210¹-модда билан тўлдирилсин:

«210¹-модда. Шахснинг ўз мавқеини сунистеъмол қилиши

Ҳар қандай шахснинг ўзининг ҳақиқий ёки тахмин қилинган обрўсидан ёки муайян мансабдор шахсларга яқинлигидан фойдаланиши натижасида давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, хорижий давлат ёки халқаро оммавий ташкилот мансабдор шахсининг ўз хизмат фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳар қандай қарорни қабул қилишига манфаатдор шахснинг манфаатларини кўзлаган ҳолда таъсир кўрсатиши эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, бевосита ёки воситачи орқали ўзи ёки бошқа(лар) учун мулкий ёки номулкий манфаатдор бўлиши, манфаатдор этишни сўраши ёхуд манфаатдор бўлиш ҳақидаги таклифни қабул қилиши, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан саксон бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ҳар қандай шахсга мазкур шахс ўзининг ҳақиқий ёки тахмин қилинган обрўсидан ёки муайян мансабдор шахсларга яқинлигидан фойдаланиши натижасида давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, хорижий давлат ёки халқаро оммавий ташкилот мансабдор шахсининг ўз хизмат фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳар қандай қарорни қабул қилишига манфаатдор шахснинг манфаатларини кўзлаган ҳолда таъсир кўрсатиши эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, бевосита ёки воситачи орқали уни ёки бошқа шахс(лар)ни мулкий ёки номулкий манфаатдор этиш, манфаатдор бўлишни таклиф қилиш, манфаатдор этишни ваъда қилиш ёхуд манфаатдор этиш ҳақидаги таклифни қабул қилиш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан саксон бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

- а) тақроран;
- б) жуда кўп миқдорда;
- в) уюшган гурух томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса,
— беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади,

Башарти шахс жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда уч сутка ичидা, бироқ бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга маълум бўлгунга қадар, ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, у жавобгарлиқдан озод этилади.»;

5) 211-моддаси:

биринчи қисми диспозицияси қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Пора бериш, пора таклиф қилиш, пора беришини ваъда қилиш ёки пора беришга розилик билдириш яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, хорижий давлат ёки халқаро оммавий ташкилот мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир

этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган ёки бошқа шахс(лар)нинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била турраб, бевосита ёки воситачи орқали уни ёки бошқа шахс(лар)ни мулкий ёки номулкий манфаатдор этишга қаратилган ҳаракат»;

тўргинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

Башарти шахс жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда уч сутка ичидা, бироқ бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга маълум бўлгунга қадар, ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, у жавобгарликдан озод этилади.»;

6) 213-модда қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«213-модда. Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи, хорижий давлат ёки халқаро оммавий ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш

Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, хорижий давлат ташкилоти ёки халқаро оммавий ташкилотининг хизматчисига мазкур хизматчининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс ёки шахс(лар) манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била турраб, бевосита ёки воситачи орқали ўзи ёки бошқа шахс(лар) учун уни ёки бошқа шахсни мулкий ёки номулкий манфаатдор этиш, манфаатдор бўлишни таклиф қилиш, манфаатдор этишни ваъда қилиш ёхуд манфаатдор этиш ҳақидаги таклифни қабул қилиши, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар анча миқдорда содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу Кодекснинг 210 — 212-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

б) кўп миқдорда;

в) бир гурух шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, —

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гурух манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Башарти шахс жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда уч сутка ичидা, бироқ бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга маълум бўлгунга қадар, ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, у жавобгарликдан озод этилади.»;

7) 214-модда қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«214-модда. Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи, хорижий давлат ёки халқаро оммавий ташкилотининг хизматчисининг қонунга хилоф равишда мулкий ёки номулкий манфаатдор бўлиши

Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, хорижий давлат ташкилоти ёки халқаро оммавий ташкилот хизматчисининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда бажариши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни ҳақ эвазига ўзига оғдириб олаётган ёки бошқа шахс(лар)нинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, бевосита ёки воситачи орқали ўзи ёки бошқа шахс учун мулкий ёки номулкий манфаатдор бўлиши, манфаатдор этишни сўраши ёхуд манфаатдор бўлиш ҳақидаги таклифни қабул қилиши, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд муайян хуқуқдан маҳрум этилган ҳолда икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) анча миқдорда;
- б) тамагирлик йўли билан содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд муайян хуқуқдан маҳрум этилган ҳолда бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) тақроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу Кодекснинг 210 — 212-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

- б) кўп миқдорда;
- в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

г) тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши муносабати билан шахсга нисбатан тамагирлик йўли билан содир этилган бўлса, —

муайян хуқуқдан маҳрум этилган ҳолда уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) жуда кўп миқдорда;
- б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —
беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.»;
- 8) қўйидаги мазмундаги 214¹ -модда билан тўлдирилсин

214¹-модда Профессионал спорт ва мукофотланадиган танлов иштирокчилари ва ташкилотчиларини ҳақ эвазига оғдириб олиш

“Расмий спорт мусобақалари ёки мукофотланадиган танлов иштирокчиларини пора эвазига оғдириб олиш, яъни расмий спорт мусобақалари ёки мукофотланадиган танловларнинг иштирокчилари, мураббийлари, ҳакамлар, спорт гуруҳи раҳбарлари ва бошқа аъзолари ёки бундай тадбирларнинг ташкилотчиларига моддий бойликлар бериши ёхуд мулкий қўринишдаги бошқа ҳаракатларни амалга ошириши ҳисобига ғолибликни

кўлга киритиши ёки бошқа тарзда ноқонуний равища тадбир натижаларига таъсир кўрсатиши –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар анча миқдорда содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу Кодекснинг 210 — 212-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;
- б) кўп миқдорда;
- в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, — уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) жуда кўп миқдорда;
- б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, — беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Башарти шахс жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда уч сутка ичидаги, бироқ бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга маълум бўлгунга қадар, ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишида фаол ёрдам берган бўлса, у жавобгарликдан озод этилади.”

9) саккизинчи бўлим:

«Мансабдор шахс» атамасининг ҳуқуқий маъноси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Мансабдор шахс – доимий, вақтинча ёки маҳсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимиёт вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс.”

10) Кўйидаги атамалар билан тўлдирилсин:

“Халқаро ташкилот мансабдор шахси – халқаро ташкилот номидан ҳаракат қилиш ваколати берилган бундай ташкилот ходимлари ёки ҳар қандай шахс.

Хорижий давлат мансабдор шахси – хорижий давлатинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида сайланадиган ёки тайинланадиган ҳар қандай лавозимни эгаллаб турган, шунингдек хорижий давлат, шу жумладан оммавий идора ёки оммавий корхона учун ҳар қандай оммавий функцияни ижро этувчи шахс.”

“Пора – мулкий, яъни пул, қимматбаҳо қоғозлар, моддий бойликлар, шунингдек, пора оладиганга қайтармаслик шарти билан, лекин моддий моҳиятга молик бўлган (масалан, таъмирлаш, қурилиш, қайта тиклаш ишларини бажариш ва бошқалар) хизматлар, шунингдек номулкий, яъни мулкий ҳолатини яхшилашга (ошириш)

қаратилмаган, шахсий (кундалик) эхтиёжларни қондиришга йўналтирилган, ҳар қандай кўринишдаги номоддий кўринишдаги хизматлар.”

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144- модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380- модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179- моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242- модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679- моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166- моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471- моддалар, № 9, 591,592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791- моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204- моддалар) куйидаги ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

- 1) **61¹ -модда чиқариб ташлансин.**
- 2) **193¹ -модда чиқариб ташлансин.**
- 3) **193² -модда чиқариб ташлансин.**

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирусин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишилари ва бекор қилишларини таъминласин; ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил _____,
ЎРК-____-сон